

РАҲМАТИЛЛА МУСУРМОНОВ

**КЛАСТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
АСОСИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ
ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

ЎЗИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАҲМАТИЛЛА МУСУРМОНОВ

**КЛАСТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
ЎҚУВ-ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Монография)

-4905/Х-

Тошкент
«ZEBO PRINT»
2023

УО'К 37.046;377
КВК 74.57
М-88

РАҲМАТИЛЛА МУСУРМОНОВ. КЛАСТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ [Монография]: - Тошкент. «ZEBO PRINT» - 2023.- 188 бет.

Илмий маслаҳатчи:

Мухамедов Гафуржон Исраилович - Ўзбекистон Фанарбоби, кимё фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Усаров Ж.Э. - педагогика фанлари доктори, профессор.

Химматалиев Д.О. - педагогика фанлари доктори, профессор.

Пўлатов Ш. - педагогика фанлари номзоди, доцент.

Мазкур монография "Модернизациялашган таълим шароитида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувтарбия фаолиятини кластер технологиялари асосида такомиллаштириш" нинг долзарб масалаларига бағишиланган бўлиб, ўқувчиларнинг дарс интизомига салбий муносабатлари оқибатларини бартараф этиш, фанлардан берилётган БҚМ ларни самарадорлигига эришиш, мактаб раҳбарлари, амалиётчи психологлар, ўқитувчилар, ота-оналар масъулиятларини ошириш каби механизмларини такомиллаштириш муаммоларига бағишиланган.

Мактаб раҳбарлари, фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, мактаб амалий психологлари, ота-оналар, маҳалла фаоллари, ёшлар ташкилотлари мутасаддиларига, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари педагогик ходимларига амалиётда қўллаш учун мўлжалланган. Ундан илмий тадқиқотчилар, таянч докторантлар, магистрлар, инновацион педагогик таълим кластери муаммолари билан қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

ISBN 978-9910-9587-1-7

**ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ
- УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИ
ОМИЛИ**

Педагогик таълим инновацион кластери узлуксиз таълим тизимидағи барча таълим турлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказлари, амалиёт базалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунлиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги вазифалар тақсимланган фаолияти педагогик таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради. Бинобарин, кластернинг асосий мақсади ўз таркибига кирувчи таълимий-илмий-инновацион салоҳиятни нафақат юқори фуқаролик ва касбий лаёқатлилик даражаси билан, балки рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ҳамда амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштиришdir. Педагогик таълим ривожланишининг кластеризимитаълимбериш, ўқувадабиётларинияратиш, педагог кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, таълим ва тарбия узвийлиги билан боғлиқ умумий йўналишларда фаолият олиб боради. Айни пайтда бу умумий йўналишлар таълимни бошқариш ваташкилаштириш, таълим турлари ва йўналишлари ўртасида узвийлик ва интеграцияни таъминлаш, ўқитиши методлари ва воситаларидан фойдаланиш каби йўналишларда хусусийлашади. Юқорида келтирилганларга асосланиб, бугунги кунда янги Ўзбекистон шароитида "Таълим тўғрисида" ги қонун, Президент қарор ва фармонлари ва бошқа ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида узлуксиз таълим тизимида таълим-тарбия олаётган ёшларимизга замонавий мукаммалликни шакллантиришда табиийки, масъулият юки асосан, энг аввало, оиласа, сўнг эса таълим муассасалари ходимлари зиммасига тушиши табиий. Бу масъулият эса педагог-ўқитувчилардан қайси фан мутахассиси бўлишидан қатъий назар замон билан

ҳамнафасликни, ўқувчилар руҳиятини эътиборга олган ҳолда мазмунли дарс ҳамда тарбиявий машғулотлар жараёнини ташкил этишни талаб этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлар узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган устоз-мураббийларга жуда катта масъулият ва залворли вазифаларни қўймоқда. Мамлакатимизнинг ўқув-тарбия муассасаларида ёшларга таълим ва тарбия берадиган ўқитувчи-педагогларнинг тайёргарлик даражалари, тажриба ва малакалари, касб маҳоратлари ва ўз касбига бўлган мослиқ даражаси (компонентлиги) қай даражада, улар томонидан ёшларимизга берилаётган таълим ва тарбиянинг самарадорлик даражаси бугун шиддат билан кечадиган глобаллашув жараёнларига мосми?! Қолаверса, ўқувчиларимиз орасида тарбияси қийин болаларнинг хатти-ҳаракатларини педагогик-психологик таҳлил этиш ва уларга амалий жиҳатдан кўмак бериш, тарбиячи-педагоглар учун мазкур йўналишда етарли тасаввурга ҳамда улар билан амалий машғулотлар ўтказиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни талаб этади. Дарс самарадорлигига эришиш асосан ўқувчиларнинг дарсга бўлган муносабатларига боғлиқ бўлади. Ана шу муносабат эса иккى хил бўлиши мумкин. Албатта, дарсга ижобий муносабат ўқувчиларни баркамоллик сари ундаса, салбий муносабат эса бунинг тескариси демакдир. Ўқитувчи-мураббийлар томонидан замонавий дарсларни қай даражада ташкил этилишида гап кўп. Бекорга **дарс - муқаддас** дейилмаган. Ана шу муқаддаслик жуда кўп нарсани ҳал қиласди. Бунинг учун эса фаолият олиб бораётган таълим муассасалари раҳбарлари ва ходимларининг фидойиликлари, компетентликлари муҳим ҳал қилувчи рол ўйнайди. Хўш, жамиятда қабул қилинган тартиб-қоидаларни бузиш қачон ва қандай шароитларда юз беради. Зоро болалар ёш, яъни ўсмирлик чоғида у ёки бу таъсирларга тезроқ берилиши уларга хос хусусият эканлиги ҳеч кимга сир эмасдир. Ўсмирларни

керакли ва ўз пайтда мақбул йўлга сола олмасак, кейин кеч бўлиши тайин. Яъни бола ўз йўлини, келажагини жамият ҳаётига зид бўлган турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда тасаввур этса, уни бу йўлдан қайтариш жараёни анча қийин кечади. Шу сабабли шифокорлар айтганидек, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш кўпроқ самара беради. Шунинг учун ҳам биз болаларни салбий хатти-ҳаракатга мойилликларини илгарироқ фаҳмлашга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Акс ҳолда, кейинчалик болани нотўғри йўлдан тўғри йўлга солиш учун бир неча барорар куч-ғайрат, маблағ сарфлашга тўғри келади. Ана шу мақсадда педагогика фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимларнинг тадқиқотларидан жавоб излаш, муаммо нечоғлик илмий таҳлил этилиб тавсиялар ишлаб чиқилганидан хабардор бўлиш зарур. Ўз навбатида муаммони ижобий ҳал этиш учун янги тадқиқотларни олиб бориш, дарсга ижобий муносабатни такомиллаштиришнинг янги-янги механизмларини ишга туширишни талаб этади.

Мустақил тадқиқотчи «Мактаб менежменти» кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди, кўп йиллик педагогик ва ҳаётий тажрибага эга Р.Мусурмоновнинг шу йўналишда олиб бораётган тадқиқот иши мазмун-моҳияти долзарблиги билан аҳамиятлидир.

Мухамедов Г.И. – Ўзбекистон Фан арбоби, кимё фанлари доктори, профессор.

КИРИШ

Маълумки, шахс тарбияси узлуксиз жараён бўлиб, инсон дунёга келишидан бошлаб, то умрининг охиригача давом этиб боради. Бу жараён давомида атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларнинг шахсга салбий ёки ижобий акс таъсир этиши унинг инсоний фазилатлари қай даражада шаклланганлигини белгилайди. Бугунги кунда таълим соҳаси олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан шу мақсадга қаратилган бўлиб, келажак авлодни баркамол шахс сифатида шаклланишини таъминлашдан иборатdir.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ўсиб келаётган ёшларимиз орасида тарбияси оғир ва ноқобил фарзандлар учраб туради. Айниқса, фарзанд тарбиясига етарли даражада эътибор бермайдиган ота-оналарнинг фарзандлари, оиласий можаролар туфайли назоратсиз қолаётган ўсмирларнинг тақдири, уларнинг тарбияси ва таълимига алоҳида эътибор ва ёндашув талаб этилади. Ана шундай тоифадаги болалар томонидан дарс жараёнига нисбатан салбий муносабат шаклланиб боради.

Яна шуни эътироф этиш лозимки, дарс жараёнига нисбатан салбий муносабатларнинг шаклланишида у ёки бу фанлардан сабоқ бераётган ўқитувчилар ҳам сабабчи бўлишлари мумкин. Тажрибалар кўрсатадики, ўқитувчининг ўқувчига нисбатан қўпол муомиласи, ўқувчи қалбига йўл топа билмаслик, ўринсиз танбеҳ ва дашномлар, ўқувчини мэнсимаслик,adolatsizlik сингари иллатлар ҳам ўқувчида ўша дарс бераётган ўқитувчининг нафақат ўзига, балки унинг фанига нисбатан ҳам нафрат уйғотади.

Агар биз фарзандларимизни ҳар томонлама етук, баркамол инсон қилиб тарбияламоқчи бўлсак, уларнинг хатти-ҳаракатларини ҳар томонлама ўрганишимиз шарт. Жамиятимиз учун ноқобил, интизомсиз, қонун-қоидаларни ҳурмат қилмайдиган масъулиятсиз инсонлар ортиқчалик қиласди. Шунинг учун ҳам халқимизнинг "Бола

бошидан" деган иборасига амал қилиб, болаларимизнинг таълим-тарбиясида бўшлиқларга йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг учун эса ота-онанинг, таълим муассасалари ўқитувчи-педагоглари, амалиётчи психологлар, жамоатчи ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчиликнинг ҳар бирига тегишли бўлган масъулияти борки, бу масъулият уларга салмоқли вазифаларни юклайди.

Шундай қилиб, замонавий таълим-тарбия муаммоси стакчи масала сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилиган даврда, фарзанд тарбиясида оила, яъни ота-оналарнинг таълим салоҳияти, таълим муассасаси билан аниқ мақсадга йўналтирилган узвий ўзаро манфаатли ҳамкорлиги зарурияти юзага келди. Ҳозир моҳияти ва мазмuni, стратегияси ва тамойиллари бўйича таъсирчан кучга айланиб бораётган модернизациялашган таълим соҳасини ривожлантиришнинг илмий-методик ёндашувлари ва усулларини янада самарадор шаклларини ишлаб чиқиши тақозо қилмоқда. Чунки яхши тарбия топган болатаълим муассасаларида яхшивааълобаҳоларда ўқииди. Бугунги кунда ўқитиладиган фанларни давлат таълим стандартлари даражасида ўзлаштирилмаслиги – бу дарс интизомига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Инновацион педагогик таълим кластерини таълим-тарбия жараёнларига кўллаш ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Бу борада Чирчик давлат педагогика университети олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида кўлга киритилаётган ишлар диққатга сазаворлиги билан аҳамиятли.

Тажрибалар кўрсатадики, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг дарс интизомига салбий муносабати оқибатида фанлардан ДТС талаблари даражасида ўзлаштирилмасликдан ташқари қоидабузарликлар, безорилик, жиноятчиликлар содир этилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ота-оналарнинг бефарқликлари, масъулиятсизликлар, мактаб билан алоқани йўлга қўймаслик, боланинг бўш вақтини назорат қилмаслик,

фарзандларининг келажак тақдирлари билан қизиқмаслик сингари ҳолатлар вазиятни янада чигаллаштириб юбормоқда.

Тарбия муаммоси ҳамманинг иши – умумхалқ масаласи бўлғанлиги учун ҳам дарс интизомига бўйсунмайдиган ўқувчилар билан ишлаш механизmlарини такомиллаштириш, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш, **мактаб – оила – маҳалла – корхона, ташкилотлар раҳбарлари, хуқуқни ҳимоя қилувчи органлар** орқали ота-оналарга таъсир кўрсатиш, фарзандлари ўқийдиган таълим муассасаларига ташриф буюришларига эришиш, улар масъулиятларини ошириш мақсадида олиб борилган тажриба-синов ишлари ўзининг ижобий натижаларини берди.

Ана шундай муҳим эҳтиёжнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот ишимизни “Модернизациялашган таълим шароитида мактаб дарсларининг кластерли интизомийомилларимеханизмларини такомиллаштириш” муаммоларини ечимини топишга бағишлидик.

I.БОБ. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГАН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА КЛАСТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Модернизациялашган таълим шароитида мактаб дарсларининг кластерли интизомий омиллари ижтимоий педагогик муаммо сифатида

Янги Ўзбекистон шароитида таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсади ва вазифаси тез суратларда ривожланаётган жамиятимизга мос баркамол авлодларни тарбиялашимизга боғлиқ. Ана шундай долзарб вазифани амалга ошириш учун ўтмишдаги аждодларимизнинг ёшлар таълим-тарбиясига бағишланган ниҳоятда бой тарихий тажрибаларини ўрганиш ва ушбу тажрибалардан замон талабларига мос ҳолда таълим ва тарбия беришнинг янги технологиялари ва воситаларидан унумли фойдаланиб амалга ошириш катта аҳамиятга эга эканлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Тарихий манбаларнинг таҳлили ва ундан чиқарилган илмий хуносаларга таяниб, айтиш мумкинки, ўтмишда аждодларимиз-оламгамашхур бўлган буюкмутафаккирлар томонидан қолдирилган дурдона асарларда жамиятни ривожлантиришнинг асосини ташкил этадиган, таълим ва тарбия масалаларига, баркамол инсонни тарбиялаш муаммоларига жуда катта эътибор берганлар.

Ҳеч бир инсон дунёга мукаммал бўлиб келмайди. Инсон жамиятда, ўзининг қуршовидаги инсонлар орасида, табиат қўйнида, турли-туман воқеа-ҳодисалар ичida, улар билан мулоқотда ҳамда бевосита аралашув жараёнида ўсиб-улғаяди, камолга етади.

Шунинг учун ҳам баркамол инсон ҳақидаги таълимот инсонни ҳар жиҳатдан етук маънавий-ахлоқий, маърифий, ижтимоий-сиёсий, хуқуқий соҳаларда энг юксак камолотга

етган хислатларини назарда тутади.

Буюк мутафаккир, сўз мулкининг сultonи Мир Алишер Навоий бобомиз ўзининг ўлмас асарлари билан халқимизнинг миллий маънавиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг “Оламдан ғамсиз ўтай десанг, илму-хунар ўрган. Дунёдан камолотга етмай ўтиш, ҳаммомдан тоза бўлмай чиқишнинг ўзи”, деб авлодлар тарбияси учун жон куйдирган [18]. Унинг баркамол инсон борасидаги қарашлари дунёвий руҳда, ҳаётнинг реал талабларига жуда яқин. А.Навоий инсонларга яхшилик қилиш, муҳтоjlар мушкулини осон қилиш – инсон руҳиётини безайдиган энг олий фазилат, деб билган.

Кластер атамаси америкалик иқтисодчи, Гарвард мактаби профессори, рақобат имкониятларини ўрганиш бўйича мутахассис бўлган Майл Южин Портер томонидан илк бор кўлланилган. У кластерга географик жиҳатдан қўshни бўлган, бир-бири билан боғланган, муаяйн бир соҳада фаолият олиб борадиган ҳамда бир-бiriнинг ишини тўлдирадиган корхона ва ташкилотлар бирлашмаси сифатида таъриф берган.

Унинг фикрича, кластерлар қўйидаги умумий жиҳатларга эга бўлиши даркор: - илмий-тадқиқот муассасалари мавжудлиги; - иш ресурслари; - рақобатбардошлиқ ҳолати; - соҳага мансублик; - маҳсус ўқув муассасаларининг мавжудлиги; - маҳсус хизматларга эгалик имкониятининг мавжудлиги; - хомашё етказиб берувчиларнинг етарлилиги...» [30] Педагогикада «кластер (cluster)» - «тармоқлар методи технологияси» деб ҳам аталади ва бу метод мантиқий фикрлаш, умумий фикрлаш доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишига қаратилган, бирон-бир мавзуни чуқур ўрганишдан олдин ўкувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтишига хизмат қиласидаган усул маъносида кўлланилади.

Хўш, ҳозирги кунда «тренд» сўзга айланган

«кластер»нинг маъноси фақатгина шулардан иборатми? Албатта, йўқ. Ушбу лексемани таълим соҳаси билан боғлаб, унинг маъноси Ф.И. Муҳамедовнинг «Педагогик таълим инновацион кластери: эҳтиёж, зарурат, натижа» номли мақоласида янада кенгроқ ёритиб берилган. Жумладан «... Тошкент вилояти таълим тизимида мавжуд камчиликларни ўрганиш ва уларнинг таҳлили шуни кўrsatдики, педагогик таълим йўналишларини мувофиқлаштириш, истиқболни режалаштириш, таълим босқичлари ўртасидаги алоқа ва интеграциянинг сустлиги, таълим субъектлари фаолиятидаги тарқоқлик ҳудудда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаслиги ва таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлган. Шундан келиб чиқсан ҳолда институт Тошкент вилоятида педагогик таълим инновацион кластерини яратиш билан боғлиқянги тизимни ўзининг густувор стратегик йўналиши сифатида белгилаб олган эди [31].

Педагогик таълим инновацион кластери узлуксиз таълим тизимидағи барча таълим турлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказлари, амалиёт базалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунлиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги вазифалар тақсимланган фаолияти педагогик таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради. Бинобарин, кластернинг асосий мақсади ўз таркибиغا кирувчи таълимий-илмий-инновацион салоҳиятни нафақат юқори фуқаролик ва касбий лаёқатлилик даражаси билан, балки рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ҳамда амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштиришdir.

Педагогик таълим ривожланишининг кластер тизими таълим бериш, ўқув адабиётларини яратиш, педагог кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, таълим ва тарбия узвийлиги билан боғлиқ умумий йўналишларда

фаолият олиб боради. Айни пайтда бу умумий йўналишлар таълимни бошқариш ва ташкиллаштириш, таълим турлари ва йўналишлари ўртасида узвийлик ва интеграцияни таъминлаш, ўқитиш методлари ва воситаларидан фойдаланиш каби йўналишларда хусусийлашади ...» [31]

Юқорида келтирилганларга асосланиб, бугунги кунда янги Ўзбекистон шароитида “Таълим тўғрисида” ги қонун, Президент қарор ва фармонлари ва бошқа хуқуқий-меъёрий хужжатлар талаблари асосида узлуксиз таълим тизимида таълим-тарбия олаётган ёшларимизга замонавий мукаммалликни шакллантиришда табиийки, масъулият юки асосан, энг аввало, оила (ота-оналар) га, сўнг эса таълим муассасалари зиммасига (маърифат фидойилари бўлган устоз-мураббийларнинг чекига) тушишиб табиий. Бу масъулият эса педагог-ўқитувчилардан қайси фан мутахассиси бўлишидан қатъий назар замон билан ҳамнафасликни, ўқувчилар руҳиятини эътиборга олган ҳолда мазмунли дарс ҳамда тарбиявий машғулотлар жараёнини ташкил этишини талаб этади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлар узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган устоз-мураббийларга жуда катта масъулият ва залворли вазифаларни қўймоқда.

Мамлакатимизнинг ўқув-тарбия муассасаларида ёшларга таълим ва тарбия беряётган ўқитувчи-педагогларнинг тайёргарлик даражалари, тажриба ва малакалари, касб маҳоратлари ва ўз касбига бўлган мослик даражаси (компонентлиги) қай даражада, улар томонидан ёшларимизга берилаётган таълим ва тарбиянинг самарадорлик даражаси бугун шиддат билан кечётган глобаллашув жараёнларига мосми?!

Қолаверса, ўқувчиларимиз орасида тарбияси қийин болаларнинг хатти-ҳаракатларини педагогик-психологик таҳлил этиш ва уларга амалий жиҳатдан кўмак бериш, тарбиячи-педагоглар учун мазкур йўналишда етарли тасаввурга ҳамда улар билан амалий машғулотлар ўтказиш

кўнишка ва малакаларига эга бўлишни талаб этади.

Дарс самарадорлигига эришиш асосан ўқувчиларнинг дарсга бўлган муносабатларига боғлиқ бўлади. Ана шу муносабат эса икки хил бўлиши мумкин. Албатта, дарсга ижобий муносабат ўқувчиларни баркамоллик сари ундаса, салбий муносабат эса бунинг тескариси демақдир. Ўқитувчи-мураббийлар томонидан замонавий дарсларни қай даражада ташкил этилишида гап кўп. Бекорга дарс - муқаддас дейилмаган. Ана шу муқаддаслик жуда кўп нарсани ҳал қиласди. Бунинг учун фаолият олиб бораётган таълим муассасалари раҳбарлари ва ходимларининг фидойиликлари, компетентликлари муҳим ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Хўш, жамиятда қабул қилинган тартиб-қоидаларни бузиш қачон ва қандай шароитларда юз беради. Биз тадқиқот жараёнида ана шу масалаларга ойдинлик киритиш, муаммонинг илдизини аниқлашга ҳаракат қилдик. Зоро болалар ёш, яъни ўсмирлик чоғида у ёки бу таъсиrlарга тезроқ берилиши уларга хос хусусият эканлиги ҳеч кимга сир эмасдир. Ўсмирларни керакли ва ўз пайтда мақбул йўлга sola олмасак, кейин кеч бўлиши тайин. Яъни бола ўз йўлини, келажагини жамият ҳаётига зид бўлган турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда тасаввур этса, уни бу йўлдан қайтариш жараёни анча қийин кечади.

Шу сабабли шифокорлар айтганидек, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш кўпроқ самара беради. Шунинг учун ҳам биз болаларни салбий хатти-ҳаракатга мойилликларини илгарироқ фаҳмлашга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Акс ҳолда, кейинчалик болани нотўғри йўлдан тўғри йўлга солиш учун бир неча барорар куч-ғайрат, маблағ сарфлашга тўғри келади.

Ана шу мақсадда педагогика фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимларнинг тадқиқотларидан жавоб излаш, муаммо нечоғлик илмий таҳлил этилиб тавсиялар ишлаб чиқилганидан хабардор бўлиш зарур. Ўз навбатида муаммони ижобий ҳал этиш учун янги

тадқиқотларни олиб бориш, дарсга ижобий муносабатни такомиллаштиришнинг янги-янги механизмларини ишга туширишни талаб этади.

Кейинги йилларда юз берәётган туб ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига янгича инновацион ёндашувлар, мавжуд қарашлар, тушунчалар ва муносабатларни тараққиёт кўзгуси ва самарадорлик мезонлари билан қайта кўздан кечиришни тақозо этмоқда. Ф.И.Мухамедовнинг таъкидлашича, “Педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш тизимига ўтказиш заруратини тақозо этмоқда. Кластер тизими ҳар бири алоҳида фаолият олиб борадиган субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштиради ва айни пайтда ҳар бир субъект умумий мақсаддан келиб чиқсан ҳолда хусусий манфаатдорлик асосида иш юритади.

Кластер тизими субъектлари бир-бирини қўллаб-куватлади ва назорат қиласи, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратади, ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини кенгайтиради. Педагогик таълим инновацион кластери алоқадорлик, узвийлик, изчиллик, ворисийлик, замонавийлик, йўналтирилганлик, манфаатдорлик тамойилларига асосланади [31].

Глобаллашув шароитида замонавий таълимнинг ривожланиш тенденсияларини таҳлил қиласи эканмиз, таълим муассасалари ва жамоатчилик, ижтимоий тузилмалар, оила ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги тизимини шакллантириш учун объектив шарт-шароитларни яратиш давр талабига айланмоқда. Бу эса ҳар жиҳатдан кечиктириб бўлмас талаб бўлиб, таълим муассасалари мутасаддиларига

ва оила бошлиқлари ота-оналарга, маҳалла, корхона, ташкилот, ҳокимликларга жуда катта масъулият юклайди. Эътироф этиш керакки, тарбия иши – ҳамманинг иши. Жамият тараққиётидан манфаатдорлик ҳам шу жамиятда яшайдиган ҳаммага тегишли бўлгани боис, барча катта ёшли инсонлар келажак авлод тарбияси билан шуғулланишга мажбур этилмоғи зарур. Ушбу умум вазифада эса ота-оналарнинг улуши ва масъулияти салмоқли бўлиши керак.

Шундай қилиб, замонавий таълим-тарбия муаммоси етакчи масала сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилилган даврда, фарзанд тарбиясида оила, яъни ота-оналарнинг таълим салоҳияти, таълим муассасаси билан аниқ мақсадга йўналтирилган узвий ўзаро манфаатли ҳамкорлиги зарурияти юзага келди. Ҳозир моҳияти ва мазмуни, стратегияси ва тамойиллари бўйича таъсиричан кучга айланиб бораётган модернизациялашган таълим соҳасини ривожлантиришнинг илмий-методик ёндашувлари ва усулларини янада самарадор шаклларини ишлаб чиқиши тақозо қилмоқда.

Глобаллашувнинг моҳиятини чуқур ўрганиш ва унга мослашишга, таълим-тарбия йўналишини инновацион технологиялар асосида ўзгартиришга имкон беради.

Сўнгги йилларда кўплаб мамлакатларда таълим турлари, уларнинг тузилиши, тамойиллари ва механизмларини бирлаштириш таълим соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, таълимга янгиликларни киритиш ва тасдиқланган усул ва воситалардан фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда. Таълим кластерида элементлар ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар муҳим аҳамиятга эга.

Агар оиласида муайян таълим имконияти, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги маъсулиятлилик даражаси суст ва бўшанг бўладиган бўлса, у ҳолда болани тарбиялашда кўзланган натижага эришиш ниҳоятда мушкул, мешакатли бўлади. Ушбу муаммога бағишлиланган

тадқиқотларни таҳлил қиласиган бўлсак, дунё олимлари, жумладан россиялик С.Е.Карклина, О.Ю.Кожурова, Ш.М.Борисова, Хоменколарнинг илмий тадқиқот ишлари эътиборга моликдир. Сотсиолог С. Э. Карклина оиланинг таълим салоҳияти борасида: «Ота-оналарнинг маданияти ва таълим даражаси, болалар олдиаги ота-оналарнинг обрўси ва болаларнинг ота-оналарга бўлган ишончи, оиладаги талабларнинг бирлиги» сифатида таърифлайди. Боланинг оиладаги тарбияси ниҳоятда нозик ва маъсулиятли иш бўлиб бу борада А.С.Макаренко: «Болани фақат у билан гаплашганда, насиҳат қилганда ёки унга бирон нарсани буюрганда тарбиялайман деб ўйламанг. Сиз болани турмушингизнинг ҳар бир пайтида, ҳаттоқи ўзингиз уйда йўқлигингида ҳам тарбиялайсиз. Сизнинг қандай кийинишингиз, бошқалар билан суҳбатларнингиз, хурсанд бўлишингиз ёки ташвишланингиз, дўстдушманингиз билан қандай муомала қилишингиз, газета ўқишингиз буларнинг ҳаммаси бола учун катта аҳамиятга эга.

Агар ота-оналар, катталар болалар олдида обрўли бўлсалар, болалар уларнинг ҳаракат ва қилмишларига бажонидил тақлид қиласидар» дейди [18].

Тарбия жараёни ўсаётган боланинг шахсига бир томондан чукур хурмат ва комил ишонч билан қарашга, иккинчи томондан ундан тўғри ва оқилона талаб қилишга асосланган бўлиши керак. Тажриба шуни кўрсатадики, ижобий намуна ва ўрнак ҳамма вақт тарбиянинг таъсирчан фактори ҳисобланади.

Таълим-тарбиянинг асосий субъектларидан бири ҳисобланган ота-оналар таълим муассасасининг бош ва асосий ҳамкори бўлиши шартдир. Ушбу муносабатларни олим Хоменко уч босқичдан иборатлигини таъкидлайди [25].

Биринчи босқичда томонларнинг умумий мақсадлари, қадриятлари, ресурс базалари, ўзаро ёрдам, ота-она сўровлари ва ресурслари мониторингини аниқлаш

натижада, ота-оналарнинг биргалиқдаги фаолиятни амалга ошириш истаги пайдо бўлади.

Иккинчи босқич - муайян ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш, маъсулиятни тақсимлаш. Бу босқичда ота-оналарнинг биргалиқда фаолият қилиш қобилияти юзага келади.

Учинчи босқичда ушбу муносабатларнинг шартлари амалга оширилади; ихтиёрийлик (биргалиқдаги фаолиятнинг турли шаклларида эркинликнинг мавжудлиги ва танловнинг хабардорлиги); узоқ муддатли (субъектларнинг ўзаро таъсирининг узоқ ва такорий характеристига қаратилиши) ва ўзаро маъсулият.

О. Ю. Кожурова ўз тадқиқотида мактаб ва оила каби субъектларнинг таълим сифатини яхшилаш учун ҳамкорлик имкониятларини юқори баҳолаб биринчи навбатда, болалар учун фойдалилигини таъкидлайди.

Ота-оналар учун ҳамкорлик болалар билан муносабатини ўзgartiriш имкониятидир, чунки мактабда муваффакиятли ўқитилган ҳамкорлик модели оиласи илдиз олиш имконига эга. Бу болалар ва ота-она муносабатини яхшилашга, оиланинг психиологик иқлимига ёрдам беради.

Бу борада жаҳон тажрибасидан Сингапур мамлакатидаги «Ота-она ҳамкорлиги дастури» яхши самара берганлигини таъкидлашади. Таълимдаги ижтимоий шериклик бу - ишонч, томонларнинг ўзаро фойдаси, умумий мақсад ва қадриятлар, ихтиёрийлик ва муносабатларнинг давомийлиги, томонларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ривожланиши натижасида ўзаро маъсулияти билан тавсифланган таълим жараёни субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида тури ва биргалиқдаги фаолият.

Ташкилий шаклнинг энг асосий субъекти мактаб раҳбарлари, синф раҳбарлари, мактаб фан ўқитувчилари, мактаб психологи ҳисобланади. Ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш борасида шуни таъкидлаш лозимки,

малакали ёндашувнинг бурчагида, ҳатто анъанавий шакллар ҳам ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатларнинг янги даражасини ифодалайди, чунки улар ўзаро ҳамкорликни бошлаш ва қўллаб-қувватлашда, онгли позициянинг намоён бўлишида оиланинг устун фаолияти билан тавсифланади.

Ваколатга асосланган ёндашув ота-оналарнинг ўзғоялари билан фаолигини намоён қилишга, мураббий фаолиятини қўллаб-қувватлашга, онгли позициянинг намоён бўлишига оиланинг устун фаолияти билан тавсифланади. Нафакат ўқитувчилар балки социологлар ҳам ота-она ўртасидаги муносабатлар асосан оиланинг руҳий ва ахлоқий мұхитини шакллантиришини таъкидламокда.

Оиланинг ахлоқий иқлими турмуш тарзи, ота-оналарнинг хулк-атвори, муносабатларида, оила аъзоларининг мұлоқотида сезиларли даражада намоён бўлади.

Айниқса, умумтаълим мактабларида юкори синфларда (7-11синфлар) ахлоқий тарбия масаласи, ўқитувчи шахсига бўлган муносабат жиддий мұлоҳаза қилишга унданмокда.

Умумтаълим мактабларида ўқувчилар ахлоқий тарбияси масаласи билан шуғулланиш айни пайтда асосан синф раҳбари зиммасига юклатилган. Мураббий фаолиятида ўқувчиларнинг тарбиявий ҳолатини яхшилаш бирламчивазифаҳисобланади. Бумаъсулиятливазифанинг ҳаржиҳатдан самарадорлиги ота-оналар билан тўғри йўлга қўйилган, ягона мақсаддага йўналтирилган ҳамкорликдир. Мураббий қанчалик тажрибали бўлмасин бола тарбиясида оила таълим салоҳияти мұхим рол йўнашини, боланинг тўлақонли шахс сифатида шаклланишида таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигида синф мураббийининг роли мұхимлигини ўрганиш аҳамиятлидир. Афсуски, барча ота-оналар ҳам мактабнинг иттифоқчиси эмас, уларнинг кўпчилиги камдан-кам ҳолатда ўқитувчига ёрдам беради.

Хўш, ушбу муоммоларнинг илдизи ва ечими қаерга бориб тақалади?

Эътироф этиш керакки, педагог олимлар томонидан муаммога бағишлиланган кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилган. Аммо замонавий таълим шароитида мактаб дарсларининг кластерли интизомий омиллари тадқиқ этилмаган.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, вояга етмаганларда салбий ҳатти-ҳаракатлар ўз-ўзидан шаклланмайди. Бунинг учун ички ва ташқи омилларнинг таъсири бўлиш керак.

Шу сабабли ҳам ҳар қандай шахс ўсмирлик чоғи, яъни эндиғина вояга етиб келаётган пайтданоқ жамиятдан ўзига муносиб ўрин топиши катта аҳамият касб этади. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожияларга сабаб бўлиши мумкин.

Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишга олиб келади.

Ҳозирги узлуксиз таълим-тарбия жараёнида “тарбияси оғир”, “тарбияси қийин ўқувчи”, “қийин ўспирин”, “тартиббузарликка мойил”, “девиант ҳатти-ҳаракатли бола”, “тарбия кўрмаган”лар билан ишлаш муаммоларига эътибор ҳар қачонгидан ҳам кўра кучайтирилиши лозим.

Ўқувчилар орасида, умуман ёшлар орасида, педагогик нуқтаи назардан “қаровсиз қолган”, “тарбияси оғир”, “хуқуқбузарликка мойил”, “девиант ҳатти -ҳаракатли” ёшларнинг кўпайиб бориши ўқув-тарбия жараёнига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта. Бугунги тартиббузарликка мойил бола эртага потенциал жиноятчи бўлиб етишиши мумкин-ку ахир. Ана шунинг учун ҳам дарс интизомига салбий муносабатдаги ўсмирлар билан тарбиявий тадбирларни олиб бориш алоҳида ёндашувни талаб этади.

Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларида олиб борган назарий ва амалий

тадқиқотларимиз натижаси ўлароқ, айта оламизки, айни пайтда фаолият олиб бораётган кўп минг сонли ўқитувчиларнинг касб маҳоратлари ва ўз касбларига бўлган мос (компитет) лик даражалари замонавий талаблардан кескин ортда қолмоқда.

Олиб борилган илмий-методик таҳлилларимиз ва назорат ишлари натижалари хulosаларидан келиб чиқиб, замонавий ўқитувчининг касб маҳоратини такомиллаштириш ва ўз касбига мос (компитет)лиги, баркамол инсонни, рақобатбардош кадрларни тайёрлашда нималарга эътибор бериш кераклиги хусусида фикр юритамиз.

Биринчидан, мамлакатимизда рўй берадиган ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни ўзбек халқининг миллий менталети, руҳияти ва турмуш тарзининг ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг таълим-тарбияга салбий ёки ижобий маънидаги таъсирини ҳисобга олиш жуда муҳим.

Иккинчидан, инсон шахсини шакллантиришда тарбия устувор аҳамиятга эга бўлиб, у таълим бериш жараёнининг барча тамойилларини ўз ичига қамраб олади.

Таълим-тарбиянинг устуворлиги ҳақидағи бугунги кун талаби эса ўқувчи шахсининг шаклланишида дарс жараёнини оқилона ва пухта ўйлаган тарзда, барча ўқувчиларни бирдек қамраб олган ҳолда ташкил этиш муаммоси нақадар долзарб эканлигини тақозо этади.

Учинчидан, бозор иқтисодига ўтиш билан боғлиқ бўлган мураккабликлардан келиб чиқиб, ижтимоий ҳаётимизда юз берадиган айrim нохуш ҳолатларнинг тарбиявий жараёнга салбий таъсирини таҳдил қилиб ўрганишни, уни бартараф қилиш йўлида муайян илмий хulosалар чиқариб, амалиётда қўллаш мумкин бўлган услубий тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаларини долзарб муаммо сифатида қўяди.

Тўртинчидан, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, мактаб, оила ва маҳалла ҳамда ота-она фаолият

юритадиган давлат ва нодавлат ташкилот, корхоналар ўртасидаги тарбиявий муносабатларни ўз ичига оладиган, илмий асосланган, миллий, диний, этник, ҳудудий, демографик хусусиятларни ҳисобга олган, тарбиянинг янгичамазмунини очиб берадиган концепция ишлабчиқиши зарур. Ушбу концепцияда ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясига масъулиятини янада ошириш мақсадида мактаб билан оила, маҳалла, ота-оналар меҳнат қиласидаги ташкилот, ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарияти, ёшлар ташкилотлари, касаба уюшмаси ходимларини жалб этган ҳолда ҳар бир ўқувчи назоратга олиниши ва ота-оналар даврий равишда меҳнат жамоаси олдида ўз фарзандининг ўқиши, тарбияси, ахлоқ-одоби, хулқи учун жавобгарликни ҳис этишлари керак.

Агар бу тавсиялар амалиётда кўлланса, ижобий натижা бериши табиий. Чунки ота-она касбдошлари ва раҳбарлари олдида фарзандининг кирдикорлари учун мулзам бўлгиси келмайди. Қолаверса, давлат ва нодавлат ташкилот, корхона раҳбарлари ходимларни ишга қабул қилиш жараёнидаги меҳнат шартномасига битта банд сифатида “фарзандларимни жамиятимиз учун намунали шахс этиб тарбия бераман” мазмунидаги мажбуриятни ҳам олади. Ташкилот ва корхоналарда ота-оналар доскалари ташкил этилиб, фарзанд тарбиясида ўрнак бўлаётганлар фото суратларини қўйиш, фарзанди тарбиясидаги бўшанглик ва масъулиятсизлик, мактаб билан етарли даражада алоқани йўлга қўймагани учун лоқайд ота-оналарга нисбатан танбех, дакки, танқид каби жазолашнинг енгил турларидан ҳам фойдаланиш, жиддий камчиликлар учун ҳаттоки, мукофотлардан ҳам бебаҳра қолдириш мумкин. Шунингдек, намунали ота-оналарни моддий ва маънавий рағбатлантириш, меҳнат таътилига қўшимча (2-3 кун) бериш, ўзи хоҳлаган вақтда таътилга чиқиш имтиёзларини жорий этиш ҳам самарали натижага беради.

Албатта, эскилик янгиликка осонликча ўрнини

бўшатиб бергиси келмайди. Масъуллар учун иш, ташвиш ҳам қўпаяди. Аммо тарбия ҳамманинг муқаддас иши эканлигини унутмаслик керак. Муаммо юзасидан ҳозирги аҳволимиз жуда ачинарли. Ўқувчиларнинг дарсларга кечикиб келиши, сабабсиз дарсларни қолдириш, уй вазифаларини бажармаслик, ташаббуснинг йўқлиги, лоқайдлик ва дангасалик чукур томир отиб бормоқда. Синфдаги 30-35 ўқувчидан атиги 5-10 ўқувчининг ДТС талабарини бажаришини қандай ҳазм қилиш мумкин. Ахир, ДТС бу – минимал талаб-ку! Бу келажак учун хиёнат эмасми?! Тадқиқот ишимиз жараёнида ўқувчиларнинг дарс интизомига бўлган муносабатларини ҳар томонлама рефлексив ёндашув асосида ўрганишга ҳаракат қилдик. Тарбиядаги асосий камчиликларни бартараф этиш учун бирлашиш, қўлни-қўлга бериб барча оила, мактаб, маҳалла ва бозор иқтисодиёти инфратузилмаси тармоқларини ҳамкорликда фаолият олиб боришга даъват этиш зарурати пайдо бўлди.

Мазкур концепцияда келажакка пухта замин тайёрлаш, эртанги кун талабларидан келиб чиқсан ҳолда мамалакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, чинакам маънода кучли демократик фуқаролик жамиятни барпо этиш вазифалари белгилаб берилмоғи лозим, бу барча педагог мутахассислар олдига янгидан-янги муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди.

Ўзбекистон шароитида таълимда инновацион кластернинг субъектлари сифатида муассасаларнинг таълими, илми, услубий фаолиятининг сифатини оширишга хизмат қиласиган барча давлат ва нодавлат ташкилотларини таълимда инновацион кластернинг субъектлари деб тушуниш мумкин. Кластер модели ҳар бири алоҳида фаолият олиб бораётган субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштиради ва айни пайтда, ҳар бир субъект умумий мақсаддан келиб чиқсан ҳолда хусусий манфаатдорликда иш юритади. Кластер модели субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлади ва назорат

қиласи, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратади, ўзаро ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини кенгайтиради. Шунингдек, таълимда инновацион кластер субъектлари қуидаги стратегияларга асосланади:

- ҳудуд нуқтаи назаридан географик стратегияга;
- ишлаб чиқариш ва академик илм-фан билан муносабатига кўра лотерал стратегияга;
- таълим ва тарбия технологияларидаги яқинлик нуқтаи назаридан технологик стратегияга;
- умумий мақсад атрофида бирлашиш нуқтаи назаридан фокусли стратегияга;
- ҳамкорликни қандай ташкил қилиш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан сифат стратегиясига [30].

Субъектларнинг бир пайтнинг ўзида бир нечта стратегик фаолият олиб бориши ва унинг фокусини кластернинг ҳам умумий, ҳам хусусий мақсадларига тўғрилаш анчайин мураккаб жараён ҳисобланади. Аммо бу мураккабликни илмий ва амалий нуқтаи назардан ҳал қилиш кластерлаштириш жараёнининг асосий шарти ҳисобланади.

Адабиётларда кластер таркибига кирувчи субъектлар ўзлари ишлаб чиқарувчи маҳсулотларнинг, ахборот ва билимларнинг хусусиятларига кўра қуидагича таснифланади:

- алоқаларнинг шакли бўйича;
- ўзаро ҳамкорликнинг тузилиши бўйича;
- иштирокчилар фаолиятининг хусусияти бўйича;
- пайдо бўлиш табиати бўйича;
- асосий ресурснинг хили бўйича;
- кафилланганлик даражаси бўйича;
- жуғрофий таркибий қисмнинг мавжудлиги бўйича.

Бундай тасниф кластер учун умумий характерга эга бўлиб, тармоқ кластерлари бўйича кўриб чиқилганда, уларнинг айримлари кузатилмаслиги ҳам мумкин.

Пировард натижа эса – глобаллашув шароитидаги жамиятнинг келажак эгаларини ғоявий-сиёсий, хуқуқий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллигини тарбиялаш, уларни имонли, эътиқодли қилишdir. Шу ўринда эътироф этиш керакки, кейинги даврда тарбия муаммоси кейинги ўринга тушиб қолди. Биз фақат таълим сўзига эътиборни қаратмоқдамиз. Ҳатто, қонунимиз ҳам “Таълим тўғрисида” деб номланган. Таълим бериб тарбияламоқчи бўламиз аслида, бунинг акси эмасми?!

Мазкур қўйилган муаммоларга янада кенгроқ ва чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, барча таълим муассасалари олдиғаги энг муҳим вазифа – жамият тараққиётини амалга оширувчиларни етиштиришни энг олий мақсад қилиб қўядиган, тафаккур ва амалиётни узвий боғлай оладиган, уни мақсад сари йўналтирадиган, янги инновацион технологиялардан унумли фойдаланиб, мазмунли дарс ўтишга эриша оладиган, пировард натижада таълим-тарбия жараёнининг сифат кўрсаткичларига эриша оладиган устоз-мураббий-педагоглар таркибини шакллантириш бош вазифа бўлмоғи лозим.

Умуман, таълим-тарбия муаммолари инсоннинг маънавий ривожланишини қондириш, замонавий ахборотлар билан таъминлаш, билимларни эгаллашга бўлган қизиқиши даражасини ошириш орқали шахснинг табиий, ижтимоий, сиёсий жараёнларини англаб этиши билан боғлиқ. Зеро, моҳир педагог ҳар бир ўқувчининг ҳам ботиний, ҳам зоҳирий қобилиятларини намоён этишга шароит яратади олади ва уни янада фаоллаштириш имкониятларини излаб, ўз мақсадига эришади.

Маълумки, ҳар бир жамиятда амалга ошириладиган таълим-тарбия тизими негизида муайян, аниқ мақсадлар ётади. Бу мақсадлар жамиятни ривожлантириш учун давлат сиёсати билан белгиланади. Бугунги кунда таълим-тарбия тизими мазмунини тубдан такомиллаштириш, уни юқори сифат босқичлари даражасига олиб чиқиш республикамизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

Бу эса таълим-тарбия масаласига замон талаблари даражасида ёндашишни талаб ётади.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, таълим кластери ўзбек педагогикасида инновatsия, яъни янгилик бўлиб, ўзида нафақат таълим турлари ўртасидаги, балки фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашув жараёнларини, шунингдек, таълимни бошқариш, таълим воситалари ва шакллари билан боғлиқ соҳаларни ҳам қамраб олади.

1.2. Модернизациялашган таълим шароитида мактаб дарслари интизомий омилларини шакллантиришнинг мавжуд ҳолати

Тадқиқот мавзуси бўйича хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан яратилган бир қанча педагогика, психология ва социологияга оид илмий-методик ва назарий адабиётлар таҳдил қилинди.

Мактабдаги интизомлилик муаммосига оид фалсафий ва психологик-педагогик адабиётларнинг таҳдили мактаб давридаги интизомлилик хусусиятининг моҳияти ҳамда ўзига хослигини белгилаш имконини берди. Тадқиқодда интизомлиликниталабларни бажаришваташаббускорлик, бўйсунувчанлик ва мустақиллик, фаоллик ва сустлик, интизомлиликни эса – ўз хулқини малака ва кўникмалари билан ўзаро боғлиқ ҳолда бошқара олиш, уларни шахсий қоидалар ҳамда талабларига, шунингдек, индивидуал ва жамоа интизомлиги эвазига онг элементи ҳамда одатий тажрибалар, муваффақият ва ютуқлар усули сифатида тўпланиб борадиган жамоа ва жамият томонидан қўйиладиган қоида ва талабларига бўйсундира билишдек шахсий хусусиятларнинг мужассамлилиги сифатида ёндашидилар; мазкур хусусиятларнинг шаклланиши жараённида зарурий ҳолат, англанмаган хоҳишлар, ташқи тарбиявий таъсирлардан, эркинлик, мустақилликка йўналтирилган хулқ-атвордан ўтиб бориш ва ушбу

хусусиятларнинг бирлиқдаги жамланмаси сифатида ёндашувчи мualлифларнинг нуқтаи назарлари бўлинади. Мактабда ўқувчилик давридаги умумий интизомлилик намоён бўладиган: онгли, тадқиқотчилик, меҳнат, ахлоқий-этик, экологик-валеологик, молиявий-иқтисодий, юридик-хуқуқий, майший-сервис ва бошқа кўплаб тур ва шакллар билан фарқланади.

Тадқиқот ишининг назарий қисмида мактабдаги интизомсизликнинг сабабларини аниқлашга йўналтирилган турли ёндашувлар, интизомсизлик шаклланишининг шароитлари, воситалари, шакллари ва усуллари ҳамда аниқлаш мезонлари (А.В. Барабанщиков, Ф.Г. Бондарь, В.Е. Гмурман, Л.Ю. Гордин, И. Долинская, Б.П. Есипов, Т.Д. Лейченков, Н.С.Лукин, О.Н. Майкина, Г. Холодюк, Г.И. Шукина ва бошқалар) кўриб чиқилди. Мазкур ёндашувлар, шунингдек, узлуксиз ва педагогик тажрибалар мажмуасини ташкил этиш бўйича турли адабиётлар, дастурларнинг таҳлили ҳозирги замон мактабда дарс интизоми муаммосига ягона ёндашув йўқ, деган хulosса чиқариш имконини беради.

Ўқув қўлланма ва дастурлар мualлифлари мазкур муаммони тўлиқ бартараф эта олмаганлар, бу эса бўлажак ўқитувчини мактаб интизомига тайёрлаш масаласини қийинлаштиради.

Мактаб интизомини шакллантириш муаммосининг ривожида учта босқични ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ўтган аср 20-60 йилларида интизомга хулқ-автор қоидаларини билиш ва қатъий риоя этиш сифатида қаралган. Интизомлиликнинг мазмуни ва белгиси сифатида талабларни аниқ бажариш, қатъийлик, меҳнатсеварлик, мулоимлик, соғдиллик ҳамда хулқий маданият назарда тутилган. Интизомлилик бирор ишни амалга ошириш жараёнида, заруратни тушуниб етганлик ёки обрўли шахсларнинг босимида намоён бўладиган ҳатти-ҳаракатларда аниқланади. Интизом ўқувчиларнинг онгли, меъёр ва қоидаларни тушуниб етганлиги, шароит

ҳамда заруратга боялиқ бўлмаган унинг ички эътиқодлари, шунингдек, ўқитувчининг обрўйи ва етакчилик роли билан белгиланади.

Ўтган аср 40-йилларидағи долзарб масалалар мактабдаги талаблар ва хулқ-автор қоидаларига оид бўлган. Бунда ўқитувчи маҳоратига катта эътибор қаратилган (Б.Песипов, И.А.Каиров, Н.Е.Магарин, С.М.Ривес). Интизомлилик ўқитувчининг обрўйи таъсирида бирор ишни бажаришдаги ҳатти-ҳаракатлари билан белгиланиши масаласи (И.Е.Раскин) ўрганилган. Интизомлилик ўқувчининг хулқий меъёр ва қоидаларни онгли тушуниб етганлиги, шароит ҳамда заруратга боялиқ бўлмаган унинг ички эътиқодлари, шунингдек, ўқитувчининг обрўйи ва етакчилик роли билан (Э.И. Моносзон) белгиланади.

Тарбиявий фаолиятни оқилона ташкил этиш шароитлари болаларни интизомлаштиришнинг узлуксиз жараёни ҳисобланади (А.Левшин). Ўсмир ҳаракатларининг ички мазмунини тушунишучунунинг фаолият мотиватсияси билан боялиқ ҳолда психологик хусусиятларини ўрганиш зарур (К.Д.Радина). Яхши ўтказилган дарс жараёни, ўқитувчининг меҳр билан муносабати, мунтазам равища тартиб-қоидаларга риоя этиш талаблари мактаб интизоми тарбиясининг муҳим воситаси сифатида қаралади. Бунда "мазмунли тўсик" тушунчаси киритилган (Л.И. Божович, Л.С.Славина).

Интизомлилик тарбиясида ўқувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари вақтлардаги ҳамкорликни оқилона ташкил этиш муҳим ўрин тутади, бу шароитларда жамоат тарбиясида интизомлилик хусусияти тарбияланади (В.Е.Гмурман).

2. Ўтган аср 60-80 йилларида - "интизом" ва "интизомлилик" тушунчасига янгича ёндашувлар изланиши амалга оширилди. Бу оммавий умумтаълим мактаблари шароитларида интизомлиликка тарбиялаш масаласи устида янада кўпроқ ишланганлигига намоён

бўлди. 70-йилларнинг бошида фаннинг тарихий-педагогик жиҳатларига йўналтирилган, хусусан, собиқ иттифоқ педагогикасида рағбатлантириш ва жазолаш муаммоси тоғаси бўйича батафсил таҳлил берилганлиги; ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотининг ўзгариш йўллари белгиланганлиги; фаннинг асосий тоифаларидан бирига янгича ёндашув – якка ҳокимликни бартараф этиши зарур бўлган янги тушунча – талабчанликни фойдаланилганлиги каби муаммоларга бағишлиланган тадқиқот ишларининг пайдо бўлиши билан ифодаланди. Дарс жараёндаги тарбия иши интизомлилика жалб этилувчи хулқ-атворни узоқ вақт мобайнида, мунтазам ҳамда тизимили равишда машқ қилдиришдан иборат (Д.С.Лещинский). Интизомлиликни тарбиялашга асосий йўл ўқитувчининг ишлаш усули таъсирида ўқитувчининг ўқувчига тақдим этадиган, ўқувчининг ўқитувчига, унга ўзаро алоқадорлигида етказиладиган фанга муносабати ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро тушунишлари, ўқишида жамоа фаолияти тажрибасини ўзлаштириш, ижтимоий-фойдали меҳнат, ташкилий талаблар таъсиридаги ўйинлар ётади (В.А.Крутецкий, Н.С.Лукин). Бунда талаблар бирликда, доимий, тизимили, адолатли, маълум, аниқ бўлиши шарт (Т.Д. Лейченков).

3. Ўтган аср 80-90 йилларида – тарихий жараёнларда юзага келадиган муаммоларни белгилаш, англанган жиҳатлари ҳамда кам ўрганилган томонларини очиб беришга имкон берувчи педагогик ҳамкорлик интизомлиликнинг “анъанавий” воситалари: баҳолаш, рағбатлантириш, жазолаш каби ёндашувни тубдан ўзгартириди. Ҳар қандай тадқиқот масаласини ҳал этишда тадқиқотга методологик ёндашув сифатидаги назарий-методологик стратегиялар танлови тақдим этилади. Тадқиқотимиз асосий мазмунида ўқитиш методи бўлган қўйидаги контекстли-фаолиятли ёндашувга алоҳида урғу бердик:

а) фаннинг, мотивлар, мақсадлар, восита, усул ва

натижаларнинг трансформациясига мувофиқ фаолиятга характерли бир тури (ўқув)дан бошқасига (касбий) табиий ўтишини таъминлайди;

б) бир қатор қарама-қаршиликларни ҳал этади (ўқитишининг мавхум характеристи ва бўлажак касбий фаолиятга оиданиқфанўртасида амалиётда фойдаланилган билимлар зарурати ва уларни “заҳираға тўплаш” сифатида ўзлаштириш); талабалар ўқиши ишларининг индивидуал характеристи ва касбий фаолиятнинг жамоали шакли; талаба интеллектига мўлжалланган ақлий меҳнатнинг эски шакллари ва янги эҳтиёжлар;

в) касбий фаолиятга тайёрлашнинг янги тизимини яратадилар, яъни замонавий олий таълим муассасаларида қабул қилинган анъанавий тизимдан фарқланувчи, ўқитишининг барча шакл ва методлари киритилган, ўзига хос “континуум” бўлиб, бир томонда, таълимнинг кенг очиб берилган мазмуни мавжуд бўлмай, академик турдаги ўқитиш ишлари амалга оширилади, фаннинг ва ижтимоий мазмуннинг “ўртасида” - (масалан, ишчи ўйин сифатида), қарама-қарши томонда, мазкур контекс (мазмун)лар касбий фаолиятда яққол намоён бўлади. Новатор-педагоглар (Ш.А. Амонашвили, В.Ф. Шаталов, И.П. Павлов, И.П. Волков ва бошқалар) ўқувчилар тарбияланиши жараёнини инсонпарварликка йўналтирганлар. Уларнинг қарашларида педагогикада инсонга нисбатан ахлоқий муносабатлар, шахснинг ўзлигини намоён этувчи хусусиятлар билан уйғунлаштирилиши муаммоси кўйилган. А.С.Макаренко интизомни барча тарбиявий ишларнинг ахлоқий ва сиёсий ҳодиса сифатида қараган. Мазкур тушунчанинг моҳиятида интизом – интизом эстетикаси, эркинликнинг интизом билан мувофиқлиги, ҳар бир алоҳида шахснинг янада ҳимояланган, эркинроқ ҳолатга олиб чиқиши назарда тутилган.

Классик педагоглар (П.П. Блонский, С. Выготский, А. С. Макаренко, В. А. Сухомлинский, С. Т. Шацкий ва бошқалар) болалар интизомида амалиёт талаблари билан

асосланадиган тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаганлар.

Жумладан В.В.Ковалевнинг фикрича хулқи оғишнинг тўрт хил кўриниши мавжуд:

1. Мавжуд тартиб, талаб ва қоидаларга бўйсинаслек кўринишидаги оғма хулқ;

2. Ижтимоий муҳитга, жамият нормаларига нисбатан норозилигини намоён қилиш мақсадидаги оғма хулқ;

3. Мавжуд хукуқий нормаларга, қонун қоидаларга бўйсинаслек замирада юзага келадиган оғма хулқ.

4. Шахснинг ситуатсіон вазиятда ўзини бошқара олмай қолишлик ва ўзига шикаст етказишга йўналтирилган оғма хулқ.

Ўсмирлар мулоҳазасини тадқиқ қилиш уларда ахлоқий тушунчалар баравар таркиб топмаслигини кўрсатди. А.И. Малиованов ўсмирларни тўртта гурӯҳга ажратади:

1) хатти-ҳаракатда ўzlари англаган ижобий қоидаларга таяниб иш тутадиган, сўзи билан иши мос ўсмирлар;

2) ахлоқий тушунчалари қилиқларига мос келадиган ўсмирлар;

3) хатти-ҳаракатлари ахлоқий нормалар ҳақидаги билимлари билан ажралиб турадиган, шу билимларига мос ҳаракат қилмайдиган ўсмирлар;

4) ўzlари биладиган ахлоқий талаблар билан кундалик хулқ-авторининг алоқасини тушунмайдиган ўсмирлар.

Ўсмирлар билан муносаботдауларнинг мустақиллиги, фаоллиги, ташаббускорлиги, ўзини бошқаришни ҳисобга олиб, ортиқча ҳомийлик, ғамхўрлик қилмаслик ижобий самаралар беради.

Ўсмирлик даври хусусиятларини тадқиқ қилган Д.Б. Эльконин ва Т.В.Драгуновнинг таъкидлашича ўғил ва қизларнинг бу ёшда ўртоқлари билан муносабатларга интилиши, тенгдошлари жамоасининг ҳаётига қизиқиши ёрқин намоён бўлади.

Ўсмирларнинг ўртоқлик ва дўстлик туйғулари ўзаро муносабатларни ўрганган проф. И.В.Страхов, уларнинг ўзаро муносабатларини учта шакла: **улфатчилик, ўртоқлик ва дўстликка бўлади**. Ҳар бир юксак туйғуни психологик жиҳатдан таърифлаб, уларнинг ривожланишини баён қиласи, юксак, инсоний туйғуларнинг шаклланиш суръати, барқорорлиги ўғил болалар билан қизларда бирмунча фарқланишини ҳам таъкидлайди.

В.А.Крутецкий ва Н.С.Лукиннинг фикрича, ҳақиқий ўртоқлик ва чинакам дўстлик - мардонавор ўртоқлик ва талабчан дўстликдир. Бундай ўртоқлик ва дўстлик амалий ёрдамни ва ўртоғининг хатоларини тўғри, самимий ва очиқ танқид қилишни тақозо этади.

Ўсмирнинг синф жамоаси ҳаётида фаол қатнашиш учун интилиши ғоят катта аҳамиятга эга. Синф жамоаси аъзоларининг ўзаро ёрдам, бирдамлик, ҳамдардлик, бўйсуниш одати, шахсий ҳамда ижтимоий қизиқишилари ривожланади.

Тарбияси оғир ўсмирларни эстетик тарбиялаш айниқса зарур, чунки бу уларнинг ҳис-туйғуларининг ривожланишини ахлоқий тўғри йўлга йўналтиради, уларнинг маънавий эҳтиёжлари доирасини ўта кенгайтиради, бўш вақтларини оқилона мазмун билан бойитади, болаларни сахийроқ қиласи, уларга ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларига ёрдам беради, шу билан бирга, тенгқурлари кўзи олдида жамоатчиликнинг эътироф этишига олиб келади. Тўғри ташкил этилган эстетик тарбия онгда ўз ҳузурини ўйлаш, мешчанлик, ярамас қарашлар, талаблар, турли одатларнинг сингишига психологик ғовни вужудга келтиради.

Бундай болалар билан ишлашда қандайдир алоҳида шакл ва методлар билан ишлаш ёки қандайдир маҳсус "тарбияси оғир" гуруҳ вужудга келтириш керак эмас. Бунинг педагогик мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида баҳслашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Муҳими

бошқа нарсада – тарбияси оғир ўсмирнинг қобилияти, мойиллиги, қизиқиши ва имкониятларини аниқлаб, унинг ривожланишини тұғри йўлга йўналтиришдан иборатdir.

Психология фанлари доктори, профессор Ф. Б. Шоумаровнинг фикрича ўсмир организмида рўй берадиган ўзгаришлар бола ривожланишининг айнан шу даврида биологик, физиологик етуклик борасида туб ўзгаришлар амалга ошади, физиологик ривожланиш ва жинсий балоғатга етиш даврининг янги босқичи бошланади. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгариши билан бошланади. Бу даврда гипофиз безининг функциялари фаоллашади, организмнинг эндокрин системаси яхши ишлаши натижасида модда алмашинуви, ички органлар ватананинг ривожланиши жадаллашади. Бўйининг ўсиши, вазнининг ортиши, кўкрак қафасининг кентайиши, жисмоний ривожланиши ўсмирлик ёшига хос хусусиятлардир. Турли орган ва тўқималарнинг ўсиши юрак фаолиятининг зўриқишига сабаб бўлади. Ўз навбатида юрак мускуллари ҳам қон томирлари диаметрига қарагандан тезроқ ўсади. Бу жараён юрак қон-томир системаси фаолиятидаги функционал бузилишига сабаб бўлиши, юрак уришининг тезлашиши, қон босимининг ортиши, бosh оғриғи, бosh айланиши, тез толиқиши кабиларда намоён бўлиши бола шахсининг индивидуал-психологик хусусиятларини тубдан ўзгаришига сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Шунингдек: **Ижтимоий меъёрлардан четга чиқишини тадқиқ этишга назарий ёндашувлар** муаммосини ўрганган Ч.Ломброзанинг антропологик (биологик) мактаби. Психологик ва психоаналитик йўналиш (Г.Тард, З.Фрейд), социологик мактаб: Э.Дюргейм ва Р.Мертоннинг социал аномия назарияси, Т.Персонснинг социал ҳаракат назарияси, Э.Сазерлендинг табақалашган алоқа концепцияси, Стигмантизатсия назарияси (Ф.Танненбаум, Г.Беккер). девиантликнинг күльтуролик

назариялари (Р.Клоуорт, Л.Оулин, У.Миллер, Э.Андерсон).

1. Ижтимоий назорат. Ижтимоий назорат назариялари: Платон ва Аристотелнинг қаравшлари. Ўрта асрлар: Ижтимоий назоратнинг христианча кўриниши. Уйғониш даври: Ибн Сино, Форобий, Беруний, Ж.Руссо, Вольтер, Ш.Монтеске, Ч.Баккориа. Социология йўналишида ижтимоий назорат ғояларини ривожлантириш. Ўзбекистонда ижтимоий назорат тарихи (А.Навоий, З.М.Бобур, Фурқат, Муқимий, Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий ва бошқалар).

Ўзбекистонда вояга етмаганлар девиант ҳатти-ҳаракатлари моҳиятини очиб берувчи, ушбу муаммо ечимиға қаратилган фундаментар тадқиқотлар камчиликни ташкил этади.

Шулар жумласига, Р.Бегматовнинг “Вояга етмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларни таълимтарбиявий тизимини бошқарув” методик қўлланмасини (Тошкент: ТДПУ, 2008); З.Зариповҳамда М.Кержнерларнинг “Ҳуқуқбузарлик ҳолатларнинг профилактикаси” (Тошкент: Ўзбекистон, 1993); А.И.Островскийнинг “Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга (профилактикасига) комплекс ёндашувнинг педагогик асослари” (Тошкент: Фан, 1983), Ю.М.Асадов ва Р.Мусурмоновларнинг “Ўсмирлар девиант ҳатти-ҳаракатининг ижтимоий-психологик хусусиятлари” ўқув-методик қўлланмаси (Тошкент: САНО СТАНДАРТ, 2011) ни кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотчи Р.Бегматовнинг кўрсатишича, “вояга етмаган ҳуқуқбузарликнинг турли контингенти учун хос бўлган энг кўп учрайдиган криминогенларни белгилаш натижасида вояга етмаган ёшларнинг шахсида муҳим, мустаҳкам ижтимоий белгиланган қуйидаги бузилишларни кўрсатиш мумкин:

а) ижтимоий-демографик статусга эга бўлган бузилишлар (ижтимоий нотинч, “қийин” ва болалар ҳамда ўспириналарнинг ижтимоий ва педагогик қаровсизлиги

юқори даражада бўлган, бошқа оилаларга мансублиги) – ўқувчиларнинг 67 %;

б) бузилган эҳтиёж вананфаатлар (ўқиш, ижод, меҳнат қилишга, жамоатчилик манбаатларига, яқин одамларига нисбатан беписанд муносабат, шафқатсизлик, қўполлик, зўравонлик, ароқхўрлик ва мастилик ва ҳ. Намуналаридан иборат бўлган бемаза характердаги ахборотларга ва маълумотларга нисбатан қизиқиш) – ўқувчиларнинг 13 %;

в) хотўғри ҳаётий мухим қадриятлар, маънавий-хуқуқий тасаввурлар, қарашлар, эътиқодлар тизими ва шунингдек, уларга асосланган муносабатлар (асосий ижтимоий қадриятларнинг, ўқиш, меҳнат қилишнинг, жамоатчилик фаоллигининг йўқотилганлиги; умумий қабул қилинган маънавий тартиб-интизом стандартларига нисатан салбий муносабат; ўз шахсининг қадр-қимматига ортиқча баҳо бериш) – ўқувчиларнинг 7 %;

г) одатлар, мойилликлар, мустаҳкам стереотиплар (умумий қабул қилинган тартиб-интизом маъёрларига нисбатан беписандлик; наркотик, спиртли ичимликларга ишқибозлик; қимор ўйинларида иштирок этиш, жинсий ахлоқсизлик; ўз обрўйини жанжал-тўполонлар орқали мустаҳкамлаш; ўқиш ва меҳнат қилишдан онгли равища қочиш) – ўқувчиларнинг 9 %;

д) салбий хусусиятларга эга бўлган феъл-атвор (одамларга аралашмаслик, бўшанглик, маънавий бетайинлик, юқори даражадаги тажавузкорлик, шавқатсизлик, ёлғончилик) – 4 %".

Эътироф этиш керакки, маҳаллий шароитда умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг тарбиявий ҳолатининг талаб доирасида бўлиши, умуман маънавий ҳолатига маъсул шахс ҳисобланган синф мураббийи ўзига бириктирилган ўқувчиларга тўғри тарбия бера олишида бир қанча жиддий тўсиқлар мавжуд бўлиб, ота-оналарнинг бефарқлиги оқибатида ва бошқа фан ўқитувчиларнинг етарли даражада аралашмасликлари оқибатида қўйидаги муаммолар аниқланди:

- Ота-оналарнинг фарзандларини меъёридан ортиқ эркалатишлари ва уларга ишонишлари оқибатда мураббий фаолиятини менсимаслик ҳолатлари;

- Ота-оналарнинг бола тарбиясида асосан бирёқлама, яъни моддий жиҳатига эътибор қарататётганлиги натижасида бола тарбиясидаги жиддий нуқсонлар юзага келаётганлиги;

- Оиласдаги муносабатларни тартибга солишнинг бекарор тартиби мавжудлиги;

- Ота-оналар болаларининг бўш вақтини қандай ўтказиши фойдадан холи эмаслиги ҳақида чуқур мулоҳаза қилмаётганлиги;

- Ота-оналарнинг мактаб билан ўзаро алоқалари ўқитувчи ёки мураббий ташаббуси билан уюстирилиши;

- Мактаб ва синф тадбирларида ота-оналар иштироки пассив даражада эканлиги;

- Бефарқлий, назорат ва ғамхўрликнинг йўқлиги, ота-она ролини бажариш учун маъсулиятызиз муносабатнинг мавжудлиги;

- Фан ўқитувчиларининг (ўзи синф раҳбари бўлмаганлиги учун) умумий тарбия масалаларига нисбатан ўзини четга олиш;

- Ҳаттоқи, ўзи дарс берадиган фанини доимий ўзлаштирумасдан келаётган ўқувчилар ота-оналари ва оилавий шароитлари билан умуман қизиқмаслик;

- ота-оналардаги педагогик ва психологик билимларнинг ўта саёзлиги, фарзанд тарбиясидаги илғор тажрибаларга қизиқмаслик.

Мактаб ва ота-она ҳамкорлик муносабатларнинг алоҳида тури ва биргаликдаги фаолият сифатида ўқувчи маънавияти, тарбиясини ривожлантириш ва амалга ошириш томонларнинг ишонч, ўзаро манбаатдорлик, умумий мақсад ва қадриятлар, муносабатларнинг ихтиёрийлиги ва давомийлиги натижасида томонларнинг ўзаро маъсулияти билан тавсифланади. Шуниси қизиқки, ота-оналарнинг мактаб билан ҳамкорлиги ўқувчи қуий

синфда ўқиётганида анча жонли, аммо ўсмирилик ёшида энг оғир дамларида эса сустлашади. Ўкувчи улғайган сари мураббийларнинг улар билан ишлайдиган методлари ўзгариб боради. Мураббийнинг маълумотлилиги ва тарбияланганлиги унинг ғоявий эътиқоди ва маънавий камолоти, унинг муваффақият калитидир.

Ҳар қандай замонда ҳам дарс интизоми масаласи ўз зарбдорлигини йўқотмаган. Ўтмишда дарснинг йирик бир асарга тенглаштирилиши каби алломаларнинг фикри ёки замонавий мактаб таълими муаммоларининг ечимини излаш ҳам бевосита дарс интизомига бориб тақалади.

Демак, интизом педагогик восита сифатида бош омил ҳисобланади. Интизомни таъминлаш ва сақлаш бу кўпчиликка боғлиқ бўлган тарбиявий тадбир ҳисобланаб, асосий масъулият ота-оналар ва ўқитувчиларга тушади.

П.В. Каптеров ёзганэдики, "Мактабиши кўпчиликнинг – ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг манфаатлари учун ҳамкорликдаги ишидир. Кўпчиликнинг ҳамкорликдаги фаолият ва ҳаётини эса маълум тартибларсиз амалга ошириб бўлмайди. Зеро, тартиб жамиятда яшаш ва ишлашнинг муҳим шартидир. Мактаб ҳаётининг тартиби интизомдир. Унинг вазифаси – мактабда таълим олувчиларнинг ҳаётини бошқа таълим олувчилар ҳамда ўқитувчилар билан ҳамоҳанг тарзда ташкил этишдан иборат. Интизом ўкувчи ва ўқитувчи шахсига нисбатан мактаб жамоатчилиги ва алоҳида шахслар томонидан ўтказилиши мумкин бўлган тазииклардан ҳимоя қилишни англатади. Интизом таълим олувчи алоҳида шахслар ёки ўқитувчиларнинг, мактаб жамоасининг қизиқишларини мувофиқлаштириш орқали ҳамкорликдаги дўстона фаолият учун замин яратмоғи лозим" [27].

Олимнинг фикридан ва ҳаётий тажрибаларимиздан келиб чиқиб, замонавий мактаб, умуман унинг интизомий омиллари глобаллашув босқичи билан боғлиқ бўлган таълим жараёнларининг мавжуд хусусиятлари ва моҳиятларининг умумийлигини англатилишини тушуниш

қийин эмас.

Айни пайтда мактаб маъмурияти дарсларда интизомий тартибни ташкил этишдаги мураккабликларни рўкач қилиб айни замонга, ўкувчиларга, вертуал-ахборот муҳити ва шу кабиларга ағдармоқчи бўладилар.

Зеро, замонавий шароитда мактабнинг муаммоли муҳит кўлами ортиб бормоқда. Жумладан, дарсда ўкувчилар томонидан ҳаддан зиёд вайсақилик (кўп гапириш), дарсга келмаслик, кечикиб келиш, ёлғончилик, провакатор ўкувчиларни пайдо бўлиши, тамаки чекиш, алкоголизм, наркотиклар, кўл телефонлари, ўкувчиларни турли оиласардан сараланиши каби муаммолар масала ечимини чигаллашига сабабчи бўлади. Аммо сабаблар қанчалик кўп ва мураккаб бўлмасин замонавий мактаб ўз ўкувчиларини баркамол инсонлар қилиб тарбиялаши ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Тадқиқотимиз давомида таълим муассасаларида таълим жараёнини инновацион педагогик кластр технологияси асосида ташкил этиш ва унинг сифат даражасини кўтаришда қўйидаги камчилик ва нуқсонлар аниқланди:

- таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятини замонавий талаблар даражасида ташкил этишдаги лоқайдлик;
- фидойилик, ижодкорлик, билимдонлик, илмийлик, ташаббускорлик, фаолиятни мақсадли режалаштириш қобилиятининг этишмаслиги;
- ташкилотчилик қобилияти, инновацион бошқариш компетентлик маҳорати ва тегишли ташкилотлар (Олий таълим, МТТ, Педагогик марказлар, ХТ бўлимлари ва ҳ.к.) ҳамда бошқа таълим ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда иш юритиши етарли эмаслиги;
- ижодий ва ижтимоий фаоллик, ғоявий-сиёсий етуклик пастлиги;
- халқ таълими ва олий таълим тизимида тегишли ташкилотларида ўқитишининг илфор ва самарали

усулларини, шу жумладан ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг ўқитиш тизимидаги илғор тажрибаларни қўллашишлари етарлидаражада ташкилэтимаётганилиги;

- инновацион таълим кластери методи асосида ҳамкорлик ишларини амалга оширишда вазифа ва мақсадларини аниқлаш, маълумот тўплаш, диагностика ва мониторинг қилиш, режалаштириш ва назоратни амалга ошириш малакасига эга эмаслиги;

- таълим-тарбия сифатини ўтмишдаги бой миллий педагогика ва замонавий услуг ва методикалардан фойдаланган ҳолда кўтаришга мойиллиги етарли эмаслиги, янги ғояларни таклиф эта олмаслиги;

- изланувчан, илғор ўқитувчилар тажрибаларини ўрганиб, мактабда доимий ҳаракатдаги ўқув-семинар ва ўқув-тренингларни етарли даражада ўтказиб бормаслиги;

- таълим ташкилоти ҳамкорлиқда олиб бориладиган ишлар доирасидаги барча соҳаларни рефлексив (танқидий) таҳдил этиб, уни яхшилаш бўйича аниқ чоратадбирларни белгиламаслик ва уни назоратга олмаслик;

- ходимларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, улар билан ишчан мулоқот ўрната олмаслик маҳоратининг етишмаслик каби бир қатор муаммоларга зетибор қаратилмаётганилиги оқибатларидан эканлиги равшанлашди.

Юксак илмли, ахлоқий тарбияли инсонларгина жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтганидек, **“Тарбия биз учун – ё ҳаёт, ё мамот, ё саодат, ё фароғат, ё ҳалокат масаласидир”**.

Тарбия – ҳар бир шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшашини таъминлаш учун зарур бўлган ақлий-жисмоний, бадиий-эстетик ва ахлоқий-маънавий хусусиятларни таркиб топтиришга йўналтирилган чоратадбирлар мажмуидир.

Шу билан бирга тарбия инсоннинг инсонийлиги, миллатнинг миллатлиги давомийлигини таъминлайдиган аждодларимиздан мерос бўлиб қолган азалий қадриятдир. Ҳар қандай жамиятда ҳам алоҳида одам ҳам, бутун инсоният ҳам тарбиясиз мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган миллий қадриятлар авлоддан авлодга тарбия воситалари туфайлигина ўтади.

“Тарбия” атамаси илмий адабиётларда тор ва кенг маъноларда қўлланилади. Кенг маънода тарбия инсон шахсини шакллантириш, унинг жамият ишлаб чиқариши ва ижтимоий, маданий, сиёсий, маърифий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар мажмууни англатади. Шунингдек, кенг маънодаги тарбия таълим олиш ва маърифатлиликни ҳам қамраб олади. Зеро, тарбия таълимга нисбатан кенгроқ бўлган тушунчадир.

Тор маънода тарбия шахснинг жисмоний ривожи, дунёқарashi, маънавий-ахлоқий қиёфаси, эстетик диди ўстирилишига йўналтирилган маҳсус фаолиятни англатади. Бунда тарбиянинг оила бошликлари ва тарбиявий муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилиши кўзда тутилади. Таълим олиш ва маърифатга эришиш тор маънодаги тарбия ичига кирмайди.

Лекин ҳар қандай тарбия таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжуд бўлиши ҳисобга олиниши лозим. Чунки таълим олиш ва маърифатга эришиш жараёнида шахснинг билими ортиши кўпинча бу шахсда эзгу ахлоқий-маънавий сифатлар қарор топишини тезлаштиради. Шунинг учун ҳам тарбия – ҳар қандай жамият ва ҳар қандай мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ёш авлоднинг, умуман жамият аъзоларининг тарбияси билан шуғулланмаган мамлакат турғунликка юз тутади ва оқибатда инқирозга маъкум бўлади. Негаки, ҳар қандай жамиятнинг ўсиб, ривожланиши учун моддий

ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш тўхтовсиз равишда юксалиб бориши лозим. Бунинг учун ҳар бир авлод моддий ва маънавий бойликлар етиштиришни аждодлардан яхшироқ даражага кўтара билиши керак. Ёш авлодга ана шундай моддий ва маънавий қобилияtlар шаклланиши учун жамият узлуксиз равишда самарали фаолият кўрсатадиган тарбиявий институтлар тизимиға эга бўлиши тақазо этилади.

II.БОБ. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГАН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА КЛАСТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Модернизациялашган таълим шароитида мактаб дарсларининг кластерли интизомий омилларини такомиллаштириш йўналишидаги функционал вазифалар

Тадқиқотларимиз жараёнида маълум бўлдики, таълим жараёнини кластер методи асосида ташкил этиш ва унинг сифат даражасини кўтаришда, таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув фаолиятини талаб даражасида ташкил этишда қуидаги камчиликларга йўл қўйиб келинмоқда:

- фидойилик, ижодкорлик, билимдонлик, илмийлик, ташаббускорлик, фаолиятни мақсадли режалаштириш қобилиятининг етишмаслиги;
- ташкилотчилик қобилияти, инновацион бошқариш компетентлик маҳорати ва тегишли ташкилотлар (Олий таълими, МТТТ, Педагогик марказлар, ХТ бўлимлари ва ҳ.к.) ҳамда бошқа таълим ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишининг қониқарсизлиги;
- ижодий изланувчанлик ва ижтимоий фаоллик, гоявий-сиёсий компетентликнинг етишмаслиги;
- мактаб таълими ва олий таълим, педагогик илмий тадқиқот муассасалари ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг етишмаслиги, ўқитишининг интерфаол ва самарали усуllарини, шу жумладан ривожланган хорижий давлатларнинг илғор ўқитиши тизимини амалиётга қўллаш ишлари етарли даражада ташкил этилмаётганлиги;
- кластер технологиялари асосида ҳамкорлик ишларини амалга оширишда вазифа ва мақсадларни

аниқлаш, ахборот түплаш, таҳлилий диагностика ва мониторинг қилиш, режалаштириш, назоратни амалга ошириш малакасига эга эмаслиги;

- таълим сифати ва самарадорлигини замонавий интерфаол усуллар, янги педагогик технологиялар ва методлардан фойдаланган ҳолда кўтаришга мойиллиги ва малакаси етарли эмаслиги, янги ғояларни педагогик жамоада таклиф этиб, уни амалга ошира олмаслиги;

- изланувчан, илғор ўқитувчилар тажрибаларини ўрганиб, мактабда доимий ҳаракатдаги ўқув-семинар ва семинар-тренингларни етарли даражада ўтказиб бора олмаслиги;

- таълим ташкилоти маъмурияти ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар доирасидаги ўқув-тарбиянинг барча соҳаларини танқидий таҳлил этиб, уни самарадорлигига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз вақтида белгиламаслик ва уни назоратга олмаслик, вақтнинг қадрига етмаслик;

- педагог ходимларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, улар билан ишчан мулоқот ўrnата олмаслик маҳоратининг етишмаслиги;

- ўқувчилар ота-оналари билан яқин узлуксиз ва узвий алоқани ўrnата олмаслиги, мактаб, оила ва маҳалла концепцияси талабларини бажарилмаслиги, таълим-тарбия самарадорлигини кўтариш мақсадида кенг жамоатчиликни жалб эта билмаслик;

- ота-оналар меҳнат қиладиган давлат, нодавлат ташкилотлари (ишлаб чиқариш корхона, ташкилот, муассаса) маъмуриятлари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар орқали фарзанд тарбиясига бефарқ ва масъулиятсиз бўлган ота-оналарга таъсир ўтказиш каби бир қатор муаммоларга эътибор қаратилмаётганлиги оқибатидир.

Демак, ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари самарадорлиги нафақат ўрганилаётган объектнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти даражасига ёки педагогик жараён субъектлари

фаоллигига, балки мазкур жараённи ташкил этишга масъул ҳисобланган таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларнинг ўз функционал вазифалари мазмун-моҳиятини тўғри тушуниб этиши ва уни амалга ошириш йўналишидаги компетентлилиги даражасига ҳам тўридан-тўғри боғлиқ бўлади. Шундай экан, таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари ташкилотчилари, раҳбарлар ва мутахассислар томонидан қўйидаги функционал вазифаларнинг бажарилиши мазкур жараёнлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Ахборот-таҳлил функцияси ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларида муҳим аҳамиятга эга. Чунки нафақат инновацион структурага эга бўлган мураккаб педагогик тизим ҳисобланадиган ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари самарадорлиги, балки унинг субъектлари бўлган ўқитувчи ва ўқувчилар фаоллиги ҳамда уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти самарадорлиги ҳам ўрганилаётган ҳодиса ҳақидаги маълумотлар ва ахборотларнинг аниқлиги, ишончлилиги, объектив асосланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Бир сўз билан айтганда ахборотлар олиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш жараёнларини қамраб оловчи жараёнлар самарадорлиги кўп жиҳатдан ахборотларнинг асосланганлик даражаси ва амалий аҳамиятига боғлиқ ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, нафақат ўрганилаётган объект ҳақида ахборотлар тўплаш балки, педагогик жараён субъектлари, ташкилотчилари, иштирокчилари ҳамда унга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи субъектлар, уларнинг кайфияти, муносабатлари, дунёқараши, билими ва тушунчалари ҳақида ҳам ахборотлар тўплаш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш ва қайта ишлаш жараёнлари бевосита самарадорликни таъминлаш жараёнларининг пойдевори

хисобланади.

Демак, ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари субъектлари ҳақида ҳам узлуксиз равишда ахборотлар тўплаш ва уларни чукур ўрганиш ҳамда объектив баҳолаш зарур бўлиб, бу вазифаларни бажариш асосида инновацион мураккаб педагогик тизим фаолиятини ривожлантириш стратегиялари белгиланади. Шунингучун, тарихий воқеава ҳодисаларнинг объективлиги, аниқлиги ва асосланганлик даражасини таъминлаш билан бир қаторда, педагогик жараён субъектлари тўғрисида тўпланган ахборотлар ҳам нафақат ишончли балки, янги ва асосли бўлиши ҳам зарур.

Инновацион мураккаб педагогик тизим компонентлари ҳолати, таълим муассасасидаги мавжуд шарт-шароитлар, ўзаро муносабатлар, жамоадаги психологик мұхит ҳамда ўқувчилар ва педагог ходимларнинг қизиқиши, мойиллиги, индивидуал психологияк хусусиятлари, қобилиятлари ва имкониятлари, шунингдек, оиласий шарт-шароити ва фаолиятлари тўғрисида ахборотлар тўплаш ва таҳлил қилиш асосида уларда тарихни ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолашда қизиқишилар уйғотишига йўналтирилган тадбирларни ташкил этишда;

Мақсадли-мотивлаштириш функцияси мұхим ўрин тутади. Мотивлаштириш педагогик жараён субъектларини ўз устида мунтазам ишлиши, ўтмишни ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида хулосалар шакллантириш, яъни ўз билим, кўникма ва малакаларини мустақил ошириб боришга ундаш, субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг фаоллигини ошириш ва уларда ўқув фаолияти учун қизиқишилар уйғотишига йўналтирилган тадбирларни етарли даражада ташкил этиш учун зарур. Бунда мотивларнинг хусусиятларини хисобга олиш зарур бўлиб, тарихий хақиқат, тарихий воқеа ва ҳодисанинг аниқлиги, асосланганлик даражаси ҳамда субъектларнинг ҳаётий фаолиятидаги амалий аҳамияти

даражаси асосий мотивлар сифатида хизмат қилишини инобатга олиш мұхим.

Таълим муассасаларида ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари ташкилотчилари ва мутахассислар томонидан субъектларнинг бошланғич тушунчалари, билими, кўникма ва малакалари, қобилияти, қайфияти, эришган натижалари, тарихни ўрганишга мойиллиги, имкониятлари ва интилишларини аниқлаш, уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда барча учун қулай бўлган ўзаро таъсир жараёнини, инновацион таълимий мұхитни вужудга келтириш ва такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқишида олдиндан кўриш-режалаштириш функцияси амалга оширилади.

Таълим муассасаларида ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда;

Ташкилий-ижрочилик функциясидан фойдаланиш ҳам самарадорликни таъминлашга хизмат қилади. Чунки ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари ташкилотчиларини тўғри ташлаш ва улар томонидан бажариладиган вазифаларни оқилона тақсимлаш ҳам ўзига хос аҳамият касб этиб, уларнинг қизиқиши, мойиллиги, дунёқараси, тарихга ва ўтмишдаги воқеа ҳамда ҳодисаларнинг оқибатларига бўлган муносабатларининг табиийлиги ва объективлиги субъектларнинг ўқув фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи энг асосий омиллар ҳисобланади. Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларида дўстона ҳамкорликка асосланган ўзаро таъсир жараёнлари тизимини шакллантириш, мазкур жараён субъектларининг эҳтиёжлари, имкониятлари, тушунчалари даражаси ҳамда ўрганилаётган маълумотга бўлган муносабатлари бўйича ахборотлар тўплаш ва уларга қайта ишлов бериш асосида субъектларнинг ўқув фаолиятлари объективлигини таъминлаш ҳам таълим муассасаси раҳбарларининг ташкилий-ижрочилик

йўналишидаги функционал вазифалари ҳисобланади.

Ташкилий-ижрочилик йўналишидаги функционал вазифаларнинг бажарилиши самарадорлиги ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантиришга йўналтирилганинновационпедагогиктизимнингмураккаб структурасини шаклланиши ва унинг фаолиятининг изчилиги, узвийлиги, узлуксизлиги ҳамда тизимга хос хусусиятларининг намоён бўлишида ўз ифодасини топади. Демак, таълим муассасасида ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи, барча учун қулай ва муҳим бўлган ижтимоий-психологик муҳитни шакллантирища ташкилий ижрочилик йўналишидаги функционал вазифалар нафақат таълим муассасаси раҳбарларига, балки ташкилотчилар, мутахассислар, жамоатчилик ташкилотлари ва жамоавий бошқарув органларига ҳам тегишли бўлиб, уни самарали амалга оширишда демократик тамойиллар ўзига хос амалий аҳамият касб этади.

Инновацион структурага эга бўлган мураккаб педагогик тизимда субъектларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва такомиллаштиришда;

Вазиятли ёндашув асосида педагогик жараён ҳолатини ўрганиш муҳим бўлиб, субъектлар фаолигини таъминлашда уларнинг фаолиятини кузатиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва ташхис қўйиш самарадорликка эришишнинг энг асосий омили ҳисобланади. Демак, ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларида субъектларнинг фаолигини аниқлаш ва фаолликка таъсир кўрсатувчи омиллар асосида вазиятларга кўра ташхислаш ҳам раҳбарлар ва ташкилотчиларнинг энг асосий функционал вазифаларидан бири бўлиб, раҳбарларнинг мазкур фаолияти жараёнида назорат-ташхис функцияси амалга оширилади.

Назорат-ташхис нафақат мураккаб ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш асосида

уларнинг ўқув фаолиятини такомиллаштириш ва фаолигини таъминлашда, балки вазиятли ёндашувлар асосида белгиланган объектив ташхис натижаларига кўра педагогик ходимлар касбий компетентлилигини ривожлантириш, шунингдек, ташкилотчилар ва раҳбарларнинг мазкур йўналишларда йўл қўяётган ўз жатоларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида тузатишда ҳам ўнинг хос аҳамият касб этади. Шунингдек, назорат-ташхис жараёнида тўпланган маълумотлар мураккаб педагогик тизим самарадорлигини, ўрганилаётган ахборотларнинг аҳамиятини ва субъектлар фаоллиги ҳамда ўқув фаолияти натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда ҳам муҳим ҳисобланади.

Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларида назорат-ташхис натижаларига кўра субъектларнинг ўқув фаолияти натижавийлигини таъминлашда уларда янгиликларни ўрганиш, фаолликка интилиш, ўз хатти-ҳаракатларини ўзи томонидан мувофиқлаштириш, ўзини-ўзи ривожлантириш ва ўз имониятлари ва қобилиятларини эркин намоён этиши учун зарурӣ эҳтиёжларни шакллантириш ҳамда маълум бир изчиликда ривожлантириб боришга тартибга солиш-мувофиқлаштириш функцияси хизмат қилади. Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари субъектлари хатти-ҳаракатлари, интилишлари, фаоллиги ва ўқув фаолиятини мувофиқлаштиришда, шунингдек, ахборотларни ўрганиш, таҳлил қилиш, объектив баҳолашга, яъни;

Рефлексив фаолият кўрсатишга мойиллиги ва қизиқишини ривожлантиришида таълим муассасаси раҳбарларининг тартибга солиш-мувофиқлаштириш йўналишидаги функционал вазифалари амалга оширилади.

Демак, бошқарув функцияларининг мақсади, вазифаси ва мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтиш

мумкинки, инновацион структурага эга бўлган ва мураккаб педагогик тизим ҳисобланган ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш технологияларини ўз ичига олган функционал вазифалар қуидаги ишларнинг амалга оширилишини назарда тутади:

- ўрганиладиган объект ҳақида ахборотлар тўплаш, унинг ишончлилиги, аниқлиги, объективлиги ва асосланганлик даражасини аниқлаш;
- педагогик жараён субъектларининг кайфияти, муносабатлари, дунёқарashi, билими ва тушунчалари ҳақида ахборотлар тўплаш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш ва қайта ишлаш;
- жамоадаги ўзаро муносабатларнинг объективлигини таъминлаш асосида субъектлар фаолиятини доимий мувофиқлаштириш;
- таълим муассасаси, маҳалла ва ота-оналар, улар меҳнат қиласиган жамоалар маъмуриятининг узвий ва таҳлилий-ижодий ҳамкорликларини таъминлаш;
- ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларида субъект-объект (ўқитувчи-ўқувчи) муносабатлари ўрнида шахсга йўналтирилган субъект-субъект муносабатларини шакллантириш;
- таълим олувчиларда ўқиш ва ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжларни шакллантириш ва изчил ривожлантириш;
- таълим олувчиларда ахборотлар тўплаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолашга қизиқиш уйғотиш;
- дўстона муносабатларга асосланган ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлиги фаолиятини ташкил этиш асосида субъект-субъект муносабатларини ижодийлигини таъминлаш;
- ўрганилаётган тарихий воқеа ёки ҳодисанинг

вужудга келиши, унинг салбий ёки ижобий оқибатларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш;

- ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари иштирокчиларининг фикрини ўрганиш ва таклифларини инобатга олиш;
- ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари субъектлари ҳақида узлуксиз равишда ахборотлар тўплаш ва уларни чуқур ўрганиш ҳамда объектив баҳолаш;
- ўқувчилар ҳақидаги ахборотларнинг аниқлиги, асосланганлик даражаси ҳамда уларнинг ҳаётий фаолиятидаги амалий аҳамияти даражасини аниқлаш ва объектив баҳолаш;
- ўқувчиларнинг бошланғич тушунчалари, билими, кўнинма ва малакалари, қобилияти, кайфияти, зришган натижалари, ўқиш ва ўрганишга мойиллиги, имкониятлари ва интилишларини аниқлаш;
- ўқувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда барча учун қулай бўлган ўзаро таъсир жараёнини, инновацион таълимий мухитни вужудга келтириш ва такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиши;
- ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари ташкилотчиларини тўғри танлаш ва улар томонидан бажариладиган вазифаларни оқилона тақсимлаш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи энг асосий омиллар сифатида уларнинг қизиқиши, мойиллиги, дунёқарashi, тарихга ва ўтмишдаги воқеа ҳамда ҳодисаларнинг оқибатларига бўлган муносабатларининг табиийлиги ва объективлигини ўрганиш;
- ўқувчилар фаолиятини кузатиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва ташхис қўйиш асосида уларнинг фаоллигини таъминлаш;
- ўрганилаётган ахборотларнинг аҳамияти, ўқувчилар фаоллиги ҳамда ўқув фаолияти натижаларини

баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

- ўқувчиларда янгиликларни ўрганиш, фаолликка интилиш, ўз хатти-ҳаракатларини ўзи томонидан мувофиқлаштириш, ўзини-ўзи ривожлантириш ва ўз имониятлари ва қобилиятларини эркин намоён этиши учун зарурый эҳтиёжларни шакллантириш.

Мактаб ва ота-она ҳамкорлик муносабатларнинг алоҳида тури ва биргаликдаги фаолият сифатида ўқувчи маънавияти, тарбиясини ривожлантириш ва амалга ошириш томонларнинг ишонч, ўзаро манфаатдорлик, умумий мақсад ва қадриятлар, муносабатларининг ихтиёрийлиги ва давомийлиги натижасида томонларнинг ўзаро маъсулияти билан тавсифланади. Шуниси қизиқки, ота-оналарнинг мактаб билан ҳамкорлиги ўқувчи қуий синфда ўқиётганида анча жонли, аммо ўсмирилик ёшида энг оғир дамларида эса сустлашади. Ўқувчи улғайган сари мураббийларнинг улар билан ишлайдиган методлари ўзгариб боради. Мураббийнинг маълумотлилиги ва тарбияланганлиги унинг ғоявий эътиқоди ва маънавий камолоти, унинг муваффақият калитидир.

Муаммола жиддийроқ ёндашувларга асосланиб, қуидагиларни назардан қочирмасликни тавсия этамиш:

1.Оила билан замонавий ҳамкорлик қилишда оиласи комплекс ўрганиш, унинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кўрилиши лозим;

2. Таълим салоҳиятининг мавжуд даражасини ҳисобга олган ҳолда, фаолият жараёнида ривожланишини рағбатлантириш, ўзаро ҳамкорликнинг янги шаклини кўллаш;

3. Маҳалланинг муаммоли оиласи билан аниқ режа асосида ишлашига асосланиш;

4. Диагностик таҳлиллар асосида болага зарурый ёрдам уюштириш ва кўллаб-куватлаш.

Шахсга йўналтирилган ёндашув ўрганилаётган жараёни ниятлар, қадриятлар йўналишлари, мақсадлар, манфаатлар ва иштирокчиларнинг ўзаро таъсири

иуқтаи назаридан кўриб чиқишига имкон беради. Оила тарбиясининг сифатини яхшилаш, таълим жараёнида оиласиning ролини ошириш, болаларни тарбиялашда маъсулиятни тақсимлашга, оиласиning тарбиявий салоҳиятини ривожлантириш жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашга боғлиқдир. Оила билан ишлаш дастурининг йўналишлари омили сифатида:

- мактабда ота-оналар учун маҳсус тарбия соҳасида ўқув курсини ташкил этиш;
- ота-оналар учун муаммоли вазиятлардан келиб чиқиб доимий семинарлар ташкил қилиш;
- болалар, ота-оналар ва ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги ижтимоий-маданий, маърифий фаолиятини ташкил этиш;
- ахборот-маърифий маконни ташкил этиш.

Оиласиning тарбиявий салоҳиятини ривожлантириш принциплари сифатида:

- замонавий ота-оналарнинг хусусиятлари ва уларнинг болаларни тарбиялашдаги устивор ҳуқуқини ҳисобга олиш;
- илмий ва амалий йўналтирилган ахборотлар;
- миллий ва этнопедагогик маданият ёндашувлари;
- шахсий маслаҳат ва амалий ёрдам билан оиласи кўллаб-куватлаш.

Ушбу мақсадни амалга ошириш қуидаги вазифаларни ҳал қилиш орқали ота-оналарнинг ўз таълим салоҳитини ривожлантиришни аниқ мақсад қилиб қўйишга имкон беради.

Оила тарбиявий салоҳиятининг таркиби қисмларига қуидагилар киради:

- аксиалогик; - ваколатли; - ташкилий ва фаолият; - ижтимоий-психиологик.

Усуллари: - диагностика; - диалог; - муаммо; - амалий.

Бунда натижа: Оиласиning таълим салоҳиятини юқори даражага кўтариш. Оиласиning тарбиявий салоҳияти қуидаги даражаларга бўлинади:

- юқори даражадаги; - энг яхши; - яхши; - паст;

Мактаб билан хамкорлик натижасида оиланинг тарбиявий салоҳиятини янада оширишдан кўзланган мақсад жамиятимиз эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда мавжуд муоммолар ечимини инновацион таълим кластери технологиялари асосида топишдан иборатdir.

2.2. Ўқитувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантиришда ўқитувчиларга нисбатан қўйиладиган замонавий талаблар ва уларни амалга оширишининг инновацион имкониятлари

Академик Т.Н.Қори Ниёзий “Агар сен ўқитувчи бўлмоқчи бўлсанг, энг аввал яхшилаб ўйла: сен уни касб қилиб ололасанми ёки унга нисбатан майл ва рағбатинг борми, чунки, ўқитувчилик косиблик эмас”, деган эди.

Узлуксиз таълим тизимида дарс берадиган ўқитувчиларнинг иш фаолиятлари билан танишиб, ушбу фикрнинг нақадар тўғри эканлигига амин бўласан. Дарҳақиқат, ўқитувчи билан косибнинг меҳнатини тенглаштириб бўлмаганидек, улар томонидан етиштирилган маҳсулот ўртасидаги фарқ ҳам ер билан осмон қадар. Агар косибнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти бозор шароитида рақобатбардош бўлмаса у касодга учрайди, харидоридан ажралади, мижоз эса бошқа ҳунарманднинг маҳсулотини харид қиласди. Ўқитувчи эса жамиятни ривожланишини таъминлайдиган, уни бошқарадиган кадрларни тарбиялайди, келажак авлодни илм сирларидан воқиф қилиб, интеллектуал қобилияти кадрларни тайёрлаши талаб этилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг жамият олдидаги бурчи, масъулияти ниҳоятда улкан бўлиб, бу вазифани енгил-елпи бажараман, деганлар қаттиқ адашадилар.

Замонавий ўқитувчининг маънавий қиёфаси ва интеллектуал қобилияти қандай бўлмоғи лозим,

буғунги кунда ўқитувчига қўйилган юкнинг салмоғи баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришга қодирми ёки ўқитувчининг бу юкни кўтаришга имконияти ва шарт-шароити етарлими? Бу саволга жавоб бериш учун жамиятимиздаги таълим-тарбия даргоҳларида меҳнат қиласидиган ўқитувчиларнинг барчасини ҳам афуски, ҳақиқий устоз даражасидаги зиёлилар дея олмаймиз. Бу билан ўқитувчиларимизни камситиш, уларни қандайдир таъна-дашномларга гирифттор этиш ниятидан йироқмиз.

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг қатор қарор ва фармонлари талабларидан келиб чиқиб, узлуксиз таълим тизимини ривожланиши ўтган тарихан қисқа даврда ўзининг самарасини бермоқдаки, буғунги ёшлиаримиз кенг миқёсда жаҳон ареналарига чиқиб, халқимизнинг ўтмиши ҳамда унинг келажаги буюклигини ўзларнинг эришган ютуқлари билан исботлаб бермоқдалар.

Шунингдек, илм ўрганишга бўлган рағбат, келажакда Ватани учун, жаҳон фанини ривожига улуш қўшиш имкониятлари яратилмоқдаки, бундан нафақат ёшлар, балки уларга етакчилик қилаётган педагоглар ҳам ўзлари учун зарурий хуносаларни чиқариб олишлари ва бу имкониятлардан унумли фойдаланишлари айни мудда бўлур эди. Бунинг учун ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, курс тингловчиларининг эҳтиёж ва талаблари асосида ўқув режаларини тузиш, аввало, ҳар бир гуруҳ тингловчиларнинг тайёргарлик даражаларига эътиборни қартиш, ўтиладиган машғулотлар қачонлардир тайёрланган “ишланмалар” билан эмас, балки шу гуруҳдаги тингловчиларнинг реал эҳтиёжлари асосида ташкил этилиши шартлигидан келиб чиқиш зарур.

Ўқитувчиларнинг билим, тажриба савиясини юксалтириш, ўз мутахассислиги бўйича янгиликлардан ҳабардор бўлишнинг иккинчи шарти:

– уларнинг мустақил равишда ўз устида ишлашга

бўлган муносабатидан иборат бўлади. Тажрибалар кўрсатадики, ўқув муассасасининг раҳбарлари қанчалик эгаллаб турган лавозимларига лойиқ бўлсалар, улар раҳбарлик қилаётган педагогик жамоанинголиб бораётган ишлари ҳам ҳар доим ижобий ва самарадор бўлади. Раҳбарликда илмийлик етишмаса, бошқарув тизими механизмлари етарли даражада ишламаса педагогик жамоанинг иши ҳам шунга яраша бўлади.

«Шарқ Аристотели» деган ном билан дунёга танилган машхур ўрта аср файласуфи, ватандошимиз Абу Наср ибн Маҳмуд ал-Фаробий ўзининг «Намунали таълим ҳақида» деб номланган рисоласида ўқитувчи фаолияти ҳақида тўхтаб: «Бундай одам, инсон эришиши мумкин бўлган энг олий даражага эришмоғи баҳтлиликтининг чўққисидан ўрин олмоғи лозим. У инсоннинг баҳтга эришишининг барча йўлларидан огоҳ бўлган зотдир» – деб таъкидлаган эди.

Дарвоқе ўқитувчи, жамиятимизнинг энг маълумотли ва маданиятли кишиси сифатида танилмоғи лозим. Бинобарин ҳар бир ўқитувчи, мазкур касбни танлаган куниданоқ, бу шарафли ва олийжаноб касбга доғ туширмаслик учун ўз билим савияси, педагогик маҳорати устида тинимсиз ишлаши, изланиши зарур. Шундай қилингандагина у кундалик фаолиятининг муваффақиятини ва самарадорлигини таъминлаб, қўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлади, обрўга эришади, “кишилар қалбининг инженери” деган номга муносиб бўлади.

XI аср таълими олдига қўйган талабларига кўра, мутахассислар танлаган касби бўйича билим, малака ва кўникмалар, компетенцияни эгаллашдан ташқари, экологик, иқтисодий ва юридик билимлар билан қуролланишни ҳамда узлуксиз равишда мустақил билим олиш воситаси сифатида замонавий ахборот тизимидан мустақил ва рационал фойдалана оладиган даражага кўтарилимоғи лозим.

Бинобарин, ана шундай сифатларга эга замонавий

ўқувчини тарбиялаш, жамият олдидағи энг муҳим ва биринчи ўриндаги вазифалардан саналади. Таълим тизими бошидан кечираётган муаммолардан фақат ва фақат янги аср қўйган талабларни уddyалайдиган юқори интеллегентлик ва профессионал интеллектуал фазилатларга эга педагог кадрларни тайёрлаш билангина чиқиши мумкин. Шу боис машхур француз ёзувчиси В.Гюго «Келажак мактаб ўқитувчининг қўлида»- деганида мутлақ ҳақ эди.

Ўқитувчининг ўз интеллектуаллигини ва педагогик маҳоратини оширишга қаратилган тинимсиз интилиши, жозибасини, унинг ҳақиқий ўқитувчилигидан дарак берувчи энг муҳим фактор деб қараш керак бўлади. Шунинг учун ҳам мактаб фаолиятининг муваффақиятини чин дилдан истаган ҳар бир раҳбар ходим, мазкур мактаб ўқитувчиларининг бўш вақтини қаттиқ туриб ҳимоя қўлмоғи ва зарур бўлганда, ўқитувчи ундан қандай фойдаланаётганини қатъий назоратга олмоғи лозим.

Ўқитувчининг маънавий бойишга нисбатан эҳтиёжи қанча катта бўлса ва бундай эҳтиёжни қондириш учун унга қанча кўп имконият яратилса, у эришган бу хусусиятлар билан ўз талабларини шунча тез ва кўп “касаллантириш” имконига эга бўлади.

Ўқитувчидаги энг муҳим касбий хусусиятлардан хисобланган гуманизм, олийжаноблик ва интеллектуаллик, бундай хислатларга эҳтиёж юзасидан фақат мактабдагина тажриба асосида шаклланмасдан балки унинг катта қисми педагогика, психология, методика ва илмий адабиётлар билан кундалик “учрашувлар” пайтида шаклланади.

Бевосита мавзумизга тегишли бўлган дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларни қайта тарбиялаш муаммосининг долзарблигидан келиб чиқиб, ҳар бир ўқитувчи, энг аввало, ўқувчиларнинг мавжуд билим, кўникма ва малакаларига таянган ҳолда, уларда ўз предмети асосларига қизиқтиришни тарбияламоғи лозим. Ўқувчиларда фан асосларига қизиқиши уйғотувчи

мативларни шакллантиришдек муҳим мақсадга эришишда, ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, билимларининг заҳираси, тажриба ва маҳорати ҳамда ўқитишида ҳар бир ўқувчига дифференциал ёндашуви ҳал қилувчи роль йўнайди.

XXI аср ўқитувчисига қўйилган ана шундай юксак талаблардан келиб чиқиб, меҳнат қилиш ҳар бир мутахассис ўқитувчининг шарафли бурчи ва вазифасига айланмоғи зарур.

Таълимда инновацион кластернинг асосий мақсади ўз таркибиغا кирувчи таълимиy-илмиy инновацион салоҳиятни нафақат юқори фуқаролик ва касбий лаёқатлилик даражаси билан балки рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ҳамда амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштиришdir.

Олимларнинг эътироф этишича, кластер технологиясини таълим ташкилотларига самарали татбиқ этиб бориш натижасида давлатимиз олдига қўйилган энг асосий вазифаларни сифатли бажарилишига эришилади. «Кластер-инглиз тилида- ги «CLUSTER» сўзидан олинган бўлиб, таржимада гурух, тўп, тўплам, боғ, шода каби маъноларни англатади. Буни таълим ташкилотларида кўлланиладиган бўлса, кўпроқ ҳамкорликда умумий мақсад йўлида фаолият кўрсатиш, – деб юритиш ҳам мумкин. Бу тушунча аслида кўпроқ иқтисодиёт, муҳандислик, таълим, астрономия ва бошқа фанларда кўпроқ ишлатилади.

Гарвард мактаби профессори, рақобат имкониятларини ўрганиш бўйича мутахассис бўлган Майкл Южин Портер кластерга географик жиҳатдан қўшни бўлган бир-бири билан боғланган, муайян бир соҳада фаолият олиб борадиган ҳамда бир-бирининг ишини тўлдирадиган корхона ва ташкилотлар бирлашмаси сифатида таъриф берган. Унинг фикрича кластерлар

қўйидаги умумий жиҳатларга эга бўлиши даркор:

- илмий-тадқиқот муассасалари мавжудлиги;
- иш ресурслари;
- рақобатбардошлилик ҳолати;
- соҳага мансублиги;

максус таълим муассасаларининг мавжудлиги ва х.к. Педагогикада «кластер (cluster)» – тармоқлар методи технологияси деб ҳам аталади ва бу метод мантиқий фикрлаш, умумий фикрлаш доирасида тушунилади.

Кластер тушунчалари:

- таълим-тарбия самарадорлигини кўтариш мақсадида қизиқувчи томонлар ҳаракатининг бирлашув шакли;
- жамоани психологияк ўрганиш методи;
- педагогик бошқарувни оптималлаштириш методи;
- ўқув дастурларини лойиҳалаш методи;
- ўқитишининг инновацион методи;
- таълим сифатини баҳолаш методи;
- педагогик метод, яъни тафаккур вариантилигини ривожлантиради, ўрганилаётган мавзу (тушунча, воқеа, ҳодиса) юзасидан ҳар томонлама алоқа ўрнатиш қобилияти кабилар.

Кластерда интеграция деганда турли хил тузилмаларнинг тармоқларини (таълим-фан-ишлаб чиқариш) ўзаро манфаатдорликдан фойдаланган ҳолда янги креативлиги бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадни қўйиши.

Шу билан бирга педагогик таълим инновацион кластернинг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турлари ҳамда воситаларини излаб топиш ва таълим амалиётига татбиқ этиш;
- таълим ва тарбия узвийлиги, алоқадорлиги, узлуксизлигини таъминловчи механизмларини излаб топиш ва такомиллаштириш;

- педагогик ва дунёвий таълимга ўқувчиларнинг қизиқишини ошириш, уларда кўпроқ педагог ва бошқа энг зарур бўлган керакли мутахассис бўлишга истак ва хоҳишни ўйғотиш, олий таълим муассасаларига юқори кўрсаткичлар билан таҳсил олаётган ўқувчиларни танлаб олиш механизмларини ишлаб чиқиш;
- педагогик таълим бўғинлари орасидаги алоқадорлик, боғлиқлик, ҳамкорлик, узвийлик ва узлуксизликни илмий ҳамда амалий жиҳатдан асослаш;
- педагогика соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш мақсадида етакчи хорижий ОТМлар ва таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, кадрлар алмашинувини йўлга қўйиш, илмий стажировкаларни амалга ошириш.
- шахсий муносабатлар ўрнатиш бўйича илғор педагогик ғояларни амалга оширишга киришиш, уларни амалга оширишда педагогик жамоа, ота-оналар, ўқувчилар ҳамда ота-оналар меҳнат қиласидан давлат ванодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик ишларни ташкил этиш;
- таълим ташкилоти доирасида барча соҳалардаги ишларни чуқур ўрганиши, танқидий таҳдил этиб, уни яхшилаш учун аниқ инновацион йўл хариталар белгилай олиш ва амалга оширишни таъминлаш;
- таълим муассасаларида фидойилик, масъулиятлилик, поклик, қатъийлик, журъатлилик, педагогик жамоаси манфаати йўлида жонкуярлик кўрсатиш, меҳнатсеварлик, адолатли, ўзига ва ўзгаларга талабчанлик кўрсатиб, барчага намуна бўлиш;
- таълим тизимида ўзини оқдамаган ва самарасиз услублардан, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини ўрганишда илмий, услубий, диагностик, назарий асосга эга бўлмаган ишларни қўллашдан ҳамда тасодифий синовлардан воз кечиш;
- ўқитувчи, тарбиячи, методист, психолог ва раҳбар ўринбосари фаолиятларини илмий-методик жиҳатдан мувофиқлаштириш ва уларнинг ишларини амалдаги

- меъёрий ҳужжатлар асосида тўғри йўналтириб бориш;
- ўқувчи фаолиятини назорат этувчи ота-оналар, кузатув кенгаши ва жамоатчилик фикрини ўрганувчи меъёрий ҳужжатлар базасини яратиш ва уни тартиба солиш;
 - таълим жараёнини маълум даражада тажрибасиновданутган, илмий асосланган, таълим технологиялари ёки аввалдан илмий изланишлар асосидаги кузатувчилар таҳлиллари ва мониторингини олиб бориш;
 - Таълим ва тарбиянинг жозибадор бўлишига эришиш учун ҳамкорлик педагогикасини ривожлантириш;
 - педагогик таълимни тартиба солувчи мавжуд меъёрий ҳужжатларни таомиллаштириш ҳамда педагогик таълим инновацион кластери платформасини ишлаб чиқиш.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги болалар билан ишлаш эса ўқитувчилардан янада катта масъулиятни талаф қиласиди. Энг аввало, ўқувчидаги нима сабабдан дарс интизомига нисбатан салбий муносабат шаклланганлиги сабаб ва оқибатлари аниқланиши шарт. Аниқланган сабабларнинг келиб чиқиш омиллари ва улар кимлар томонидан йўл қўйилмоқда, нима сабабдан? Ана шу сабаблар моҳияти педагогик-психологик, социологик, фалсафий, ҳуқуқий жиҳатдан таҳдил этилиб, ўқувчи фаолиятига ўзгартириш киритишнинг (коррекция) имкониятларини излаб топилади.

Инсон фаолияти бунёдкорлик характерига эга. Бу шуни англатадики, фаолият субъектлари ташки ҳаракатларни фаолият жараёнига олиб кирадилар. Бу ақлий ҳаракатлар жараённида амалга оширилган мулоқот фаолиятининг ички режасига мувофиқ тарзда таъминланади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий ёндашувлар иккита асосий йўналишни ўз ичига қамраб олади:

- а) дидактик ёндашувлар, унда асосий эътибор

ўқитувчилар фаолияти, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган методик воситаларнинг ўрнини ўрганишга қаратилган;

б) психологик ёндашувлар, бу жараёнда ўқувчиларнинг ўзлари уларнинг психологик-педагогик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган билиш фаолиятларидан фойдаланадилар.

Бугунги кунда мавжуд бўлган педагогик-психологик назариялар дидактиканинг асосий негизи сифатида ўқувчилар ҳаракатларини қандай ташкил этиш керак, деган саволга жавоб излаши лозим. Чунки ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари муайян ўқув муаммоларини ечишга йўналтирилиши керак. Бунинг учун фаолият усуллари ва методлари йигиндисидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ташкил этиш тушунчаси остида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг изчил ҳаракатларини ифодаловчи тизим тушунилади. Мазкур тизим дидактик шарт-шароитларни вужудга келтиришни таъминлаши, ўқув топшириқларини бажариш ва ушбу жараённи мақсадга мувофиқ тарзда бошқариш имконини берувчи тизим бўлиши лозим.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида билиш жараёнини фаоллаштириш имкониятлари модернизациялашган таълим мазмuni ва воситаларини амалиётга кенг тадбиқ этиш орқали таъминланади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш уларнинг ақлий мустақиллигини таъминлайди. Бу уларни янги билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштиришлари ва уларнинг ностандарт, янги вазиятларда қўллай олишларида яққол намоён бўлади.

Ўқувчиларни билиш фаоллигига йўналтириш жараёнининг таҳлили, мазкур жараённинг бир қатор йўналишларини аниқлаш имконини беради. Бунда ўқитувчи нималарга эътибор бериши ва қандай

малакаларга эга бўлиши, уларга қандай инновацион талаблар зарурлиги муҳимdir.

Жумладан:

- ўқувчилар ўкув жараёнинг обьекти эмас, балки субъекти сифатида доимий шаклланишлари;
- ўқув жараёнинг очиқ диалог асосида ташкил этилиши;
- ўқув жараёнида шахсга йўналтирилган ҳамкорлик ва ҳамфирликда фаолиятнинг амалга оширилиши;
- ўқув-билув жараёнинг инновацион технологиялар асосида индивидуаллаштирилиши ва табақалаштирилиши;
- ўқув материали мазмунининг аҳамиятлилиги ва қимматлилигининг намоён бўлиши, билим олишнинг эҳтиёжга айлантирилганлиги;
- ўқув предметларро ва айни бир ўқув предметининг ичида алоқадорликнинг ўрнатилиши;
- ўқувчиларнинг мунтазам ижодий шуғулланиш кўникмаларини ҳосил қилиш, бунинг учун ота-оналарга зарурӣ маслаҳатлар бериш;
- муаммоли таълим ва ҳамкорликдаги ўқитиш методларидан унумли фойдаланиши;
- ўқувчиларнинг мустақил ишлашга ўргатишини йўлга кўйиш, бунинг учун ота-оналар учун тавсиялар ишлаб чиқиш кўламининг кенгайиши;
- ўқувчилар бажарадиган мустақил ишлар кундалик ҳаётий тажрибалар билан боғланиши;
- синфда ижобий дўстона муҳитнинг таркиб топтириш, ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш, ўзаро ҳамкорлик учун фаол ўқувчиларни маънавий рағбатлантириш;
- ўқувчилар муваффақиятини таъминловчи дидактик муҳитни вужудга келтириш, дарс машғулотларида қўлланиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа ўқув материалларининг ўқувчилар ёши ва ўзлаштириш қобилиятларига мос бўлишига эришиш;

- ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида педагогик-психологик жиҳатдан соғлом муҳитнинг қарор топтириш, ўқитувчининг болажонлиги, бола ҳақ-хуқуқларини паймол қиласлик;

- ўқитувчининг ўз ўқувчилари билиш, англаш, фаҳмлаш имкониятларига ишончи муқаррарлиги кабилардир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўқувчиларни дарс интизомига қатъий риоя қилиш кўнималари бошланғич синфлардаёқ шакллантирилса, ўсмилик даври ва ундан кейин ҳам салбий томонга камроқ оғиш ҳолларини кузатиш мумкин.

Аввало шуни айтиш лозимки, ёш йигит-қизнинг ўсмилик даври бизнинг шароитимизда оиласда, маҳаллада, мактабда, турли хил таълим-тарбия, спорт, кўнгилочар жойлардаги жамоаларда кечади. Агар мана шу занжирнинг бирортаси заиф бўлса, ўсмир бу ерда ўзига нисбатан эътибор, ҳурмат, назоратни сезмаса, бошқа нарсаларни ўйлай бошлайди. Ўзининг дунёқараси, интилиши, борлиқни ўзида идрок этиши нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда катталарга тақлид қилиш, ичишни, чекишини, ўзгалардан зўрроқ бўлишни хоҳлаб қолади. Ниятини амалга ошириш учун чора излайди. Ўзгалар таъсирига берилади. Натижада “ёмонлар” доирасига тушиб қолади. Агар тезда ўсмири бу йўлдан қайтариш чора-тадбирлари кўрилмас экан, у қинғир йўлга кириб қолиши ҳеч гап эмас.

Юқорида баён этганимиздек, тадқиқотимиз мавзуси жуда ҳам долзарб. Шундан келиб чиқиб, биз тадқиқотимиз мобайнида вояга етмаган салбий характеристири ўсмирлар хатти-ҳаракатининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда масалани ҳал этишнинг амалий, конструктив йўлларини ишлаб чиқиш ва уни дарс интизомига салбий муносабатдаги болалар билан иш олиб борадиган таълим муассасалари, ташкилотлар ва ота-оналар учун тавсиялар ишлаб чиқиб, уни амалиётга қўллашнинг педагогик ва

психологик имкониятлари тўғрисида тавсиялар беришни режалаштирганимиз. Дастрлаб, дарс интизомига салбий муносабатнинг шаклланишига педагогик нуқтаи-назардан таъриф беришга уриниб кўрайлик:

Дарс интизомига салбий муносабат - оила бошлиқларининг фарзандлари фаолиятларини назорат қиласликлари, ота-оналарнинг педагогик-психологик саводхонликларининг пастлиги (болаларни оиласда ўкув жараёнига тайёрлаш омилларини билмаслик ёки бефарқлик), шунингдек, мактабда синф раҳбари, ўқувчилар, мактаб психологи томонидан ўқувчи шахснини етарли даражада ўрганилмаганлиги оқибатида келиб чиқадиган иллат сифатида қараш мумкин.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчи деганда - ўзининг хулқ-атвори, юриш-туриши, жамиятдаги меъёrlарга нисбатан паст назар билан қарайдиган, билим олишни хоҳламайдиган, айрим сабабларга кўра тенгдошлари даврасидан ажralиб ёлғизланиб қолган ўсмири тушунамиз.

Ўқувчиларда дарс интизомига нисбатан салбий муносабат қандай шаклланади? Биз уни қўйидаги тоифаларга бўлиб ўрганишга ҳаракат қилдик:

1. ўқувчининг ақлий ривожланишидаги нуқсонлари туфайли;

2. ўқувчининг касалмандлиги, тез-тез касалланиш оқибатида;

3. ноқобил оиласарда тарбияланаётган болалар (айслик, фарзандининг тарбиясига бефарқ, ўзаро келишмовчилик мавжуд бўлган ота-оналар оиласлари);

4. ота-оналар иш билан банд, фарзандларининг бўш нақтларини назорат остига олиш имонияти бўлмаган оиласлардаги болалар;

5. болаганисбатан бефарқликхукм сурган оиласлардаги назоратсизлик оқибатида жамиятдаги тартиб-интизом, қонун-қоидаларни ҳурмат қилмайдиган, хулқи оғишган, тарбияси оғир болалар;

6. ота-оналар, мактаб, маҳалла ва жамоатчи ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан инновацион таълим кластери (ҳамкорлик) педагогикасига амал қилинмаган ҳолларда;

7. шахсий ва қасбий компетентлиги етарли бўлмаган ўқитувчилар томонидан дарс жараёнида ўқувчиларни фанга қизиқтира олмаслик оқибатлари сифатида;

8. болага нисбатан бефарқлик, боланинг қалбига йўл топа билмаслик, унинг қизиқишлари ва шахсини хурмат қилмаслик, ўқувчига нисбатан паст назар билан қараш оқибатида;

9. ўқувчиларнинг бўш вақтларини уларнинг қизиқишлари асосида мазмунли ташкил этилмаслиги, айниқса, яшаш жойларида уларнинг бўш вақтларини ўтказишларига нисбатан мутлақо эътиборнинг йўқлиги оқибатида;

10. ота-оналарнинг бола тарбиясида етарли тажриба, педагогик билим ва кўникмаларга эга эмасликлари оқибатида;

11. катталар томонидан болага нисбатан адолатсизлик оқибатида ҳосил бўлган тажовузкорлик, аламзадалик оқибатида.

Фикримизча ана шундай сабаблар натижасида ўсмирларда дарс интизомига салбий муносабат шаклланиб боради, бундай ҳолатни олдини олиш учун оиласда ота-она, мактабда синф раҳбари ва ўқитувчилар, мактаб психологи, маҳалла мутасаддилари, давлат ва нодавлат ташкилот, корхоналар, жамоатчи ташкилотлар ходимлари инновацион тарбия кластери асосида тезкорлик билан ҳаракат қилмасалар вазият чигаллашиб кетиши муқаррар.

Чунки, ўсмирлик – шахс шаклланишидаги энг муҳим палла, тенгдошлари ва атрофдагилар билан ўзини қиёслаб, ўз ҳолатидан, кўринишидан қониқмаслик, иккиланишлар даври ҳисобланади. Сабаби ўсмир бу даврда секин-аста заруриятни англаб, маълум бир эркинликка эриша бошлади, шунга кўра у қарор қабул қилиш қобилиятига

эга бўлиб боради, яъни жамоатчилик ривожланишининг қонуниятлари асосида масъулият билан ҳаракат қила бошлади. Шу туфайли ўсмирлик даври турли қарама-қарши кечинмалар, қийинчиликлар ва кризислар билан тўлиб-тошган. Шунинг билан биргаликда, бу давр болалик ҳиссиётларининг йўқолиши, хавотир туйғуси ва психологик нокулайликнинг пайдо бўлиш давридир.

Ўсмирлик даврини кўпинча ривожланишдаги пропорциянинг бузилиши даври деб ҳам атайдилар. Бу ёнда ўзининг жисмоний хусусиятларига эътибор ортиб, атрофдагиларнинг фикрига реакция кучаяди, шахсий иззат-нафси ва хафагарчилик туйғуси кўтарилади. Жисмоний камчиликлар кўпинча бўрттирилади. Даставвал, болалик ёшига солиштирганда ўз танасига ортиб борувчи эътиборга нафақат жисмоний ўзгаришлар, балки ўсмирнинг янги ижтимоий роли ҳам сабабдир. Атрофдагилар ўсмирдан жисмоний етуклик эвазига ривожланишнинг маълум бир муаммоларини ўзлари уддалашларини кутадилар. Катталар ғамхўрлигидан чиқишига интилиб, ўсмир ўзининг улғаяётган "Мен"ини эркин ҳис қилиши учун вақтинчалик намоён кила олиш имконини излайди. Буни у бўш вақт муҳитидан топади. Ўсмир ҳаётида бўш вақт устувор характерга эга. Бу вақтни вояга етмаганлар уйдан ташқарида, тенгдошлари компаниясида ўтказадилар. Ота-оналар ўсмирнинг мактабдан ташқари вақтдаги мулоқотларига таъсир ўтказмоқчи бўладилар, гўёки уларнинг назарида фарзандларини исталмаган алоқадан ҳимоя қиладилар. Шунинг натижасида одамови, ёлғизликни хуш кўрадиган ўсмирлар пайдо бўладилар. Ўсмирлар ахлоқига, биринчи нафбатда, ташқи ижтимоий муҳит (микромуҳит ҳисларлар: оила, синфдаги, мактабдаги шароит, бу муҳитнинг қолган аъзолари билан муносабатда), шунингдек, ўсмир шахсининг турли "ҳаётий омадсизликлар"га реакция қилишига боғлиқ индивидуал хусусиятлари таъсир кўрсатади.

Ўсмир мослашмаганлигининг турли кўринишларида ифодаланувчи хулки оғишганлик нофаровон психоижтимоий ривожланиш ва ижтимоийлашув жараёнининг бузилиши натижасидир. Ахир ўсмир бу даврда ўз-ўзини ҳар томонлама англашга, бошқа одамлар орасидаги ўз ўрнини топишга интиларкан, атрофидаги катта одамларнинг қилиқлари, ҳаракатларидаги бир қанча сифатларга ҳавас билан қарайди, бу сифатларни ўзида топа олмай қийналади.

Баъзида ҳатто ўзини тўлақонли эмасдай ҳис қилади. Шундай пайтда болага биринчи ёрдам қўлини атрофидаги яқин одамлари, аввало, ота-онаси, устоз-мураббий чўзмоқлиги даркор. Маълумки, бола дастлаб ота-онасидаги хислат ва фазилатларни кўради, кейин эса бошқа атрофдагилар билан солишибтиришни бошлайди. Шундай экан, ота-оналар фарзандлари қалбига йўл топа билишлари лозим. Хулқи оғишган (мактабдан қочиб кетадиган, тенгдошларига доимий халақит қиласидиган, синфдошларининг жигига тегадиган) болалар катталарнинг ҳар қандай қўллаб-кувватлашларига муҳтож бўладилар. Ота-оналар синф раҳбари, ўқитувчи ва мактаб психологлари ёрдамида болага маънавий ёрдам беришлари лозим бўлади.

Ўсмирик ёши – унинг дунёқарashi, эътиқоди, нуқтаи назари, принциплари, ўзлигини англаши, баҳолаши ва ҳоказолар шаклланадиган давр саналади. Кичик мактаб ёшидаги бола катталарнинг кўрсатмалари ёки ўзининг тасодифий, ихтиёrsиз орзу-истаклари билан ҳаракат қилса, ўсмир ўз фаолиятини муайян принцип, эътиқод ва шахсий нуқтаи назари асосида ташкил қила бошлайди.

Бизнинг фикримизча ана шу ва бошқа сабабларга кўра ўқувчиларда дарс интизомига салбий муносабат шаклланиши муқаррар, агар у ўз вақтида профилактика қилинмаса хунук оқибатларга олиб келади.

Демак, фарзандларининг келажаги учун бефарқ бўлмаган ота-оналар, педагог-ўқитувчилар, жамоатчи

ташкилотлар ходимлари, қолаверса, кенг жамоатчилик ўқувчиларнинг таълим-тарбиясига катта масъулият билан ёндошишлари зарурй шарт ҳисобланади. Ўсмириларда ўзини англашнинг ривожланиши шахсий хулқатворини тушунишдан бошланиб, ахлоқий фазилатини, ҳарактерини, ақлий имконият ва қобилиятини билиш билан якунланади.

Ўсмирик ёшида психологик жиҳатдан энг муҳим хислат – вояга етиш ёки катталик ҳиссининг пайдо бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Катталик ҳисси ижтимоий-ахлоқий соҳада, ақлий фаолиятда, қизиқишида, муносабатда, кўнгил очишида ўз ифодасини топади. Ўсмир ўз кучи ва қуввати чидамлилиги ортаётганини, билим савияси кенгаётганини англай бошлайди. Буларнинг барчаси унда катталик ҳиссини ривожлантиради. Унда ғашга тегадиган раҳбарликдан, ўринсиз ҳомийликдан, ортиқча назоратдан, зериктирадиган ғамхўрликдан холи бўлиш истаги нуқудга келади. Мазкур жараён ўз навбатида катталар билан муносабат ва мулоқотда ноxуш кечинмаларни пайдо қилади. Синф жамоаси ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни ўзгартириб, янги йўналишга, йўлга солиши катталар билан ўсмирилар орасидаги «англашилмовчилик гови» ни йўқотади. Тадқиқотларимиз асосида ўқитувчи-педагогларганисбатан қўйидаги функционалвазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

- шахсий ва касбий компетентликка эга бўлиш, мукаммал педагогик маҳоратни эгаллаш;
- мутахассислик фанини мукаммал билиш ва ўқув материалларини ўқувчиларга ҳар томонлама етказа олиш;
- замонавий педагогик ва ахборот коммуникатион технологиялардан фойдалана олиш қобилиятига эгалик;
- ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва уларни ўқувчиларнинг ўзлаштира олиш қобилиятиларига мос ҳолда узатиш малакасига эгалик;
- замонавий педагогикинновационтехнологиялардан дарс жараёнида кенг фойдалана олиш, мавзуга мос

инновацион технологияларни танлаб фойдаланиш қобилияти;

• илгор педагогик хорижий ва маҳаллий тажрибаларни ўзлаштириш ва амалиётда қўллаш;

• ўқувчиларнинг оиласий шароитлари ва ота-оналар маълумотлилик даражаси билан қизиқиш, таҳлил қилиш, уларга амалий ёрдам бериш;

• ўз фанидан ўқувчилар билан ўтказаётган викториналар, давра сухбатлари, олимпиадалар, фан ойликлари, конференциялар ва шунга ўхшаш тадбирларга ота-оналарнинг иштирокини таъминлаш орқали фарзандларининг билим олишга бўлган қизиқишлари ва кўникмалари юзасидан тасаввурлар ҳосил қилишга эришиш;

• ота-оналарни ўз фарзандларининг таълимтарбияси натижалари билан доимий таништириб бориш орқали уларда масъулиятни кучайтиришга эришиш;

• мактаб ва синфдан ташқари тадбирлар, ота-оналар мажлислари ва умумий тадбирларга иштирок этмаётган, ўзининг конституцион бурчини бажаришда сусткашликка йўл қўяётганлар учун улар фаолият кўрсатаётган ташкилот, корхона, муассаса раҳбарлари номига мактаб маъмурияти номидан хат йўллаш, чора кўришни сўраш;

• фаолиятига тўсқинлик қилаётган сабаблар, камчиликлар юзасидан мактаб раҳбарларига билдириш, талаб қилиш, ёрдам сўраш;

• ёмон ўзлаштирадиган ва дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан индивидуал доимий, тизимли равишда шуғулланишни йўлга қўйиш;

• ўз фаолиятини рефлексив равишда таҳлил қилиш, баҳо бериш, аниқлаган камчиликларини тезкор коррекциялаш чораларини кўриш;

• ўқувчиларга нисбатан хайриҳоҳ ва илтифотли ва адолатли бўлиш;

- олижаноблик ва бегаразлик, холислик;
- ўқувчиларнинг қадр – қимматига етиш;

• фуқаролик ва касбий педагогик бурчини ситқидилдан бажариш;

• ўқувчиларга ишонч кишиларнинг ўз кучига қобилиятига бўлган ишончини қўллаб – қувватлай олиш уни шахсий камчиликларини бартараф қилишга йўналтира билиш;

• юқори нутқ маданиятига эга бўлиш ва ташқи кўринишининг кўркамлиги;

• ҳушмуомалалик, сиполик;

• камсуқумлик, вазминлик, сабр-тоқат;

• андишалилик, масъулиятлилик;

• меҳнат ва дўстликдаги шерикчиликда ўзаро ёрдам ва қўллаб - қувватлаш;

• принципиаллик ва ишонч;

• талабчанлик, қатъий тартиб-интизомни сақлаш;

• танқидий таҳлил, шахсий жавобгарлик, масъулиятлилик;

• юқори даражадаги фуқаролик, ватанпарварлик ва байналминаллик.

• Жамият баҳт – саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш жамият бойлигини кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш.

2.3. Модернизациялашган таълим шароитида ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантиришда рефлексив кўникмаларни шакллантириш

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан ишлаш жараёнларида уларда таълим олиш ва касб-хунар ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги объектив тафаккурни шакллантириш, яъни таълим-мустақил таълим, тарбия ва ўзини-ўзи тарбиянинг инсон шахси камолотидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида ўқувчиларда тасаввур ҳосил қилиш, шунингдек, ўқиши ва ўрганиш, маълумотлар тўплаш, таҳлил қилиш

ва объектив баҳолашнинг аҳамияти ва зарурияти бўйича дунёқарашларини ривожлантириш асосида уларда рефлексив кўникмалар шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан ишлаш жараёнларида уларда рефлексив кўникмалар шакллантиришда уларнинг ўқиши ва ўрганишга бўлган мойиллиги ва қизиқишлигини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараёнларни замонавий ёндашувлар асосида режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш, мазкур жараёнларда кўлланиладиган методлар ва ёндашувларнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларига кўра тўғри танлаш, танланган методлар ўқувчиларнинг мойиллиги, қизиқишлири ва шахсий имкониятларига мос келиши ҳамда уларнинг таълим олиш ва касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқишлигини ривожлантиришга ихмат қилиши зарур.

Мазкур педагогик шартлар ўз навбатида, дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларда рефлексив кўникмалар шакллантириш жараёнларида уларга таълим олиш ва касб-хунар ўрганишнинг заруриятини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, яратилаётган янгиликлар, фан-техника ютуқлари, иқтисодий ривожланишлар асосида тушунтириш ўзига хос илмий-амалий аҳамият касб этади. Чунки улар бугунги кунда давлатимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътиборнинг қадрига етиши ва уни объектив баҳолаши, ўқиш ва ўрганишнинг заруриятини тўғри ва ҳаққоний англаб етиши ҳамда ўз имкониятларига ва келажакка ишонч ҳосил қилиши зарур ҳисобланади.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан ишлаш жараёнларида уларда рефлексив кўникмалар шакллантириш учун уларни таҳлилий фикрлашга ўргатиш асосида рефлексив фаолиятини ташкил этиш зарур, чунки кўпроқ таҳлилий фикрлаш уларнинг ўзи томонидан мустақил ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнларида, яъни

ўқувчига ўқитувчи томонидан анъанавий равища ўргатилмаганда, мустақил фикрлаш жараёнларида вужудга келади. Ўқувчи томонидан таълим олиш ва касб-хунар ўрганиш йўналишидаги ўзининг иродавий хатти-ҳаракатларининг амалий аҳамиятини ва заруратини мустақил равища таҳлил қилиши ҳамда тушуниши уларнинг рефлексив фаолияти жараёнлари ҳисобланади.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан ишлаш жараёнларида уларнинг рефлексив фаолияти жараёнларини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда рефлексив ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Рефлексив ёндашув асосда ташкил этилган дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан ишлаш жараёнлари ўқувчиларни ўз фаолияти ва фаоллигини, билими ва дунёқарашини ўзи томонидан таҳлил қилишга, дарсга бўлган муносабатини мустақил равища объектив баҳолашга ундейди.

Демак, дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан ишлаш жараёнларида рефлексив ёндашув ўқувчиларнинг ўз фаолияти натижаларини ҳеч қандай қаршиликсиз ўзи томонидан мустақил ўрганиш, ўз шахсий имкониятлари ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолашга ундовчи вазиятларни вужудга келтириши билан бир қаторда, ўқитувчи томонидан дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларни мустақил таълим олишга ундовчи мотивларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш асосида мотивлаштириш жараёнларини ташкил этишга кенг имкониятларни вужудга келтиради.

Чунки рефлексив ёндашув жараёнида ўқувчиларни таҳлилий фаолиятга ундашга хизмат қилувчи қулай рефлексив таълимий муҳит вужудга келади. Рефлексив таълимий муҳитни вужудга келтириш ўқувчиларнинг таълим олишга шахсий мойиллиги ва қизиқиши даражасини аниқлаш ва ўрганилаётган мавзуга, унинг аҳамияти, мазмун-моҳиятига қизиқиши шакллантириш

асосида уларнинг рефлексив фаолиятини амалга оширишга, фаолигини таъминлашга хизмат қилади.

Рефлексив фаолият жараёнида ўқувчиларнинг илмий дунёқараш ривожланиб бориб, уларда ўқиш ва ўрганишга мойиллик ўз фаолиятини таҳлил қилиш асосида шаклланади. Рефлексив фаолият жараёнида дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар ўқиш ва ўрганиши учун қандай тўсиқлар халақит берадигани, ўзи нимага кўпроқ қизиқаётгани, таълим олиш ва касб-хунар ўрганишнинг амалий аҳамияти нимадан иборат эканлигини мустақил тушуниб етади. Рефлексив фаолият жараёнида нафақат дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар, балки фаол ўқувчилар ҳам ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатларини таҳлил қиласи ҳамда объектив баҳолайди. Шунингдек, уларда ўқиш ва ўрганишга мойиллик ва қизиқишлар шаклланиши билан бир қаторда, уларда тўғри касб танлаш ва касб-хунар ўрганиш масъулияти шаклланади.

Демак, рефлексив фаолият жараёнларида ўқувчиларнинг рефлексив қобилиятлари ривожланиб бориб, уларда рефлексив кўникмалар шаклланади. Рефлексив кўникмалар шаклланган ўқувчи ўқиш ва ўрганиш, ўз фаолиятини мустақил таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш қобилиятларига эга бўлган шахс сифатида унда маълум бир воқелик ёки ҳодисани, ўтмишни ёки ўтмишдаги жараёнларнинг оқибатларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш каби фазилатлар шаклланган бўлади.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларда рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари самарадорлиги эса қўлланиладиган методлар ва татбиқ этиладиган ёндашувларнинг аҳамияти ва ўзига хосхусусиятларига ҳамдататбиқ ётиладиган ёндашувларни вазиятларга кўра тўғри танланиш даражасига боғлиқ бўлади. Шунингдек, бериладиган ахборот ва маълумотлар ҳажми ҳамда мазмун-моҳиятига кўра ўқувчиларнинг

мойиллиги, қизиқиши ва имкониятларига мос келиши, ахборот ва маълумотларнинганиклиги, ишончли далиллар асосида қиёсий таҳлил қилиниши ҳам самарадорликни таъминлашага хизмат қилади.

Демак, дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларда рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларининг сифат ва самарадорлиги, энг аввало, мазкур жараён субъектларининг маҳорати, ташкилотчилик, ижодкорлик ва изланувчанлик қобилияти, бир сўз билан айтганда уларнинг касбий компетентлилигига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш технологияларининг мақсади ва вазифасига кўра улардан тўғри ва самарали фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Адабиётларда рефлексия, педагогик рефлексия, рефлексив фаолият, ўқитувчининг рефлексив фаолияти тушунчалари турлича талқин қилинса-да, дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларда рефлексив кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари ўқувчилар томонидан ўзини ўзи ва ўз фаолияти натижаларини ўз томонидан мустақил ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва объектив хуросалар шакллантириш жараёнлари маъносида қўлланилади.

Ўқитувчининг рефлексив фаолияти ҳақида фикр юритилганда эса, энг аввало унинг мазкур жараёндаги принципиаллиги, яъни дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларда рефлексив кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган ўзаро муносабатлар ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари даги принципиалликни тушиниш мумкин. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан ишлаш жараёнидаги принципиаллик ўқувчиларнинг ўз фаолияти ёки хатти-ҳаракатларини мустақил таҳлил қилиш, ишончли далиллар воситасида таққослаш, баҳолаш ва объектив хуросалар шакллантиришга ўргатиша ўз

позициясига эга бўлишидир.

Ўқувчининг рефлексив фаолияти эса ўз фаолияти ёки хатти-ҳарактларини мустақил таҳлил қилиш, ишончли далиллар воситасида таққослаш, баҳолаш ва объектив хуолосалар шакллантириш асосида ўз ўқув фаолияти аҳамиятини тушиниши ва таълим олиш ва касб-хунар ўрганиш йўналишида янги позициясининг шаклланишидир. Шундай экан, дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчининг рефлексив фаолияти тушунчаси ўқувчининг рефлексив фаолияти (ўқувчи позицияси) тушунчасидан фарқ қиласди. Ўқувчиларнинг рефлексив фаолиятини ташкил этиш асосида уларда рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари тизимга хос хусусиятларга эга бўлиб, мураккаб педагогик тизим ҳисобланади.

Демак, инновацион мураккаб педагогик тизим сифатида ўқувчиларда рефлексив кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган ўзаро таъсир жараёнларини ташкил этиш ва бошқарища тизимили ёндашув технологиясини татбиқ этиш зарур. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларда рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига тизимили ёндашувни татбиқ этилиши мазкур жараёнларда тасодифий ва кутилмаган ҳолатларнинг олдини олиш билан бир қаторда, сифат ва самарадорликни таъминлашга хизмат қиласди.

Шундай экан, дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларда рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини ташки мухитда хизмат қилаётган инновацион мураккаб педагогик тизим сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур жараёнларни лойиҳалаштириш, моделлаштириш, ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини оширишда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг рефлексив фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш зарур. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг рефлексив фаолияти йўналишида

вазиятларга кўра вужудга келаётган талаблар ҳамда рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини ташкил этишга замонавий ёндашувларни татбиқ этиш зарурияти самарадорликни таъминловчи энг зарур омиллар ҳисобланади.

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг рефлексив фаолияти жараёнлари самарадорлиги дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларда рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари мажмуи ҳисобланган тизим компонентларини ўзгартириш, уларни қайта ташкил этиш ва мослаштиришга боғлиқ бўлиб, ўзгартириш, қайта ташкил этиш ва мослаштиришда ҳам тизим компонентлари ҳисобланган жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарур.

Хусусан, таълим ва мустақил таълим жараёнлари, тарбиявий муносабатлар жараёнлари, дарсдан ташқари ва синфдан ташқари машғулотлар, мотивлаштириш жараёнларининг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини мисол келтириш мумкин.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларда рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини ўзаро боғлиқ ҳолда, яхлит тизим сифатида ташкил этишда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг рефлексив фаолияти жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда мазкур жараёнлар самарадорлигини таъминлаш учун тизимили ёндашувни татбиқ этишнинг аҳамиятини қуидаги тамоиллар орқали асослаш мумкин:

- рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари субъектлари сифатида ўқитувчи ва ўқувчилар фаолият кўрсатиши, яъни мазкур жараёнларда субъект-субъект муносабатларининг қарор топиши;

- рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари субъектлари фаолиятининг мақсадга йўналтирилганлиги, изчиллиги ва ўзаро

боғлиқлиги;

- рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган инновацион мураккаб педагогик тизим ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган компонентлар мажмуй эканлиги;

- рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларининг ривожланишига хизмат қилувчи ички ва ташқи омилларнинг ўзаро бирлиги;

- рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари алоҳида бир тизим сифатида ва юқори тартибли яхлит педагогик тизимнинг ташкил этувчи компоненти сифатида мавжудлиги;

- рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари ташқи муҳит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларига эга эканлиги.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларда рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларида уларнинг рефлексив фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириша дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларнинг мустақил ва самарали фикрлашининг муҳим механизми сифатида рефлексив ёндашув ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Рефлексив ёндашув жараёнида ўқувчилар ўз фаолиятини ўзи таҳлил қилиши ва объектив баҳолаши (мустақил рефлексив фаолият кўрсатиши) учун, ўқитувчилар эса мавжуд таълимий вазиятларни ўз вақтида таҳлил қилиб бориши ҳамда ўқувчиларнинг ўз тушунчалари ҳамда хатти-ҳаракатларини фаол ўйлаб кўриши учун шарт-шароитлар яратилади.

Ўқувчиларда рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда шахс-фаолият ёндашуви ҳам зарур ҳисобланиб, мазкур ёндашув ўқувчилар рефлексив фаолиятини ташкил этиш жараёнларида уларнинг фаоллигини таъминлаш ва аниқ мақсадларга кўра уларни

мотивлаштириш воситаси сифатида вужудга келади.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларда рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари самарадорлигини аниқ вазиятларга кўра баҳолаш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, мазкур жараён самарадорлигини таъминлашда вақт ўтиши билан вужудга келаётган вазиятларга кўра ўқувчилар рефлексив фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазиятли ёндашувни ифодалайди. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан ишлаш жараёнларида рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларининг аниқ шароитдаги ички ва ташқи вазиятига қараб дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар (бошқаришувчи объект ҳисобланаётган ўқувчилар) фаолиятини вазиятли ёндашув асосида мувофиқлаштириш мазкур жараён самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларда рефлексив кўникмалар шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари самарадорлигини ошириш, кўзланган мақсадга эришишда ўқувчиларнинг имконияти, мойиллиги ва қизиқишлигига ҳамда мавжуд вазиятлар ва шарт-шароитларга мос келувчи, энг қулай бўлган тизимни вужудга келтириш зарур.

III.БОБ. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГАН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА КЛАСТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

3.1. Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларини замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш ва бошқариш

Таълим муассасасини кластер методи асосида бошқариши нимадан бошламоқ керак? Саволларни аниқлаштириб, таҳлил этиб бўлгандан сўнг, Мактаб раҳбари бошчилигидаги ишчи гурӯҳи олдига: замонавий таълим муассасасини инновацион бошқариш жараёнини ташкил этиш бўйича қўйидаги мақсадларни қўйишни лозим деб топдик:

- таълим тизимида мавжуд эҳтиёж ва муаммолар таҳлили мақсад қўйишнинг бош омили бўлиб хизмат қилиши, бунда дастлабки имкониятлар ва воситалар, заҳиралар ҳисобга олиниши кераклиги;
- мақсадлар мухим муаммоларни ҳал қиласидиган даражада долзарб бўлиши лозимлиги;
- мақсадлар мураккаб, бироқ аниқ бўлиши, мактабнинг яқин келажакдаги ривожланишини ифодалаши шартлиги;
- мақсадлар қанчалик пухта (исталган натижанинг аниқ даражаси ва унга эришиш муддати кўрсатилган ҳолда) шакллантирилган бўлса, уларга эришиш шунча осон кечиши;
- мақсадлар ташхисловчи, рағбатлантирувчи, изланишга ва ташаббускорликка ундовчи характерга эга бўлиши лозимлиги;
- мақсадлар мактаб олдида турган вазифаларга мос келиши кераклиги;
- ҳамкорликдаги фаолият мақсадлари унинг барча

субъектларига маълум, улар учун тушунарли ҳолда қабул қилинганилиги жамоавий фаолият ва мақсадлар бирлигини таъминлаши;

- кичикроқ аниқ мақсадлар йирикроқ ва узоқ муддатли мақсад ҳамда интилишларга бўйсундирилиши мақсадга мувофиқлиги талабларни ҳисобга олиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўқувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларига мос ва самарали усусларни кўллаш орқали билимлар тақдим этилиши, кўникумалар ҳосил қилиниши, таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашувни амалга оширишга педагогик ҳамда бошқарув жиҳатдан шарт-шароитлар яратиш мухим аҳамиятга эга.



Таълим-тарбия соҳасида замонавий самарадорликка эришиш - таълим муассасасини замонавий бошқаришнинг инновацион тамойиллари билан белгиланади.

Таълим муассасасини инновацион бошқаришнинг кластер методи тамойиллари:

Республикамизда амал қилаётган таълимнинг янги модели – таълим-тарбия жараёнини тубдан янгилаш билан бир қаторда, таълим муассасаси раҳбарлари ўртасида рақобат муҳитини вужудга келтиради. Бу эса ўқув муассасаларини ривожлантиришнинг асосий омилидир.

Бугунги кунда таълим ташкилотлар олдига кўйилаётган долзарб вазифалардан бири – ўқувчи ёшларга сифатли, сермазмун ва малакали таълим беришни ташкил этишдан иборатdir. Таълим сифатини яхшилаш, уни бошқаришнинг давр талаблари асосида ташкил этиш механизмларини яратиш ҳамда илмий жиҳатдан асослаш педагогика фанининг муҳим масалаларидан биридир. Ушбу масалани ҳар томонлама ўрганиш ва таълим муассасасини илмий методик бошқариш моделини ташкил этиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш ниҳоятда зарур. Унинг асосида таълим ташкилотида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни инновацион бошқариш масаласига тамомила янгича ёндашган ҳолда фаолият кўрсатиш ётади.

Креатив педагогик муносабатларнинг вужудга келиши ўқувчи шахсига табақалашган ёндашув, яъни таълим жараёнини индивидуаллаштириш тамойилини рўёбга чиқаришни талаб ётади.

Умумий ўрта таълим муассасаларини илмий-методик бошқаришнинг асосий йўналишлари, тамойиллари, талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўқитиши қонуниятлари ва принципларини аниқлаш, ўқитиши самарадорлигини ошириш мақсадида таълим жараёнида педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланишнинг методик асослари, раҳбарларнинг илмий-методик тайёргарлигини таъминлашнинг таркибий қисмлари, даражалари, кўрсаткичлари, унга таъсир кўрсатадиган

педагогик омилларни белгилаш ва мазкур тайёргарлик даражасини ривожлантириш мазмуни, методи, восита ва шаклларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш орқали давр талабларига жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош, ижодкор ва ижтимоий фаол, маънавий бой, ғоявий-сиёсий етук раҳбарларни тайёрлашга эришиш. Бунинг учун эса узлуксиз методик хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш технологияларини яратиш зарур.

Мактаб раҳбарларининг вазифалари, хукуқ ва бурчлари, масъулиятлари илмий асосда белгилаб берилиши ва тўла бажарилиши натижасида умумий ўрта таълим муассасалари илмий-методик асосда бошқарилади. Бу борада раҳбарларнинг эътиборини ўқув жараёнини инновацион бошқаришни ривожлантириш, такомиллаштириш ва уларни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган вазифаларни олдинги ўринларга қўйишни талаб этилади. Масалан:

- ўрта савияли ўқувчига нисбатан мўлжал олишдан воз кечиш;

- ҳар бир ўқувчи шахсининг энг яхши сифатларини аниқлаш ва уни ривожлантириш, уларнинг қизиқишилари, эҳтиёжлари, қобилиятлари, танлаган йўналишлари, шахсий сифатлари, ақлий интеллектуал хусусиятларини аниқлаш;

- ҳар бир ўқувчининг эҳтиёжи, қизиқиши, иқтидори ва имкониятига яраша ўқув топшириқларини тайёрлаш;

- таълим-тарбия жараёнида ўқувчи шахсининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Таълим ташкилотларда таълим жараёнини илмий-методик асосда ташкил этишининг муҳим жиҳати сифатида фан ўқитувчиларининг билим, малака, касб маҳорати доирасида замон талабларига мувофиқ фаолият кўрсатишларини таъминловчи узлуксиз методик хизматни вужудга келтириш зарур.

Ўқитиши методларининг ҳар бири ўзининг умумидидактик мөҳиятига кўра, таълим жараёнининг

субъектлари ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлигидаги ҳаракат модели ҳисобланади.

Раҳбар компетентлиги:

- амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни амалиётга татбиқ этишга бош бўлади;
- таълим муассасаси директори компетенсиясига тегишли вазифаларни талаб даражасида бажарилишини таъминлайди;
- ходимлар фаолиятини масъулияти доирасида фаол ишлашга ундейди;
- белгиланган вазифаларни «Компетент раҳбар» деган фахрли талабга мос тайёрлайди.

Таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув компетентлиги:

- раҳбарнинг реал ҳолатларда вужудга келадиган типик касбий муаммоларни ҳал этиши;
- касбий-бошқарув фаолиятининг устунлиги ва объектив тарзда масалаларни зудлик билан ҳал этиши;
- юксак салоҳияти, раҳбар сифатида намуналиги, шахсий фаолияти, тажрибаси;
- юқори даражадаги касбий интелекти орқали мақсадга эришиш даражасидир.

Муассаса раҳбарларнинг инновацион бошқарув компетентлигини кичик уч тизим, яъни билиш зарур бўлган тушунчалар, ўзлаштирилиши зарур бўлган қўнималар ва уларда шакллантирилиши зарур бўлган раҳбар фаолияти амалиётига эга шахсий сифатлар орқали ифодалаш мумкин.

Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари сифат ва самарадорлиги, энг аввало, уларнинг рефлексив фаолияти ва фаоллигига ҳамда ўрганилаётган объектнинг белгиланган мақсадга кўра тўғри танланганлиги ва асосланганлик даражасига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш технологияларига ҳамда

улардан мақсади ва вазифасига кўра тўғри ва самарали фойдаланишга боғлиқ бўлади. Бундай боғлиқлик таълим муассасаларида ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларини ташкил этишга алоҳида аҳамият қартиш ва унда ўқув фаолияти жараёнларининг ўнга хос хусусиятларини инобатга олиш заруратини белгилайди.

Демак, ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш ташкил этиш ва бошқаришга тизимли ёндашув технологиясини татбиқ этмасдан ўқув фаолияти жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашни тасаввур қилиб бўлмайди. Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларига тизимли ёндашувнинг жорий этилиши мазкур жараёнларда ўқувчиларнинг ўқув фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларига тизимли ёндашувни татбиқ этиш асосида уларнинг ўқув фаолияти самарадорлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этувчи жараёнлар (ўрганилаётган объективнинг аниқлиги, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини белгиланган мақсадга мос келишини таъминлаш, изчил ва узвий янгилаб бориш, ўқувчиларнинг мойиллигини аниқлаш, рефлексив фаолият кўрсатишга уларда эҳтиёжлар шакллантириш ва мотивлаштириш, янига таълимий дастурлар ва таълим технологияларини амалиётга татбиқ этиш, ўқув-методик материаллар билан таъминлаш, ўқувчиларнинг ўзаро дўстона муносабатларга асосланган ижодий-таҳлилий ҳамкорлик фаолиятини ўлга қўйиш, ўқувчиларнинг билими, дунёқараши ва ўзаро муносабатларини назорат қилиш, рефлексив фаолият жараёнларини вазиятларга кўра мувофиқлаштириш) нинг мажмуюи яхлит тизим сифатида инобатга олиниши мақсадга мувофиқ.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти самарадорлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этувчи жараёнларнинг

ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, яъни тизимга хос хусусиятларга эга эканлиги ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларини бир бутун, яъни яхлит ҳолда тасаввур қилиш талаб этилади. Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари мураккаб педагогик тизим сифатида алоҳида хусусиятларга эга бўлган бир неча компонентлар мажмуидан иборат бўлади. Шундай экан, ўқувчиларнинг ўқув фаолияти жараёнлари самарадорлигини ўрганишда ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари ўртасидаги алоқалар ҳамда ўзаро боғлиқлик хусусиятлари аниқланади, чунки ҳар бир компонент яхлит тизимнинг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

Тизимли ёндашув асосида ташкил этиладиган ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари самарадорлигини ўрганишда ўзига хос яхлитлик, умумийлик, универсаллик, дифференциаллик каби тушунчалар асосида мужассамлаштирилган технологиялардан фойдаланилади. Тизимли ёндашув асосида ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларини режалаштириш, ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда субъектларга ва уларнинг ўқув фаолиятига қўйилаётган талаблар ҳамда ўрганиладиган объективнинг объективлиги, мазмуни ва амалий аҳамияти йўналишларида қўйилаётган талаблар мажмуи нафақат ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари самарадорлиги, балки уларнинг ўқув фаолиятини таъминлаш ва уни ривожлантириш жараёнлари самарадорлигини таъминловчи энг зарур омиллар ҳисобланади.

Демак, ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларини ўзаро боғлиқ ҳолда яхлит тизим сифатида ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари ҳам тизимга хос хусусиятларга эга бўлиши керак. Шундай экан, ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари самарадорлиги мазкур жараён

иштирокчиларининг рефлексив фаолияти ва фаоллигига боғлиқ ҳолда қўйидаги тамойилларнинг қарор топишида ўз инфодасини топади:

- ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларида субъект-объект (ўқитувчи-ўқувчи) муносабатлари ўрнида субъект-субъект муносабатларининг ҳукм суриши;
- ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари иштирокчилари (таълим мудассасаси раҳбарлари, ўқитувчилар, таълим олувчилар, ота-оналар, жамоатчилик ташкилотлари ва жамоавий бошқарув органлари, ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналари...) кластер фаолиятининг мақсадга йўналтирилганлиги, изчилиги ва ўзаро боғлиқлиги;
- мажмуавийлилик – ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган компонентлар мажмуи эканлиги;
- ўзаро алоқадорлик – субъектлар ва иштирокчилар рефлексив фаолияти ва фаоллигининг ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари самарадорлигига таъсири;
- интегративлик – ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи ички ва ташқи омилларнинг ўзаро бирлиги;
- ўзаро боғлиқлик – ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари алоҳида бир тизим сифатида ва юқори тартибли яхлит тизимнинг ташкил этувчи компоненти сифатида мавжудлиги;
- коммуникативлик – ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари ташқи мухит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсири этиш хусусиятларига эга эканлиги.

Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларида субъектларнинг рефлексив фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва

мувофиқлаштиришда уларнинг ижодий-таҳлилий фикрлашининг муҳим механизми сифатида рефлексив ёндашув ўзига хос аҳамият касб этади.

Рефлексив ёндашув жараёнида субъектларнинг ўз фаолиятини таҳлил қилиши ва объектив баҳолаши (бу таълимий жараёндаги мавжуд вазият ва субъектлар ҳаракатларини баҳолаш, ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларисамарадорлигини ошириш йўналишидаги вазифаларни ҳал қилиш усуллари ва йўналишларини мустақил топишни ўз ичига олади), субъектлар мавжуд таълимий вазиятларни таҳлил қилиши, ўз тушунчалари ҳамда хатти-ҳаракатларини фаол ўйлаб кўриши учун шарт-шароитлар яратилади.

Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда шахс-фаолият ёндашуви ҳам зарур, чунки ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларида алоҳида шахсга йўналтирилган эътибор ўқувчилар фаоллигини таъминлаш ва уларни мотивлаштириш воситаси сифатида хизмат қиласди.

Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларида шахс-фаолият ёндашувини татбиқ этишда ўқувчилар фаоллиги ва ўқув фаолияти (ўрганиш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш, хулоса ясаш, фикрини исботлаш ва асослаш) компонентлари бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади, чунки субъект-субъект муносабатлари жараёнларида ўқувчилар ҳам субъект сифатида фаолият кўрсатади ва ўз навбатида, субъект сифатида ўқувчи фаоллиги унинг мустақил, эркин, танқидий, таҳлилий ва ижодий фикрлашининг ривожланиши орқали аниқланади.

Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари ва ўқув фаолияти жараёнларининг тез ўзгарувчан хусусиятлари ўқувчилар фаоллигини маълум бир шароитдаги ички ва ташқи вазиятга кўра мувофиқлаштириш заруратини белгилайди.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти самарадорлиги ва фаоллигига боғлиқ ҳолда аниқ вазиятларга кўра ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари самарадорлигини аниқлашда вазиятли ёндашув технологияси ўзига хос амалий аҳамиятга эга. Чунки аниқ шароитдаги ички ва ташқи вазиятга кўра ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлаш асосида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш қўйидаги вазифаларни бажарилишини назарда тутади:

- вазиятларга кўра муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммоларни аниқлаш ва ўқув фаолияти жараёнлари самарадорлигини таҳлил қилиш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолияти жараёнларини вазиятларга кўра мувофиқлаштириш зарурати мавжудлигини аниқлаш;
- ўрганилаётган объекtnинг вазиятларга кўра мутоносиблигини аниқлаш;
- ўқувчилар фаоллигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг вужудга келаётган вазиятларга кўра ўзгарувчанлиги сабабларини аниқлаш;
- турли вазиятларда эришилган натижаларнинг самарадорлигини таққослаш ва вазиятларга кўра самарадорликка таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;
- вазиятларга кўра ўқувчилар фаоллиги ва ўқув фаолиятини ривожлантириш стратегияларини олдиндан белгилаш ва ҳ.к.

Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари самарадорлигини таъминлашда ўқувчилар фаоллигини ва уларнинг имконияти, қобилияти ва бошлангич тушунчаларига ҳамда мавжуд вазиятлар ва шарт-шароитларга мос келувчи, нафақат мазкур жараён субъектлари ҳисобланадаётган ўқитувчи ва ўқувчилар учун, балки ташкилотчилар учун ҳамда самарадорликни таъминлаш жараёнлари иштирокчилари учун ҳам энг қулай бўлган тизимни

вужудга келтириш мувофиқлаштирилган ёндашув технологияларидан фойдаланишни тақозо этади.

Мувофиқлаштирилган ёндашув технологияларини татбиқ этиш асосида ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш натижасида субъектлар фаоллиги таъминланади ҳамда ўқув фаолиятни ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш учун сарф этиладиган меҳнат ва вақт тежалади.

Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларининг аҳамияти унинг натижавийлигига ўз ифодасини топади. Шундай экан, ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда натижалар бўйича бошқарув технологиялари асосидаги ёндашув ҳам ўзига хос амалий аҳамият касб этади. Чунки натижалар бўйича бошқарув технологияларини амалиётга татбиқ этиш ривожлантириш тизими сифатида амал қиласди ва ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг фаоллигини таъминлашга қаратилган қуидаги ишларни амалга оширишни назарда тутади:

- ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларига таҳлилий ва тадқиқий хусусиятларга эга тизим сифатида ёндашиш;

- ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларини яхлит педагогик тизим сифатида лойиҳалаштириш;

- ўқувчиларни ўқиш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолашга ундовчи мотивлар ва мотивлаштириш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш асосида улардадарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминловчи технологияларни амалиётга татбиқ этиш;

- ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнларини лойиҳалаштириш ва моделлаштириш

асосида ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари самарадорлигини ошириш.

Натижалар бўйича бошқарув технологияларини амалиётга татбиқ этишда ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнлари натижаларига мазкур жараённинг барча субъектлари (яъни таълимни бошқарув органлари, таълим муассасаси раҳбарлари, ўқитувчилар, таълим олувчилар, тарбиячилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, жамоавий бошқарув органлари ва жамоатчиликташкилотлари, ишлабчиқаришкорхоналари) да қизиқишлиар шакллантириш, мазкур жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ҳамкорликда фаолият кўрсатиш мухим. Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларини барча субъектларга тегишили ва даҳлдорликка содаташкил этишда корпоратив ёндашув татбиқ этилади ва корпоратив ёндашув асосида тизимнинг барча субъектларининг ҳамкорликдаги фаолияти таъминланади. Корпоратив ёндашувнинг яна бир ўзига хос аҳамиятли томони шундаки, ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнларига этник ва миллий-худудий ёндашув технологияларини татбиқ этишда маҳалла фаоллари ва ота-оналарнинг тажрибалари ва ҳамкорликдаги фаолият ўзига хос амалий аҳамиятга эга бўлади. Билим олишни тарбияга боғлиқлик даражасини унутмаслик керак. Ўтмишда алломаларимиз ҳам буни жиддий таъкидлаганлар ва таълим олишни ахлоқий тарбия деб атаганлар. Шунинг учун ҳам тарбия иши биринчи ўринга чиқиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ёшларни тарбиялашда тарбиявий жараённинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мухим. Чунки таълимда асосий сиймо ўқитувчи бўлиб хизмат қиласди. Унинг билим беришга, ўқитиши методларида, мавзунинг баёнига, дарсга қўйилган мақсад ва вазифаларнинг мазмунига ҳеч ким монелик қила олмайди. Тарбиявий ишларда эса, бунинг мутлақо аксиdir. Тарбиявий таъсирларга қаршилик қилувчи турли кучлар, омиллар мавжуд. Мана

шу маънода таълимнинг тарбиядан фарқини тўғри англаб олмоқ даркор. Чунки, дарс жараёнида педагог ва ўкувчи фаолиятини яхлит қиласидиган асосий жараён бу таълимдир. Мана шу ўринда, тарбия жараёнининг таълимдан фарқли хусусиятларини кўриб чиқиш лозим.

Бу хусусиятлар, аввало, тарбиянинг кўп қирралиги, унда мактаб, оила, ёшларнинг турли уюшмалари, ташкилотлари, кенг жамоатчилик, маҳалла, кино, театр, телевидение, адабиёт, санъат, қолаверса, унинг узоқ давом этиши. Шунингдек, ўкувчи тарбиявий жараёнининг фақат объектигина эмас, балки атрофдаги воқеаларга таъсир этувчи субъект ҳамдир. Энг асосийси тарбия жараёнида қарама-қаршиликларнинг, ғояларнинг кўплигидир.

Ягона педагогик жараёнда тарбиянинг самарадорлигини оширишда юқорида қайд этилган хусусиятларни ҳисобга олиш билан бирга ўзига хос бўлган тамойиллар ҳам борки, албатта бу тамойилларга амал қилиш кўзланган мақсадга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Тарбия методлари ўкувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш мақсади билан белгиланади ва тарбия жараёнига тааллуқли кўпгина таркибий қисмларни ўз ичига олади.

Бир сўз билан айтганда, бу метод тарбиячидан ўкувчиларнинг маънавий-ахлоқий, эстетик ва миллий фазилатларни шакллантириш мақсадида уларнинг онги ва тафаккурига ҳамда иродасига таъсир этиш йўлларини ишлаб чиқиши, замон билан ҳамнафасликни талаб этади. Бу эса таълим муассасалари раҳбарияти зиммасига, барча педагогик-профессор-ўқитувчиларга интерфаол усулларнинг энг янги усул ва шаклларини, янги педагогик технологияларни ўргатиб бориш, иғор тажрибаларни оммалаштириш йўлларини ишлаб чиқиш масъулиятини юклайди.

Глобаллашув жараёнида замонавий таълимнинг олдига турган энг муҳим вазифа ўкувчи шахсининг илм

олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган.

Тарбия тўғрисида эса гап йўқ. Биз жамиятимиз учун кимни тарбиялашимиз керак? - деган савол замонавий педагогика, дидактика, фанларни ўқитиши методикаларининг бош масаласига айланмоғи лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларимизда ўкув жараёнини такомиллаштириш таълимнинг тарбиявий қудратини ошириш билан бевосита боғлиқ. Таълимнинг тарбиявий қудрати эса ўқитувчи шахси, унинг касбий гоявий-ахлоқий фазилатлари, ташкилотчилиги, уддабуронлиги билан узвий алоқадордир. Таълим ва тарбия жараёнининг бир бутунлигини таъминламасдан туриб ўкувчиларга берилаётган маълумотлар сифатини яхшилаб бўлмайди. Тарбия берувчи таълим жараёнининг асосий ташкилотчиси бўлган ўқитувчи худди шунинг учун ҳам жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий кучи, деб баҳоланиши ҳам бежиз эмас. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг сўзи билан амалий фаолияти ўртасида мутаносиблик бўлмаса, унда таълимнинг табиявий таъсири борган сари ўтмаслашиб бораверади.

Узлуксиз таълим тизимидағи ўкув жараёнида таълим олаётган ёшлар муаллимдан нафақат билимларни, балки ундан умуминсоний маданиятни ҳам ўрганиб боришлари лозим. Бошқача айтганда шахсни шахс тарбиялаб бориши ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Минг афсуски, мактабларимизда ўкув жараёни билан шуғулланаётган аксарият ўқитувчиларимизнинг умуминсоний маданиятининг саёзлиги кўзланган натижага эришишга тўқсинглик қиляпти.

Таълимнинг тарбиявий қудрати, тарбия берувчи билан тарбияланувчи орасидаги мулоқот маданиятига ҳам боғлиқ. Ҳар қандай таълим тизимида таълим беришнинг ҳар қандай қудратли восита ва технологиялари, ҳатто замонамизнинг энг нодир ҳисоблаш техникиси ҳисобланган - компьютерлар ҳам ўқитувчи билан ўкувчи орасидаги жонли мулоқотга тенглаша олмайди. Бундай

алоқасиз, жонли мuloқotsiz таълим бериш тизими яроқсиз, натижасиз бўлиб қолаверади.

Таълим-тарбия берувчи билан таълим ва тарбия олувчи орасидаги мuloқot энг аввало сабоқ олувчининг маънавий эҳтиёжи, истаги, орзу-умидлари, хоҳиши ва кайфияти, интеллектуал имкониятиларига таяниши лозим. Шунинг учун ҳам, таълимнинг ташкилотчиси, ўзидан сабоқ олаётган ҳар бир ўғил-қизни қандай шароитдаги оиласда ўсиб-улғайиб келаётганлигини, оиласий тарбиясининг хусусиятларини зудлик билан билиб олиши зарур. Масалан, оиласда ҳар доим янги чоп этилган китоб қаҳрамонининг ижтимоий қиёфаси, ёки кунлик оммавий ахборот воситаларида босилган фалон мақолада кўтарилган муаммонинг долзарблиги ҳақида бот-бот гапириладиган оиласда камол топган бола билан, хонадонида китоб, газета, журналлар анқонинг уруғи бўлган оиласда ўсан боланинг интеллектуал имкониятлари, маданий савиасида катта фарқ бўлиши турган гап. Афсуски, сobiқ совет тузуми мактабларида ўқувчилар ўртасидаги бундай кескин тафовутлар ҳисобга олинмасдан ҳаммага бир хил тошу-тарози қўйилди.

Таълимнинг тарбиявий қудратини белгилаб берувчи энг муҳим мезонлардан бири, узлуксиз таълим тизимини тугатиб мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит ва қизларнинг ҳалол, покиза меҳнат қилишга бўлган мойиллигидир.

Ўқувчиларда меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш билан бирга эл-юрт бойлигига, она табиатга чукур ҳурмат руҳини барпо этиш, ўз-ўзини тафтиш, назорат қилиш, ўзининг кундалик фаолиятини тўғрилик, яхшилик, адолат, эл-юрт, жамият манфаатлари томон бура билиш, бошқара олиш малакасини тарбиялаш таълим бериш жараёнининг кечиктириб бўлмас долзарб вазифаларидан биридир.

Таълимнинг тарбиявий таъсири диапазонини ўқувчининг бўш вақтига кўчириш, унинг самарадорлигини

ошириш узлуксиз таълим тизимининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлмоғи лозим.

Дарсдан кейин амалга ошириладиган тарбиявий жараённи бошқармоқ учун унинг бошқарувчиси юксак профессионал билимга, тажриба ва малакага эга бўлмоғи лозим. Бундай масъулиятли мураккаб ижтимоий механизмни бошқаришни тарбия тизимини яхлит тасаввур қила олмайдиган, унинг структурасини билмайдиган кишилар қўлига топшириб қўйиб бўлмайди.

Масаланинг кўзга кўринмас иккинчи тарафи ҳам борки, тарбия билан шуғулланувчи ўша дипломли мутахассис олий педагогик таълим муассасаларида етарли тайёргарликка ва малакага эга бўлмаган бўлса-чи? Уларда замонавий талаблар асосида баркамол инсонни тарбиялашдек, жамиятни узлуксиз ривожланишини таъминлашга йўналтирувчи, юксакликка етакловчи интеллектуал салоҳият бўлмаса, номигагина "мутахассис" бўлганларга тарбия жараёни билан шуғулланишга рухсат этмаслик мақсадга мувофиқдир.

Узлуксиз таълим тизими ва жумладан, мактаб олдига жамиятимиз учун ана шундай баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун ўқувчиларнинг илмий-билиш фаолиятларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларнинг илмий-билиш фаолияти омиллари:

– ўқувчини кузатиш, унинг фаолиятини ташкил этиш; бунда ўқувчининг илм олишга бўлган тайёргарлиги, яъни унинг ақлий, жисмоний ҳамда руҳий жиҳатдан ДТС талаблари асосида тақдим этиладиган ўқув юкламаларни қабул қила олиш қобилиятларни шаклланганлик даражасига эътибор бериш муҳим жиҳат ҳисобланади. Кузатиш жараёнида ўқувчининг таълим олиш лаёқати аниқланади. Болада аниқланган нуқсонларга тиббий, педагогик ва психологияк жиҳатдан ташхис қўйилиб, отоналар, тиббиёт ходимлари, мактаб психологи ҳамда ўқитувчилар ёрдамида бартараф этиш чоралари кўрилади

ва ўқув фаолияти унинг имкониятларидан келиб чиқиб ташкил этилади. Акс ҳолда ўқувчи билим олишдан тезда зерикади ва безийди.

Ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш; ҳар жиҳатдан ўқувчи шахси аниқланиб, унинг имкониятлари, қизиқиши, илмни эгаллашга бўлган интилиши, фанларни ўзлаштиришдаги қобилияtlари эътиборга олиниб, таълим жараёни ўқувчи шахсига йўналтирилади. Бунда фан ўқитувчиларисинф раҳбарлари, мактаб психологи ва ота-оналар билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари зарур. Боланинг маълум бир туркум фанларга бўлган қизиқишини қўллаб-кувватлаш, қизиқиши сустроқ бўлган фанларга қизиқтириш имкониятларини шакллантириш йўлларини излаш лозим. Бунда ўқувчининг иқтидори, интеллектуал қобилиятини ривожлантириш асосий вазифа этиб белгиланади.

Ўқувчидаги билиш эҳтиёжининг пайдо бўлиш магнитларини шакллантириш; Ўқувчидаги билим олишга бўлган эҳтиёжни пайдо бўлиши, уни шаклланганлик даражаси, қизиқиши каби боланинг шахсий хусусиятлари ва яратилган шарт-шароитлар билим олишга бўлган эҳтиёжни таъминлайди, илмий-билиш қобилиятларини шаклланишига ижобий таъсир этади. Билиш мумкинлиги тамойилига мувофиқ, келажакни билиш, жараённи билмасликдан билишга, кам билишдан кўпроқ билишга интилишга йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув-билув жараёнида ўқувчининг ўзига хослигини педагогик қўллаб-кувватлаш чораларини ривожлантириш; Ўқувчининг ўзига хослигини ижтимоий-педагогик қўллаб-кувватлаш шахснинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Турли хилдаги характерга эга бўлган болалардаги қобилият, қизиқиши, имкониятлар ва шарт-шароитлар улар шахсини педагогик қўллаб-кувватлаш орқали кўзланган мақсадга эришиш имконини беради. Бунинг учун ҳар бир ўқувчининг шахсини ҳурмат қилиш, таълим ва тарбиянинг инсонпарварлигини таъминлашга

эришиш лозим. Таълимий ва тарбиявий ёндошувлар, маданий таълим муҳитини яратиш, шахсга йўналтирилган ахлоқий меъёрларни болага сингдириш орқали уни ҳаётга, яшашга ўрганишга қизиқтиришни таъминлаш зарур. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб бориш, ўқувчига педагогик ёрдам кўрсатиш ва ўқув-билув жараёнида уни педагогик қўллаб-кувватлашнинг қуляй шакл ва дидактик имкониятларини излаб топиш лозим. Ўқув-билув жараёнида ўқувчи фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш учун энг самарали механизмларини излаб топиш керак бўлади.

Ўқувчи шахсини ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг жисмоний ҳамда руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш; Ўқувчи шахсини ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш – ҳар бир жамият аъзосини маърифатли, маданиятли, маънавиятли ва онгли инсонлар бўлиб етишишини таъминлаш омилидир. Келажагимиз ворислари бўлган ёшларни баркамол инсонлар бўлиб етишишида ахлоқий тарбия етакчи омил ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ахлоқий тарбияси ҳар бир педагогик ходимнинг диққат марказида бўлиши, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигига амалга ошириладиган жараённинг натижасидир.

Узлуксиз таълим тизимининг биринчи босқичи бўлган мактаб таълими жараёнида ўқувчиларнинг жисмоний ҳамда руҳий жиҳатдан соғликларини муҳофаза қилиш уларнинг шахс сифатида камол топишида муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун ўқувчиларнинг жисмоний ҳамда руҳий зўриқишлирага йўл қўймаслик, ўқув юкламалари болаларнинг санитария-гигиеник меъёрларига мос бўлиши, синфхоналар ва бошқа ўқув хоналарида ёруғлик, ҳаво ҳарорати меъёрида бўлиши, ўқув жиҳозлари ўқувчиларнинг ёши, гавда тузилишларига тўғри келиши шарт. Рухсат этилмаган оғир жисмоний меҳнатларга жалб қилмаслик, ўқув жараёнида ақлий ва руҳий жиҳатдан

зўриқишиларга йўл қўймаслик ўқувчилар соғликларини муҳофаза қилишнинг зарурий шартлардан бири ҳисобланади.

“Таълим тўғрисида”ги қонунда белгилаб берилган меъёрий талаблар асосида таълим мазмунининг минимал даражасини ўзлаштириш учун барча шароит ва имкониятларнинг яратилиши зарурий талаб ҳисобланади.

Ҳар бир ўқувчининг ўзига хослигини сақлаб қолиш, ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва унинг тараққиёт даражасига муайян талаблар қўйиш; Жамиятда инсонларнинг ривожланишида ўзига хослик хусусияти муҳим омил ҳисобланади. Мактабда таҳсил олаётган мурғак қалбнинг ўзига хослигини ўрганиш орқали унинг келажагини башорат қилиш мумкин бўлади. Боланинг ўзига хослиги кўп жиҳатдан у тарбияланаётган оиланинг илмий, касбий, маданий салоҳиётига боғлиқ бўлади. Халқимизнинг “Куш уясида кўрганини қиласи” деган мақоли бежиз айтилмаган.

Боланинг қизиқишида, идрок эта олиш, тасаввур ва тафаккурлаш қобилиятида, характеристида кўзга ташланган дастлабки куртакларни парвариш қилиш, тўғри йўналтириш, ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, унинг ўзига хос инсон бўлиб етишиши учун катта имкониятдир. Бу имкониятдан баҳраманд қилиш оила, таълим муассасаларининг асосий вазифаларига киради. Боланинг ҳаётини, уни ички, ахлоқий-маънавий, умуммаданий ўсиб ривожланишига кўмаклашиш орқали камолотга етказишини таъминлаш зарур. Ўқувчи шахсини ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг жисмоний ҳамда руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш ҳар бир боланинг ўзига хослигини сақлаб қолиш, ривожлантириш, қўллаб - қувватлаш унинг тараққиёт даражасига муайян талаблар қўйиш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда унга риоя қилиш муҳимдир.

Барча ўқув фанларидан таълим мазмунини гуманитарлаштириш билан боғлиқ бўлган талабларни

белгилаб олиш; Маълумки, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган ўқув предметлари болаларнинг ҳар томонлама: ақлий, жисмоний, руҳий ривожланишларида муҳим ўрин тутади. Фанларга илк қизиқишиб ҳам мактабдан бошланади. Ўқув фанларидан бериладиган таълим мазмунини ижтимоийлаштириш орқали билим, қўникма ва малакаларни ўқувчиларнинг зарурий эҳтиёжларига, манфаатларига айлантириш, ақлий қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Чунки, таълим мазмунида биринчи навбатда ижтимоий буюртма ўз ифодасини топади.

Ўқувчи шахсининг умумий ривожланишига йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этиш ўта муҳим масалалардан биридир.

Таълим мазмунининг шахсга йўналтирилганлигини таъминловчи йўналишларни кенгайтириш, ҳар бир ўқувчининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантирувчи таълимга аҳамият бериш зарур.

Шунингдек, замонавий гуманистик йўналишдаги психологиянинг ғояси ҳам ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишдан иборатдир. Шахснинг ўзига хос яхлитлигини таркиб топтиришда ўқув-билув жараёни муҳим омилдир. Бу жараён илмий-методик ҳамда моддий-техник жиҳатдан тўла таъминлангандағина самарали натижалар беради. Ўқувчидабилиш эҳтиёжининг пайдо бўлиш мотивлари ҳам ана шу шарт-шароитлар натижасида вужудга келади. Буларнинг барчаси ўқувчи шахси ривожланишининг психологик, педагогик, дидактич йўналишларини белгилайди.

Ўқувчи шахсига умуминсоний маданиятни сингдиришга йўналтирилишига эришиш; Таълимнинг вариативлиги ҳамда ўқувчи шахсига умуминсоний маданиятни сингдиришга йўналтирилишига эришиш ҳам дидактикада муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалардан биридир. Муайян ўқув предмети воситасида дунёнинг яхлит тарздаги манзарасини ифодалаш талабига ҳам таълим мазмунини белгилашда, дарсликлар яратишида

риоя қилиш талаб этилади. Асосий ғоялар ва дидактик тамойиллар инсонпарварликка интилиш педагогик-психологик маълумотларга асосланган ҳолда ўқувчилар таълим олиш жараёнида билим олиш лаёқатига эга эканликларининг қай даражадалигини аниқлаш лозим. Шундагина улар учун етарли педагогик, дидактик, моддий-техник шарт-шароитларни мақсадга мувофиқ тарзда яратиш мумкин. Бу эса уларнинг билим даражасининг юқори бўлишининг асосий омилидир. Уларнинг билишга бўлган интилиши ва даражасининг юқори бўлишининг асосий омилидир. Ўқув жараёнини муваффақиятли кечиши, ўқувчиларнинг илмий-билиш фаолиятларини ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини яратиш жараёнида ўқувчиларнинг илмий-билиш тамойилига асосий таъсир этувчи омил сифатида қараш зарур бўлади.

Ўқув-услубий меъёрий мажмуалар (ДТС, ўқув дастурлари, дарслеклар ва ҳ.к.)ни ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиш даражаларига мос ҳолда яратиш; Ўқувчиларнинг ҳар бир ёш даврида хос ўқув юкламасини тақдим қиласиган ўқув-методик мажмуалар зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Таълим жараёнига бундай ёндошув ўқув жараёнини самарали кечишининг муҳим шарти ҳисобланади. Чунки, боланинг ёши, унинг тажрибасинитавсифловчибошомилдир. Уларнинг билишга бўлган интилиши ва даражасининг юқори бўлишининг асосий омилидир. Ўқув жараёнини муваффақиятли кечиши, ўқувчиларнинг илмий-билиш фаолиятларини ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини яратиш жараёнида ўқувчиларнинг илмий-билиш тамойилига асосий таъсир этувчи омил сифатида қараш зарур бўлади. Ана шундай бевосита ўқувчилар руҳияти билан боғлиқ бўлган масалаларни эътиборга олиниши кўзланган мақсад сари одимлаш учун шароит яратади.

3.2. Модернизациялашган таълим шароитида кластер технологиялари асосида ўқув-тарбия фаолиятини такомиллаштиришда педагоглар ҳамда ўқувчилар ота-оналари ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари

Одатда оила деган тушунча нимани англатади? Унга қандай таъриф бериш мумкин? Оила никоҳга ёки туғишганликка асосланган жамиятимизнинг кичик гурӯҳи. Унинг аъзолари ота-она бошчилигида рўзғорнинг бирлиги, ўзаро ёрдами ва маънавий масъулияти билан бир-бирига мустаҳкам боғланган. Оиланинг энг муҳим ижтимоий оламшумул вазифалари инсон зотини давом эттириш, фарзандларни тарбиялаш, оила аъзоларининг турмуш шароити ва бўш вақтини самарали уюштиришдан иборатдир¹. Афлотун оила ҳақида шундай фикр беради: «... Урф-одатлар, уларнинг оталардан фарзандларга қандай ўтиши ҳақида ҳам маълумот беради. Агар бужараён бирлик-бирдамликни идрок этишига олиб келадиган бўлса, у ҳолда, турли ҳаёт тарзидағи одамларни, катта, обрўли оилаларнинг табаррук ёшдаги оталар ва фарзандларни фароғат келтирадиган бирдамликка бирлаштирадиган қонунлар яратишга мажбур этади» [20].

Оила тарбиясида болалар ҳаётини тўғри уюштириш, уларни вақтдан тўғри ва унумли фойдаланишининг асосий гаровидир. Боланинг оиладаги вақтини ўйин фаолиятига тўғри тақсимлаш ниҳоятда муҳимдир [31]. Келажагимиз бўлмиш ёш авлод тарбияси ва унинг тараққиёти давлат аҳамиятига молик масала ҳисобланади. Аввалги қабул қилинган қонун вақоидалардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонунида оила ва оиладаги таълимга асос солинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг (XIV боб. Оила, болалар ва ёшлар) 77-модда. «Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида

ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради».

Оилавий тарбия деганда ота-оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзлари асосида бола шахсида илмий дунёқараш асослари, ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида тизимли таъсир кўрсатиш жараёнига айланади. Бунда ижтимоий ва маънавий ҳаёт таъсирида оиланинг ўзи ҳам янгиланиб бораётганини эсдан чиқармаслик лозим. Оилалар республикамиз шаҳар ва қишлоқларининг ягона ижтимоий иқтисодий умумийлиги асосида ривожланмоқда. Айни пайтда оилавий ҳаёт ва оилавий тарбия ўзининг миллий хусусиятларига ҳам эгадир. Бу эса ўз навбатида оилавий тарбия методлари ва мазмунининг умумий ва хусусий томонлари ривожида яққол кўзга ташланади. Инсон табиий хислатларга эга — булар ундаги хулқ-автор ва хатти-ҳаракатларга сабаб бўладилар, деб тушуниради.

Соҳиби қонун бу хислатларни назарда тутиши, уларни тузатиши, шу хислатларни тузатувчи қонунлар чиқариши керак, чунки бу билан соҳиби қонун фуқаронинг хулқ-авторини ҳам тузатади. Роҳатланиш, дард чекиш ва қайғуриш асосий табиий хислатлар ҳисобланади, улар туфайли фазилатлар ва иллатлар ўзлаштирилади. Ва ниҳоят, балоғат ва билимларга, яъни ривожланишга тарбия ва машқ орқали эришилади [15].

Масаланинг мураккаблиги ва қимматли томони шундаки ўқитувчи-тарбиячи, ҳалқ таълими ходимлари, кенг жамоатчилик оилавий тараққиёт, унинг ривожланиш оқибатларини олдиндан билиш, уларни ҳисобга олган ҳолда оилавий тарбиянинг назарий ва амалий асосларини педагогик жиҳатдан тўғри изоҳлаш ва тегишли методик тавсиялар беришлари лозим. Республикализ ўзининг

демографик, этник миллий, шарт-шароитлари жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга, бу, айниқса, аҳолининг зич жойлашганилиги ва интенсив кўпайишидир.

Республикамизнинг маънавий ҳаёти ва унинг ўзига хос томонлари муттасил ривожланмоқда, уларнинг оиласи тарбияга таъсири кучаймоқда. Шаҳарларнинг кўпайиши, ўсиши, яшаш шароитининг яхшиланиши, маданий ва моддий томондан юксалиши оилаларнинг юксалиши ва болаларнинг ҳар томонлама етук кишилар бўлиб камол топишиларига сабаб бўлмоқда, ёрдам бермоқда. Кўп болалилик нисбатан камайиб бораётганига қарамай, ҳали ҳам бу кўрсаткич ўз кучини йўқотган эмас. Педагогик жиҳатдан олганда эса кўп болалили оилаларда ота-оналар, болалар учун яққол намуна бўлиб хизмат қиласидар. Халиқимиз «Болали уй бозор, боласиз уй мозор» деб бежиз айтмаган. Ўзбекистонда бир суткада 2000 га яқин ўғил ва қизнинг туғилиши фикримизнинг яққол далилидир [20].

Оилада ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, бир-бирига ишонч ҳолати мавжуд экан, бундай оилада ростгўй, самимий, меҳрибон, ўртоқларига доимо ёрдам беришга тайёр бўлган инсонлар камол топади.

Оилавий турмуш ва оила аъзоларининг ўзаро муаммоларини тадқиқ килган венгер социологи М.Комлоши [33] 10-14 ёшдагимактабўкувчиларининг гўқиши ва меҳнатга бўлган муносабатига бевосита таъсир қилувчи оилавий мухит (вазият, шароит) ни учта категорияяга ажратди: ижобий, ўзгарувчан ва салбий. Рус психологи В.И.Селиванов [34] оилада шахсни шакллантириш жараёнини ўрганиб, баҳтили болалик оиладаги қувончли ҳамжиҳатликнинг ҳамда ота-оналарнинг ўз болаларига ғамхўрлигининг самарасидир, деган хulosага келади.

Юқорида келтирилган тадқиқотчи-олимлар кузатишлари шуни кўрсатмоқдаки, ёшларда катталарнинг хатти-ҳаракатлари, ахлоқий фазилатларига танқидий муносабатда бўлиш ҳисси кучли бўлади. Шу жиҳатдан қараганда тинч-тотув яшайдиганларнинг оилаларидаги

болалар ҳам шу оиласда мавжуд бўлган ахлоқий хислатлар, хушмуомалик, одоблилиқ, катталарга хурмат, кичикларга ғамхўрлик қилиш, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро хурмат, айниқса аёлларга нисбатан кўрсатиладиган ғамхўрлик каби ижобий фазилатлардан намуна олиб, вояга етадилар.

Оила жамият ҳаётини олға сурувчи, уни янада юксак босқичларга қўтариб, равнақ топтирувчи, келажак авлодларни тарбиялаб етиштирувчи, камол топтириш учун масъул бўлган ғоят муҳим бошланғич гуруҳдир. Оила эркаклар ва аёлларнинг тўлиқ тенгхуқуқлиги, оила учун баб-баравар жавобгарлиги асосида қурилади. Юқорида таъкидланганидек, оиласдаги даромадларнинг ошиши, бир томондан ота-оналарнинг билим савиялари ва маданий ҳаётларининг яхшиланишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, оила аъзоларининг юқори маънавий эҳтиёжларининг ижобий шаклланиши, оилавий муносабатларнинг такомиллашуви, бойишига, катталар ва кичиклар орасидаги мулоқот мазмунига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш давр талабига айланиб бормоқда.

Оила ва оилавий тарбия муаммолари ичida ота-оналарнинг тарбиячилик компетентлиги ва маданиятини ошириш ва уларга умумий фарзанд тарбиясига оид билим бериш, кўнишка ва малакаларни ҳосил қилиш давримизнинг кечикитириб бўлмайдиган долзарб масалаларидан биридир. Оилаларни таълим ва тарбияга оид педагогика фани ютуқлари билан доимий таништириб бориш оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Иккинчи томондан эса, бу ўз навбатида, болаларнинг баркамоллик тарбиясида тегишли шакл ва методларни такомиллаштириш йўлларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ота-оналар, улар ўрнини босувчилар, яъни оилаларни тарбияга оид педагогик-психологик билимлар, тарбия методлари билан қуроллантириш ниҳоятда зарур.

Жамиятимиздаги ҳар бир тўла қонли шахс болаларнинг тарбиячиси бўлиши, янги инсонни ҳар томонлама камол топтирувчи барча ҳолатлар, шарт-шароитларда иштирок этиши лозим. Қадим ўтмишда ҳам педагоглар тарбияни мақсадга мувофиқ ташкил этиш шарт-шароитларидан бири ота-оналарнинг саводхонлигига, деб ҳисоблаган эдилар.

Масалан, Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» номли асарида шундай дейди [15]: «Тарбияни кимлар қилур? Қаерда қилур?» деган савол келадур. Бу саволга биринчи уй тарбияси, бу она вазифасидир.

Иккинчидан мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, муддарис ва ҳукумат вазифасидур деб жавоб берсак, бу киши деюрки «қайси оналарни айтурсиз, билимсиз, боши пахмоқ қўли тўқмоқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қандай олиб берурлар», дер. Отасига нима дерсиз, десак «қайси ота? - Тўйчи, улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари қиймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқитмак, тарбия қилмоқ лозимдир» [16]. 1899 йилдаёт оилалар ва аёлларни тарбиячилик ишига тайёрлаш, уларни тарбиянинг мезони ва методлари юзасидан ўқитиш зарурати кўтарилган эди [30].

Ҳаётимизнинг кўрсатишича, тарбияга оид билимларни тарғиб қилиш орқалигина оилавий билан ижтимоий тарбия уйғунлигини таъминлаш мумкин. Бу ишларни амалга оширишда тарбияга оид газета ҳамда журнallар ва уларда босилган тарбияга оид мавзулардаги мақолалардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Демак, оила ҳаётини тарбиявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиш учун ўқитувчилар, кенг жамоатчилик педагогика фани орқали аҳолига ёрдам бериш, ота-оналарга тарбиявий билим бериш тизимини ишлаб чиқишилари лозим. Педагог олим В.А.Сухомлинский [24] ўз тадқиқотларида исботланганидек, оилавий тарбияга доир ишлар қуйидаги

шароитларда бажарилса, унинг самарадорлиги янада ошади:

1. Мактаб ўзининг барча таъсирлари мажмунин оиласи тарбия жараёнига изчил йўналтира олса.

2. Ўқувчилар жамоаси оила билан ўзаро ҳамкорлиги даврида ўзларининг етук педагогик-тарбиявий талабларини тўғри ташкил эта олсалар.

3. Халқ таълими бўлими ва муассасалари ташкилотчи ота-оналарни тарбиявий жараёнга жалб эта олсалар.

4. Ўқитувчилар томонидан оиласи тарбияга раҳбарлик болалар мактабга келмасдан олдин бошланса ва бу иш уларнинг барча ўқув йилларида давом эттирилса.

Хозирги кунда республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида баркамол авлод тарбиясига оид билимларни тарғиб қилишда қўйидаги шакл ва воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- аҳоли учун ташкил этилган «Маънавият ва маърифат» марказларида тарбия маданиятини тарғиб қиливчи халқ университетлари фаолиятини зарурӣ талаблар асосида қайта ташкил этиш;

- Узлуксиз таълим тизими бошқарув органлари томонидан ташкил этилган (мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда) ота-оналар университетлари ишларини янги замонавий талаблар асосида, аниқ эҳтиёжлардан келиб чиқиб ташкил этиш;

- ОТМлар қошида очилган ота-оналар лекторийси фаолиятини жонлантириш орқали педагогик жамоалар ва ота-оналар учун тавсиялар, методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, уларни амалиётга тадбиқ этишини ташкил этиш;

- ҳудудларда турли даражадаги ва доимий семинар-тренинглар, конференцияларда фарзанд тарбиясига оид маърузалар билан олимлар, тажрибали педагог ва ота-оналарни жалб қилиш;

- маҳаллаларда ота-оналар учун маҳсус курслар, тарбиявий ҳуқуқий билимлар мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш;

● ота-оналар учун педагогик-психологик билимлар ва болалар ривожланишига доир масалаларни тарғиб қиливчи ва ўрганувчи тўгаракларни ташкил этиш.

Бу ва шунга ўхшаш илмий-таълимий ишларни руҳшунослар, педагоглар жамиятлари, мактаб ота-оналар қўмитаси, маҳалла, ёшлар ташкилотлари, ҳуқуқни ҳимоя қиливчи органлар, оиласа ёрдам берувчи кенгашлар, олиб боради. Бу ишларнинг умумий назорати туман-шаҳар ҳокимлари томонидан қатъий назоратга олинишини давр тақоза этмоқда.

Шахснинг мустаҳкам тавсиф ва қатъий ироди эгаси бўлиб вояга этишида меҳнатнинг аҳамияти катта [1]. Агар ота-оналарга умумий таълим-тарбия беришда олимларнинг тавсиялари, оиласи тарбияга доир халқ педагогикаси тажрибалари, шаҳар-туман ташкилот, муассаса ва корхоналари, қишлоқ меҳнат жамоалари, шунингдек, меҳнат вауруш фахрийларининг маслаҳатлари, учрашувларидаги тавсияларига таянилса, ишнинг самарадорлиги янада ошади. Тарбиявий маданиятнинг самарадорлигини оширишда мактабларда ўтказиладиган ота-оналар мажлиси муҳим аҳамият касб этади. Мактаб ўқитувчилари ота-оналар мажлисига пухта тайёргарлик қўришлари зарур, уни шунчаки ҳозиргидек расмиятчилик учун ўтказиш умуман мақсадга мувофиқ эмас. Глобаллашув жараёнида ёшлар тарбияси барча бошқа масалалардан қўра муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган муаммо эканлиги кенг жамоатчилик томонидан шунчаки эътироф этиш эмас, балки зарурӣ шарт эканлиги ва муаммони ижобий ҳал этиш учун ижодий изланишлар қўллаб-қувватланиши керак.

Мактабларда ота-оналар йиғилишларини ўтказиш педагогик жамоаларга катта масъулият юклайди. Муҳокама этиладиган масалаларга алоҳида тайёргарлик қўриш, педагогик жамоа мажлисдан олдин мактаб, синфларни тартибга солиш, ўқувчиларнинг чорак, ярим йиллик ва ҳоказо таълим-тарбия натижаларига бағишлиб

кўргазмалар ташкил этиш, ҳар бир ота-онага тегишли маълумот ва кўрсаткичларни яққол ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазмунли ва масъулиятли ташкил этилган синф мажлисларида тарбияга оид фикр-мулоҳаза, кенг мунозаралар бўлади. Ота-оналар мажлисига ўқувчиларнинг маълум даврдаги фанларни ўзлаштириш ва тарбияланганлик кўрсаткичлари ва ўқув-тарбия ишларига доир зарурий масалалар киритилиши лозим. Педагоглар шу даражада пухта тайёргарлик қўришлари керакки, ота-оналар мажлисида иштирокчиларга мотиватсия берадиган, уларни қизиқтира оладиган аниқ ва равshan масалалар қўйилиши фоят даражада муҳимdir.

Ана шу ўринда педагогик инновацион таълим кластери тамойилларидан кенг фойдаланиш муаммони ечимини топишнинг қулай усули бўла олади. Мактабда ташкил этиладиган ота-оналар йиғилишларига вазиятдан келиб чиқиб, ёшлар тарбияси учун масъул бўлган жамоатчилик вакиллари, маҳалла, ёшлар ташкилотлари, хукуқни ҳимоя қилувчи орган ходимлари, ота-она фаолият кўрсатадиган корхона, ташкилот ва муассаса раҳбар ходимларини таклиф этиш самарали натижা беради. Чунки тарбия ҳамманинг иши, баркамол авлод тарбиясига ҳамма масъуллигини унутмаслик керак. Ана шундай тартиб ва масъулият билан олиб борилган таъсирчан тадбирлар ўзининг ижобий натижасини бериши шубҳасизdir. Мактаб педагогик жамоаси таклифларини менсимайдиган ёки доимий эътиборсиз қолдирадиган турли тоифадаги ота-оналарга маҳалла, корхона, ташкилот раҳбарлари орқали таъсир кўрсатиш тажрибаларимизда ўзини оқлади. Масалан, Қарши шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олаётган 973 нафар ўқувчилар ота-оналаридан 96 нафари доимий равишда мактаб ота-оналар йиғилишларига иштирок этмасдан келганлиги аниқланди. Мактаб директори Аброр Муродов бизнинг тавсияларимизга мувофиқ ўша ота-оналар меҳнат қиласидиган корхона ва ташкилотларга, маҳалла раҳбари,

участка инспекторига хат йўллаб, уларни фарзандлари ўқийдиган мактабга ташриф буюришга кўмаклашишни ёраб мурожаат қилди. Орадан бир ҳафта ўтиб ўша ота-оналар фарзандлари ўқийдиган синфларда йиғилиш белгиланди. Қарангки, айрим ота-оналар мактаб раҳбаридан хафа бўлиб, «Шуни раҳбаримизга, маҳаллага айтиш шартмиди, участка инспектори бир ҳафтадан буён тинчлик бермайди. Корхона раҳбаримиз ҳам кўпчилик олдида изза қилди» деб гинахонлик ҳам қилишди. 81 нафар фарзандлари келажагига бефарқ бўлган ота-онадан 65 нафари келди. 16 нафар ота-оналар келмади, уларнинг оталари хорижда ишлаш учун кетганлиги маълум бўлди. Шу аҳамиятлики, ўша ота-оналар доимий равишда синф, мактаб миқёсида ўтказиладиган тадбирларнинг фаол иштирокчиларига айланди. Улар фарзандлари хулқи ва дарсларга бўлган интизоми ҳам аста-секин ўзгарди. Уч йил (2021-2023) давомида олиб борилган кузатувлар натижаси ўлароқ, ўша оталарнинг фарзандларидан 12 нафари ОТМ га, 18 нафари техникумларга ўқишга кирди. Битта мақсад сари кўпчиликнинг бирлашиши натижаси шундай якун топди.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини мактабдаги фаолияти натижалари билан танишиб бориши ва ўзи учун келажак вазифаларни белгилаб олишлари зарур бўлади. Тадбирда ҳаммага намуна бўлаётган одоб-ахлоқли, аълочи ва намунали хулқ соҳиблари бўлган ўқувчиларни номманим айтиб, ота-оналарга ташаккурлар билдириш, оқсаётганларга эса огоҳлантириш ва ўша ота-оналар билан индивидуал ишлаш, аниқ тавсияларни бериш, амалий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш зарур. Бундай тадбирларга маҳалла фаолларини жалб этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки оилалар худудий жиҳатдан маҳаллаларда яшайди, маҳалланинг жамиятдаги ўрни, тинчлиги ва барча кўрсаткичлар бўйича туман ва шаҳар миқёсидаги салоҳияти маҳалла раҳбарлари учун ҳам бефарқ эмас. Маҳаллада нотинч оилалар бўлиши, кам таъминланганлик

ва турли «дафтарлар» га киритилган оилалардаги аҳвол, камбағалликни қисқартириш учун ҳукумат томонидан олиб борилаётган сиёсатга мос ҳолда ишлаш маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари учун ҳам бефарқ эмас. Аммо мактаб раҳбарларининг масъулиятсизликлари оқибатида маҳалладаги масъуллар билан ишлаш талабга жавоб бермаслиги бу ҳам ҳақиқат.

Эътироф этганимиздек, Янги Ўзбекистон шароитида ўқув-тарбия муассасаларида инновацион педагогик таълим кластери моделини фаол тадбиқ этиш зарурати пайдо бўлди. Маълумки, тарбия умуммиллий, умумдавлат аҳамиятидаги, давлат сиёсати даражасига кўтарилиган масала. Тарбия ҳамманинг иши бўлмоғи лозим. Жамиятда баркамол авлодни тарбиялашдан кенг жамоатчилик манфаатдор бўлади. Ана шу нуқтаи назардандан ёндашиш давлат сиёсатига мос ва хос бўлиши зарур.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2023 йилнинг 29 августида «Мактабларда таълим сифатини оширишга қаратилган устивор вазифалар» тўғрисида ўтказган селектр йиғилишида мактаблар уч томонлама: мактаб, ҳокимият, ота-оналар шартнома асосида ишолиб боришини таъкидладилар. Юртбошимизнинг бу таклиfinи қўллаб-куvvatлаган ҳолда биз шу шартномага ота-оналар меҳнат қиладиган давлат, нодавлат ташкилот, корхоналарини кўшишни ҳам тавсия қиласиз.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ахлоқан пок, маънавий етук, ватанпарвар, ва меҳнатсевар қилиб тарбиялаш учун барчатадирларданунумли фойдаланиш лозим. Маълумки, бола мактабга келгунга қадар ҳам, мактабда ўқиш даврида ҳам асосан оиласда тарбияланади. Оила боланинг дунёқарashi, хулқи ва дидига таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдаги энг биринчи вазифалари болаларнинг соғлигини сақлашdir. Айниқса, ота-оналар ўзларининг меҳнат фаолиятлари, хулқ-атворлари орқали намуна бўлишлари лозим. Ўзаро оиласи жамоада яхши сўзлашувни ташкил этиш ҳам

мақсадга мувофиқдир. Болалик ва ўсмирик давридаги шахс психик ривожланишидаги дисгармониянинг аксарияти асосида оиласи жамоатчиликни ўзаро муносабатлардаги «огиш» ётади [16].

Одатда, ота-оналар ўз фарзандларига мактаб ўқув вазифаларини талаблар даражасида бажарилишини таъминлаш учун қуидаги тавсияларга қатъий риоя қилишлари тавсия этилади:

- ўқувчининг машғулотларга тайёрланмасдан келиши ва дарсларга кеч қолишига йўл қўймасликлари учун назорат ўрнатиш;

- оиласда ўқувчининг уй вазифаларини тайёрлаши учун етарли шароит яратиш, ўқув қуроллари билан таъминлаш, вазифаларни белгиланган вақтда бажариш қўнимасини шакллантириш;

- уй вазифасини бажаришдаги қийинчиликларга ёрдам бериш, зарур ҳолларда ўқитувчиси билан маслаҳатлашиш, вазифани бажара олмаганлиги учун койимаслик, аксинча яхши маслаҳатлар билан кўнглини қўтариши лозим;

- кунлик дарсларга иштирокини қатъий назоратга олиш, қандай баҳоларни олганлиги, нега паст баҳо олганлигини сўраб суриштириш, аъло баҳо олган бўлса болани мактаб қўйиш орқали рағбатлантириш, келажакка умидворлик сўзлари билан олқишилаб қўйиш;


- бола ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, адолатли бўлишга ўргатиш;

- оила шаънини ҳимоя қилишга, ота-оналарни уялтиримасликка ўргатиш;

- ўқувчини виждонли варостгўй бўлиши, вазифаларни мустақил ишлашдан бўйин товламасликка ўргатиш лозим ва ҳоказо.

Оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги бугунги куннинг долзарб масаласидир. Чунки бола тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигининг ўзи мураккаб жараён бўлиб, бунда муаллимлардан ташқари

ишлиб чиқариш жамоалари вакиллари, ёшлар, касаба уюшмалари иштирок этадилар. Ота-оналар томонидан ўз фарзанди шахсининг нотўғри баҳоланиши ва нотўғри идрок этилиши, унга нисбатан ўйламасдан ҳаракат қилиш, шунингдек, ота-онанинг хулқ-атвори болалардаги кўпчилик оғишларнинг сабаби ҳисобланади [18]. Ота-оналар ва қариндош-уруғлар турли меҳнат жамоаларининг вакиллари бўлиб, ишлиб чиқариш ва ёру-дўстларининг маънавий ҳаётларида муаммоларни муҳокама қиласидар, уларнинг ҳаёт, санъат, оиласидар мажбуриятларга бўлган муносабатлари ҳақида гапирадилар. Шу сабабли ҳам мана шундай оиласидар тарбия топаётган болалар бошқа ота-оналарнинг кўчада, жамоат жойларидаги ҳаёт фаолиятларига қараб ўз ота-оналарига баҳо берадилар.



Ўзбек оиласидар, уларнинг ҳаёт тарзида ижтимоий воқеалар натижасида ижобий ўзгаришлар қилиш учун янги самарали йўл ва методлар қидирилмоқда. **Ҳар бир ота-она фарзанди таълим олаётган мактаб жамоасининг гаъзоси ҳисобланади.** Ота-оналар орасида турли касб эгалари ва жамоатчи фаол инсонлар бор. Улар умумий мажбурий таълимни амалга оширишда мактабнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлашда ёрдам берадилар. Мактаб билан ота-оналарнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида ота-оналар қўмитаси ташкил қилинади. Бу қўмитага мактаб директори раҳбарлик қиласидар. Бундан ташқари, ҳар бир синфда ҳам синф ота-оналари қўмитаси тузилади. Уларнинг иш мазмуни ота-оналар қўмитаси тўғрисидаги низомда белгиланган. Синф ота-оналар қўмитасининг раиси мактаб ота-оналар қўмитасига аъзо қилиб олинади. Мактаб ота-оналар қўмитаси аъзоларининг сони ҳар бир мактабнинг катта-кичиклиги, иш шароитига қараб ота-оналар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Мактаб ота-оналар қўмитаси аъзоларига мактабни оталиқча олган ташкилотнинг вакиллари ҳам киритилади. Кундалик ишларни бажариш ҳамда ота-оналар қўмитаси ва назорат ишларига раҳбарлик қилиш учун мактаб ота-оналар қўмитаси раиси ҳамда унинг ўринбосари, котиби ва 5-7 аъзодан иборат ҳайъат сайланади. Қўмита аъзолари умумий мажбурий таълимни амалга ошириш, мактаб ёшидаги болаларни ҳисобга олиш, уларни мактабга жалб қилиш, мактабни тамомлагунга қадар муваффақиятли ўқишинитатъминлашдамактаб жамоасига ёрдам берадилар. Иқтисодий аҳволи оғир бўлган айрим оиласидарнинг фарзандларига умумий таълим жамғармаси ёки касаба уюшмаси томонидан ёрдам ташкиллаштирадилар.

Болаларнинг таълим-тарбиясига эътибор бермаётган ота-оналар билан сухбатлашадилар, зарурат бўлганда уларга ишлиб турган корхона ёки муассаса раҳбарияти орқали таъсир кўрсатадилар. Доимий равишда мактаб чақириқларига жавоб бермасдан келадиган, фарзандлари

таълими ва тарбиясига нисбатан бефарқ бўлган ота-оналар меҳнат қиладиган турли давлат ва нодавлат ташкилотлар, корхона ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарларига мактаб ота-оналар қўмитаси номидан хат билан мурожаат қилиш яхши натижа беради. Қўмита аъзолари узокдан қатнаб ўқийдиган болаларни транспорт воситалари ёки иссиқ овқат билан таъминлашда ёрдам берадилар. Ота-оналар қўмитаси мактабда «Ота-оналар» бурчаги ташкил қилиб, у ерга ўқувчиларнинг намунали кундалик иш режа ва тартиби, ота-оналар учун нашр этилган янги адабиётлар, ўқувчилар қоидалари, мактаб тарбиявий ишларининг истиқболли режаларини осиб қўяди.

Мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини йўлга қўйишда синф раҳбарларининг тарбиявий фаолиятлари ниҳоятда муҳимлиги сир эмас. Масалан, синф раҳбарларининг ҳар бир оиласа кириб бориши, шу оиласа ҳамда ота-оналарга хурмат сифатида баҳоланади. Синф раҳбарининг ота-оналар билан биргаликда тарбиявий масалаларни белгилашлари, синф раҳбарининг ўқувчилар кўз олдида ота-оналари билан сұхбатлашишлари уларнинг тарбиясига каттаташа сир кўрсатади. Фақат синфа раҳбарлари эмас, балки фан ўқитувчиларининг ҳам ота-оналар билан қилаётган ҳамкорликлари ўқувчилар ҳаётида сезиларли из қолдиради (1-чизма). Бола тарбиясида жамоатчиликнинг таъсири бениҳоя катта эканлиги ҳаётий жараёнда яққол кўриниб турибди. Азалдан одамийлик, инсонийликка даъват этувчи жамият тарбияси мавжуд бўлган. Уларнинг аксарияти ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Масалан, биз ҳалқимизда кўпчилик иштироки билан ўтадиган тўйлар, ҳалқ ўйинлари, сайллар, мавсумий байрамлар, қизлар мажлиси, келинларни қайнона ва қайнота олдидаги «юз очилари», «келин-саломлари» ва бошқа шу каби маросимлари ҳалқ педагогикасининг дурдоналари сифатида авлодларни ўзбек ҳалқига хос бўлган «ўзбекона», «шарқона» тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳалқимиз ўзининг анъанавий тарбия методларида катталарга биринчи бўлиб салом бериш, катталар сұхбатига аралашмаслик, уйга меҳмонлардан сўнг кириш, лекин эшикни биринчи бўлиб очиб, ушлаб туриш, уларга ёрдам бериш каби одоб қоидаларига риоя этиши ҳар доим талаб қилинган ва ҳозир ҳам улар тарбия манбай сифатида ўз қадрини йўқотмаган. Ҳозирги кунга келиб жамоатчиликнинг тарбия борасидаги методлари, шакллари мазмунан бойиб бормоқда. Жумладан, мактаб ўқувчиларини рағбатлантириш мақсадида стипендия бериш ёки турмуш тарбияси оғир бўлган оиласарга моддий ва маънавий ёрдам берувчи тадбиркор ташкилотларнинг ёрдами кучаймоқда. Бу борада Республика Ёшлилар ташкилоти, «Болалар жамғармаси», «Софлом авлод учун» жамғармасининг фаолияти диққатга сазовордир. Демак, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги болалар тарбиясида асосий ҳал қилувчи бўғин бўлиб, бунда ўқитувчи-тарбиячиларнинг ташкилотчиликлари муаммони ижобий ҳал этувчи омил ҳисобланади. Оила аъзолари орасидаги муносабат бугунги куннинг тез суръатда ечимини топиши зарур бўлган масаласи ҳисобланади. Бу қуидаги омилларда кўринади:

- фарзанд тарбияси кўпроқ ота-она таъсирида эмас, аксинча, ижтимоий тармоқ, «замонавий дўстлар», уяли алоқа воситалари (қўл телефони) бўлаётганида;
- айрим ота-оналар орасида янгича ёндашувга ҳали тўлиқ мослашмаганида;
- болаларга эрта меҳнат қилиш ёки илм олиш малакасини шакллантира олмаганида;
- ахлоқий меъёрларга мос бўлмаган мультфильм ёки кинофильмларга томошибинлик қилувчилар орасида назоратга олинмаган болаларнинг кўплигига;
- ёшлар тафаккури ва дунёқарashi ривожланишида китобхон маданиятини тўлақонли ўрин эгаллай олмаганида ва бошқалар.

Ҳар қандай ҳудуд бўлишидан қатъий назар, инсонлар оиласари билан бирга яшайдилар. Шу кичик ватанда камолга етадиган фарзанднинг ахлоқ-

одоби, тарбияси, илм-у ҳунарли бўлиши ота-она, оила аъзоларига боғлиқлигини барчамиз биламиз, сезамиз. Аммо одатда унга эътиборсизлик билан қараймиз. Бу эса ер куррасининг гўзаллиги, унинг ривожланиши ҳамда башарият маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшадиган эзгуликнинг пойдевори бўлган тарбиянинг сусайишига катта таъсир кўрсатади. Зеро, «Эзгулик ҳеч қачон эскирмайдиган бирдан-бир либосдир»¹, буни ҳеч биримиз унутмаслигимиз зарур. Атрофлича мулоҳаза юритилса, жамиятнинг асосий бўгини ҳисобланган оила, маҳалла, таълим муассасаси фаолияти, уларнинг ҳамкорлиги юзасидан давлатимиз томонидан аниқ тизим яратилган. Лекин мавжуд тизимда юритилаётган ишлар савиясини юқори даражада ташкил этиш вақти аллақачон келган.

Фарзанд тарбиясида фақатгина таълим муассасаси ёки оила аъзолари эмас, ҳамма бирдек масъуллигини барчамиз англаб етсанда, «ҳа деганда» унга амал қилмай келмоқдамиз. Масалан, Республикализнинг деярли барча қисмида маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғинлари биноси худудида компьютер саводхонлиги марказлари мавжуд. Аммо афсуски мазкур шароитдан тўғри ва тўлиқ фойдаланмаганимиз учун ёшларимиз, айниқса, уму мий ўрта таълим муассасаларида таҳсил олувчилар орасида кўп ҳолларда компьютер саводхонлиги қониқарсиз ҳолатда. Ёки худди шу бинода ахборот ресурс марказлари ташкил этилган. Бироқ, китобхонликка қамраб олиш даражаси мақтагулик ҳолатда эмас. Табиийки, ҳар қандай ёшдаги аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этишнинг энг оддий, лекин самарали усули бўлган мутолаа маданияти ҳали-ҳамон тўлиқ шаклланган эмас. Инсон покиза, ҳасаддан йироқ одамларга қайишадиган ва ҳар доим бошқаларнинг оғирини енгил қилишга тайёр турадиган, меҳр-у шафқатли бўлса, кишилар орасида ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлишига фарзандлар тарбиясида алоҳида эътибор қаратишимиш лозим. Зотан, инсон-инсон номига хос одамий фазилатларга эга бўлиши керак.

3.3. Модернизациялашган таълим шароитида кластер технологиялари асосида ўқув-тарбия фаолиятини такомиллаштиришнинг психологик хусусиятлари ёхуд шахс ижтимоий таъсирлар маҳсули сифатида

Шахстушунчаси психологияда энгкўпланиладиган тушунчалар сирасига киради. Психология ўрганадиган барча феноменлар айнан шу тушунча атрофида қайд этилади. Инсон руҳий олами конуниятлари билан қизиққан ҳар қандай олим ёки тадқиқотчи ҳам шахснинг ижтимоийлиги ва айнан жамият билан бўлган алоқаси масаласини четлаб ўтмолмаган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Homo sapiens” — “ақлли зот” тушунчасини ўзида ифода этувчи жонзотнинг пайдо бўлганига тахминан 40 минг йилдан ошибди. Бу даврда олимларнинг эътироф этишларича, 16 минг авлод алмашган эмиш. Ч. Дарвин таъбири билан айтганда, табиий танланиш жараёнида ер ўзида сақланиб қолган минглаб миллат ва элатларнинг кейинги даврдаги тараққиёти кўпроқ, биологик омиллардан кўра, ижгимоий-социал омиллар таъсирида рўй бермоқда. Шунинг учун, бир индивидни ёки шахсни ўрганиш масаласи унинг бевосита ижтимоий муҳити ва унинг ижтимоий нормалари доирасида ўрганишни тақазо этади.

Шахс, унинг дунёни билиши, ўзини ва атрофидаги инсоний муносабатларни англаши, тушуниши ва ўзаро муносабатлар жараёнида ўзидаги тақрорланмас индивидуаллиликни намоён қилиши ҳамда ушбу жараёнларнинг ёшга ва жинсга боғлиқ айrim жиҳатларини таҳлил қилиш бизга умумий равища шахс — жамиятда яшайдиган ижтимоий мавжудотдир, деган хуносани қайтаришга имкон берадиган, яъни, у туғилган онидан бошлаб ўзига ўхшаш инсонлар куршовида бўлади ва унинг бутун руҳий имкониятлари ана шу ижтимоий муҳитда намоён бўлади. Чунки агар инсоннинг онтогенетик тараққиёти, яъни туғилган онидан, то

умрининг охиригача бўлган тараққиёти даврига эътибор берадиган бўлсак, ҳали гапирмай туриб, одам боласи ҳәётининг илк дақиқаларидаёқ, ўзига ўхшаш мавжудотлар даврасига тушади ва кейингина ижтимоий мулоқотнинг барча кўринишларининг объекти ва субъекти пайдо бўлгани, жамиятга кўшилиб яшашимизнинг психологик механизмлари фаннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Социал ёки ижтимоий муҳит — бу инсоннинг аниқ мақсадлар ва режалар асосида фаолият кўрсатадиган дунёсидир. Мазмунан ҳар бир инсоннинг шу ижтимоий олам билан алоқаси унинг инсоният тажрибаси, маданияти ва қабул килинган, тан олинган ижтимоий хулқ, нормалари доирасидаги ҳаракатларида намоён бўлади. Демак, ҳар бир шахснинг феъл-атворида атрофдаги дўст-ёрлари, оиласи, тарихий замон, давр, давлат тўзуми ва ўша жамиятдаги сиёсат, иқтисодиёт ва мағкуранинг таъсири бўлиб, бу таъсир унинг яхлит дунёкараши, фикрлаш тарзи, тафаккурида ўз аксини топади. Бундай таъсирларнинг икки хили фарқланади:

- макро босқичдаги таъсирлар, яъни кенг маънодаги ижтимоий-маънавий, сиёсий ҳамда иқтисодий муҳит таъсирлари;
- микро босқичдаги таъсирлар, ёки одамни бевосита ўраб турган муҳитдаги ижтимоий мулоқот ва муомаладан таъсирланиши. Бошқача қилиб айтганда, бундай таъсирларни шахс бевосита оила муҳити, таълим муассасалари, маҳалла-куй, меҳнат жамоасидаги ҳамда дўстлари даврасидаги мулоқотлардан. Бир қарашда иккинчи босқич таъсирларигина шахснинг инсоний қиёфаси ҳамда феъл-атворини белгилайдигандай туюлади. Чунки, халқимизда «**Куш уясида кўрганини қиласи**», деган гап бор. Айниқса, бизнинг ўзбекчилигимизда одамнинг туғилиб ўсан оиласи, маҳалласи, кимнинг авлоди-ю, кимнинг зурриёди эканлиги, таълим олган даргоҳига катта эътибор берилади. Кўпинча халқда «ховли олма, кўшни ол», деган

мақол ҳам ишлатиладики, бу ҳам фарзандлар камоли ва оиланинг тинчлигига ён-атрофнинг аҳамиятига ишорадир. Лекин макро босқичдаги таъсирларнинг аҳамиятини камситиш ҳам тўғри бўлмайди. Қайси давлат ва жамият тарихида босқинчилик сиёсати юргизилган бўлса, ўша жамият одамлари психологиясида тобелик, диёнатсизлик, ихлоссизлик устун бўлаверган. Мустақиллик психологияси шундайки, унда ҳар бир шахс ўзининг эркин меҳнати билан ўзи ва ўзгалар манфаати ҳақида бирдай қайғуради, чунки ҳар бир шахс фидокорона меҳнат қилмаса, тинимсиз изланмаса, на ўзининг на яқинларининг, бошқаларнинг «косаси оқармайди», «бири икки бўлмайди». Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида Ўзбекистон фуқароларининг психологиясида, уларнинг қадриятларни идрок қилишлари ва кундалик амалларида ўз шахсий камолоти, оиласи фаровонлиги, Ватан равнақи учун нима қилиш лозимлигини ифодаловчи қарашларида туб ўзгаришлар рўй бермокда. Бу ўзгаришларни ўрганувчи психология фани олдида ҳам қатор долзарб вазифалар турибди. Психология илмининг намоёндалари бўлмиш олимларнинг бутун бир авлоди ана шу шахс ва жамият алоқалари тизимида, макро ҳамда микро босқичлардаги таъсирларнинг туб моҳиятини англаш, унинг ривожланиши ва камол топиши қонуниятларини изладилар. Фаробий, А.Навоий, Ибн Сино, Беруний каби юзлаб Шарқ алломалари ҳам бу ўзаро боғлиқликнинг фалсафий ва ижтимоий сирларини очишга ўзларининг энг дурдона асарларини бағишилаганлар. Барча қарашларга умумий бўлган нарса шу бўлганки, одамни, унинг моҳиятини англаш учун аввало унинг шу жамиятда тутган мавқенини билиш зарур. Шахсни ўрганишнинг бирламчи мезони ҳам шундан келиб чиқкан ҳолда, унинг ижтимоий мавқеи, ижтимоий муносабатлар тизимидағи ўрни билан белгиланиши керак. Лекин, шахс билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар масаласида бирданига, бир

хил ечимга келинмаган. Бу ўзаро муносабатлар асосан икки поляр нұқтаи назардан келиб чиқади.

Нативизм йўналишининг тарафдорлари инсонлардаги барча хусусиятларни туғма ҳарактерга эга, деб эътироф этадилар (Ленц, Грубер ва бошқалар).

Эмпиризм тарафдорларининг фикрича, янги туғилган бола гүёки «топ-тоза тахта» (*tabula rasa*), унга ҳаёт ва ундағи талаблар ўзининг қонуниятларини ёзади ва бола уларга сўзсиз буйсунишга мажбур. Бу йўналишининг асосчиларидан бири Дж. Локк бўлиб (1632-1704) унинг фикрича, тўла фикрлар ёки ғоялар бўлиши мумкин эмас, улар хоҳиш-тилак каби элементар сезгиларнинг қайта ишланиши натижалариидир. Ҳаётда ана шунга ўхшаш турли хил сезгилар ассоциатсияси рўй беради. Г. Лейбниц (1646-1716) Локка эътиroz билдириб, ҳаётда умуман тоза, соф досканинг ўзи бўлмайди, ҳаттоқи, энг яхши силлиқланган мармар юзасида ҳам сезиларли тешиклар, дўнгликлар ёки туғма асоратлар бўладики, улар одамнинг сезиш ва билиш органлари воситасида англаниши мумкин. Худди шундай, инсон боласи ҳам туғилишдан муайян белгилар, хусусиятлар билан туғиладики, уларни биз лаёқатлар, иқтидор, генетик хусусиятлар деб атаемиз. Айнан шу туғма белгилар инсон тақдирида маълум роль ўйнайди, лекин етакчи, сезиларли таъсирлар ҳаётнинг кейинги босқичларида, турли фаолиятларни (ўйин, ўқиш, меҳнат ва бошқалар) амалга ошириш жараёнида одамдаги сифатларни шакллантиради.

Бу иккала йирик йўналиш ўртасидаги тортишувларга чек қўйиш мақсадида Ф. Галтон қатор экспериментал тадқиқотлар ўтказиб, ҳар бир индивидга хос дифференциал хусусиятлар мавжудлигини «эгизаклар методи» ёрдамида асослашга ҳаракат қилди.

Лекин юкоридаги фикрлар ва торташувларнинг келиб чиқиши сабаби тушунарли бўлиши керак: улар инсоннинг асл моҳиятини тушуниш ва унинг хулқини

бошқариш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Демак, инсон жамият аъзоси сифатида унинг нормаларига буйсунади, унинг кутишларига жавоб беришга ҳаракат қиласи ва ўз хулқини унинг талабларига монанд қилишга интилади. Шу нұқтаи назардан келиб чиқиб, шахс феноменига таъриф бериш мумкин.

Шахс — ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсали, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивиддир. Шахсга тааллукли бўлган энг муҳим тасниф ҳам унинг жамиятдаги мураккаб ижтимоий муносабатларга бевосита алоқадорлик, ижтимоий фаолиятга нисбатан ҳам объект, ҳам субъект бўлишиликдир. Шахсга тааллукли бўлган фазилатлардан энг муҳими шуки, у шу ташқи, ижтимоий таъсирларни ўз онги ва идроки билан қабул қилиб (объектни), сўнгра шу таъсирларнинг субъекти сифатида фаолият кўрсатади. Оддий қилиб айтганда, инсон боласи илк ёшлигиданок, «менинг ҳаётим», «бизнинг дунё» деган ижтимоий муҳитга тушади. Бу муҳит ўша биз билган ва ҳар куни ҳис қиласиган сиёsat, ҳуқуқ, ахлоқ оламидир. Бу муҳит — келишувлар, тортишувлар, ҳамкорликлар, анъаналар, удумлар, турли хил тиллар олами бўлиб, ундағи кўплаб қоидаларга кўпчилик мутлоқ қўшилади, баъзилар қисман қўшилади. Бу шундай қоидалар ва нормалар оламики, уларга буйсунмаслик жамият томонидан қораланади, таъқибланади. Шулардан келиб чиқадиган хулоса шуки, шахс жамиятга нисбатан барча тартиб-қоидаларни қабул қилувчи субъект бўлса, жамият — ижтимоий интизом ва тартибининг, маданиятнинг муфассал кўринишидир. Шахс ижтимоий хулқига турли ташқи кучлар, ижтимоий муносабатлар мажмуи таъсир қиласи: сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва бошқалар. Бу таъсирлар моҳиятан аслида жамият аъзолари бўлмиш шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг айрим алоҳида йўналишларини белгилаб беради. Шундай қилиб, шахс турли ижтимоий муносабатлар тизими

таъсирида бўлади ва кўплаб ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, ўқув масканлари, меҳнат жамоалари, норасмий ташкилотлар, санъат, маданият ва бошқалар) билан боғлиқ, бўлади. Масалан, шахсдаги турли ғоялар, фикрлар ва эътиқодий дунёкарашлар мафкуравий муносабатлар тизими таъсирида шаклланиб, улар бевосита оила, боғча, мактаб ва бошқа ўқув ва тарбия муассасалари орқали онгга сингдирилади. Агар бу таъсир унинг эътиқоди даражасида кўтарилса, ва унда яна янгидан-янги фикрлар ва ғояларнинг пайдо бўлиши ва ўсишига олиб келса, у шахснинг маслагига айланади ҳамда у ҳёти жараёнида шундай фаолият соҳасини танлайдики, ўз қобилиятлари, малака ва кўникмаларини ривожлантира бориб, зиёли сифатида ё ўқитувчи, ёки врач, ёки олим, кашфиётчи, мухандис бўлиб, элу-юртига хизмат қиласи.

Демак, оддий одам, шахс жамиятдаги турли муносабатлар таъсирида бўлар экан, у биринчи навбатда нималарга ишонади? Агар биз одамни бирор нарсага астойдил ишонтиromoқчи бўлсак, уни мантиқан асосланган фикрлар ёрдамида ишонтиришимиз анча мушкул бўлади. Хўш, у нималарга ишонади?

Биринчидан, ўзидағи қизиқишлиар, шахсий манфаат ва эътиқодига мос нарсалар гужудатез ишонади. Масалан, ишлаб чиқаришда ходимни ишонтириш учун унинг оиласиманфаатлари, келажакистиқ боливапрофессионал ўсишига алоқадор гаплар орқали янги фикрни баён этиш теран қизиқишини туғдиради. Агар биз миллий ғоянинг мазмунини ифодаловчи ижтимоий символлар — сўзлар, образлар, нарсалар, ҳаракатлар мазмунини ўз ўрнида ишлатиб, фикримизни баён этсак, шахсга маъқул ва манзур бўлиши, у бунга ишониши мумкин. Бу фикрлар дарҳақиқат, келажакка интилган, эркинлик ва идеал талаб бўлган шахснинг ташаббускорлик сифатларини ривожлантиради. Ташкил бўлган янги ижтимоий ҳаракат дастури айнан мустақиллик йилларида пайдо

бўлгани ва мустақиллик фарзандлари манфаатига тўла мос келганлиги учун ҳам уни минглаб ёшлар қўллаб-қувватладилар. Мустақиллик йилларида халқ онгида ва унинг тилак-истаклари мазмунида пайдо бўлган барча фикрлар халқ ғарновонлиги, юртнинг озод ва обод бўлиши, миллатлараро тотувлик, Ватанинг ягоналиги ғоялари ва уларнинг яхлит жамият тараққиётига ижобий таъсири юқоридаги қонуниятдан келиб чикади.

Иккинчидан, янги ғоялар нафакат шахс ёки ижтимоий гурӯхлар томонидан у ёки бу тарзда идрок этилиши, яъни, эшитилиши, қўрилиши, ҳис қилиниши лозим, балки улар халққа тушунарли бўлиши керак. Демак, миллий мустақиллик ғояларини ифодаловчи барча тушунчалар оддий, ихчам, категориал бўлиши керак. Масалан, Баркамол авлод, Соглом авлод, Ватан ягонадир, Ўзбекистоннинг келажаги буюк каби ғоялар ҳар бир инсон учун тушунарли ва ўзини хурмат килган ҳар бир шахс учун манфаатлидир.

Учинчидан, миллий ғоялар ва янгича дунёқарашнинг бирданига кўпчилик онгига, айниқса, ёшлар онгига сингмаслигининг айрим сабаблари ҳам бор. Психологияда бола тараққиётининг айни 17-18 ёшларида кузатиладиган мафкуравий инқироз бўлади. Бунинг моҳияти шундаки, айни шу даврда ўспиринда турли шахсий муаммолар бирдан қўпайиб кетади: дўстга эга бўлиш, севиш-севилиш, касб танлаш, ўқишига кириш, никоҳ муаммолари, катталарнинг талаблари ва ҳакозо. Бу муаммолар гүёки ёшларнинг жамиятда рўй берётган ижтимоий-сиёсий муаммолардан онгини чалғитаётгандай бўлади. Лекин аслида айнан ўспиринликка хос бўлган психология мавжудки, улар ўз келажаги тўғрисида қайгуради, эртага ким бўлиши, қандай шароитда яшаши ва ижод қилиши, яшаётган ҳудуди — Ватани такдири, албатта, қизикгиради.

Ёшларга хос бўлган максимализм ва юқорида санаб ўтилган шахсий муаммолар атрофида пайдо бўладиган

индивидуализм ўртасида қарама-қаршилик юзага келади. Бу инқизорзий ҳолат бизнинг шароитимизда кўпроқ юрт ва жамият равнақидан манфаатдорлик ҳисобига ҳал қилинади. Шунинг учун ҳам ёшлар билан бўладиган учрашувлар, мулоқотларда шахсий манфаатларнинг жамият манфаатларига боғлиқлиги, Ватан равнақи ва тинчлик-тотувликдан нафакат ёшлар манфаатдор, балки улар ана шу жараёнларнинг фаол иштирокчиси эканлигиғояси ўртага ташланади.

Шу нуқтаи назардан ҳар биримизнинг жамиятдаги ўрнимиз, унинг қачон ва қандай шароитларда пайдо бўлгани, жамиятга қўшилиб яшшимизнинг психологик механизмлари таҳлили психология фанининг муҳим вазифаларидан биридир.

3.4. Модернизациялашган таълим шароитида шахсни ўрганишнинг психодиагностик воситалари ва унга қўйиладиган психологик талаблар

Маълумки, педагог ўз иши, фаолияти натижаларини таҳдил қилиши, ўқувчиларда қийинчилик туғдираётган сабабларни ўз вақтида аниқлаши ва шу каби муаммоларни ўқувчига индивидуал ёндашиб жараёнида бартараф қила олиши лозим. Психологик-педагогик диагностика - педагогика ва психология фанларининг оралигидаги соҳа бўлиб, ўқувчи шахси, унинг индивидуал хусусиятлари, ривожланиш динамикаси ва уларга таъсир этиш омилларини ўрганади. Унинг мақсади - таълим ва тарбия жараёнида шакллантирилаётган ўқувчи ёки талабанинг индивидуал сифатларини ривожлантириш ёки шакллантириш лозим бўлган хусусиятларнинг мавжудлиги (бошланғич) даражаси ва уларнинг ўқув жараёнидаги ўзгаришлар динамикасини ўрганишdir.

Хозирги замон психологиясида инсон омили, шахсни ўрганишнинг жуда кўплаб воситалари мавжуд ва улар

психологик амалиётда кенг қўлланилиб келинмоқда. Шундай воситалардан бири психодиагностик тестлардир. Улар деярли ҳамма соҳада, кўплаб фанлар намояндалари томонидан ишлатилади. Жумладан, мақсади бевосита шахсни тарбиялаш ва шакллантириш муаммоларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган педагогика ва психологияда ҳозирги вақтда тестлардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Педагогикада қўлланиладиган тестлар дидактик тестлар ҳисобланади. Мана бир неча йилдирки, республикамиз таълим тизимида кенг қўлланиб келинмоқда.

Дидактик тестлар ўз моҳиятига кўра, синаловчиларнинг айни вақтдаги (синалаётган вақтдаги) билимдаражаси, ўёки бупредмет, материал, дастурнинг қай даражада ўзлаштирганлигини аниқлашга хизмат қиласди. Лекин улар синаловчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари (қобилияти, иқтидори, иродавий-ҳиссий жиҳатлари) ни аниқлашга мўлжалланмаган. Шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш учун психодиагностик тестлардан фойдаланиш зарур бўлади. Дидактик тестлар ва психодиагностик тестларнинг бир-биридан фарқи шундаки, уларда бир-бирига ўхшаган, синаловчи эътиборига ҳавола этиладиган саволлар ва уларга бериладиган жавоблар вариантлари берилган бўлсада, дидактик тестларда саволлар маълум бир фан ва унинг дастури бўйича ўзлаштирилиши (синаловчининг билиши) лозим бўлган масалалар ҳақида тўғридан-тўғри берилади ва бу саволлар бўйича таклиф этилган жавоб вариантлари «тўғри» ва «нотўғри» жавобларга фарқланади. Синаловчи қанчалик кўп тўғри жавоб берса, шунчалик яхши, юқори натижаларга эришади. Психодиагностик (шахсни ва унинг у ёки бу масалага нисбатан муносабатини ўрганувчи) тестларда эса улардан фарқли равишда, синаловчи эътиборига ҳавола этиладиган саволлар чалғитиб берилади (аксарият ҳолларда синаловчи гап нима ҳақида кетаётганлигини

англай олмайди, чунки саволларнинг аксарияти гўё бир-бирига мантиқан боғланмагандек берилиши мумкин). Бу савол, тасдиқ, мулоҳазаларга бериладиган жавоблар «тўғри» ёки «нотўғри» жавобларга эмас, балки «самимий» ёки «носамимий» жавобларга фарқланади (интеллектни ўрганувчи тестлар бундан мустасно)1. Бу ўринда синалувчи қанчалик самимий жавоб берса, шунчалик у ҳақда, унинг у ёки бу ҳодисага нисбатан муносабати ҳақида аниқроқ маълумотни олиш имконияти туғилади. Шунинг учун ҳам психодиагностик тестларда синалувчи жавобларининг самимий бўлишлигига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда психологик амалиётда фойдаланилаётган психодиагностик тестларни шартли равишда ихчам ва ихтисослаштирилган чукур илмий тадқиқот психодиагностик тестларига фарқлаш мумкин. Ихчам тестлар ўз номига яраша ихчам, кам ҳажмли, кам саволлардан иборат бўлиб, синалувчи шахси ҳақида бирламчи маълумотларни олиш имкониятини беради. Улардан ҳар бир педагог ўз фаолиятида ўзини, ўқувчисини ва энг муҳими унинг ота-онасини ўрганишда фойдаланиши мумкин. Ихчам тестларнинг афзаллиги шундаки, улардан фойдаланиш учун тадқиқотидан маҳсус психологик тайёргарлик талаб килинмаслиги билан бирга ундан олинган натижаларни қайта ишлаб, тегишли маълумотларни олиш тадқиқотчи ва синалувчидан кўп вақт талаб қилмайди. Уларни дам олиш вақтларида, шунчаки сұхбат ҷоғларида ҳам ўтказиб кўриш мумкин. Одатда психологик амалиётда бундай тестлардан синалувчиларни асосий психодиагностик тадқиқотга тайёрлаш, уларнинг эътиборини қозониш, психолог-педагогга синалувчиларнинг ишончини уйғотиш, қизиқишини юзага келтириш мақсадида, машқ сифатида фойдаланилади. Уларнинг камчилиги шундаки, улардан олинган маълумотлар бир оз саёзлиги, юзакилиги, хатога йўл қўйиш эҳтимолининг юқорилиги билан фарқланиб туради. Лекин одам ҳақида ҳеч нима билмагандан кўра

(неман бўлса-да, маълум бир маълумотга эга бўлишнинг ўзи ҳам у билан олиб бориладиган иш самарадорлигини оширади. Бундай тестларнинг хатога йўл қўйиш эҳтимоли юқори бўлиши билан бирга, уларнинг синалувчи шахси, унинг тақдирига (агар ғараз мақсадларда фойдаланилмаса) зиёни етказиши эҳтимоли ҳам кам бўлади.

Ихтисослаштирилган чукур илмий тадқиқот тестлари эса маҳсус, жиддий илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ва маҳсус психологик тайёргарликдан ўтган мутахассислар томонидан фойдаланиладиган тестлардир. Бундай тестлар тоифасига Кеттельнинг 16 омили шахсни ўрганиш тестлари, Г.Ю.Айзенкнинг интеллектуал тестлари, Д.Векслер тестлари, MMPI, FPI, Равен тести, «Тематик апперцепция» тести (ТАТ), Люшер тести, Лири тести, Роршахнинг «Сиёҳ доғлари» тести ва шу каби кўплаб тестлар киради. Бундай тестлардан республикамида кўплаб психолог тадқиқотчилар ўз тадқиқотларида самарали фойдаланиб келишган.

Хусусан, профессорлар Б.Р.Қодиров, Р.И.Суннатова, Н.С.Сафаев, З.Т.Нишонова, доцентлар К.Б.Қодиров, А.Расулов ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар ўз ушбу тестларидан ўз тадқиқотларида кенг фойдаланишган. Бундай тестларнинг саволлари, топшириқлари миқдорининг кўплиги (уларайримхоллардабир неча юзлаб бўлиши мумкин), тадқиқот ўтказиш учун қўйиладиган талабларнинг ўзига хослиги, олинган натижаларни қайта ишлаш жараёнларининг мураккаблиги, тадқиқот ўтказиш ва қайта ишлаш учун кўп вақт, маҳсус малака талаб қилиниши каби хусусиятлари билан фарқланади. Уларнинг афзаллик жиҳати шундаки, улар синалувчи шахси, унинг индивидуал-психологик хусусиятлари ҳақида тўлароқ маълумотлар олиш имкониятини беради. Бундай тестлардан фойдаланиш жараёнига қўйиладиган талабларга жавоб бермаслик, улардан фойдаланиш тартибини бузиш, олинган натижаларнинг нотўғрилиги, синалувчи шахсига ноўрин психологик тавсиф бериш,

оқибатда синалувчи шахси ва унинг тақдирига жиддий зиён етказишга олиб келиши мумкин. Бундай тестлардан ноўрин фойдаланиш халқ тили билан айтганда «Қош кўяман деб, кўз чиқариш» билан баробар. Энг аянчлиси, бундай психологик саводсизлик оқибатида психология фани имкониятлари барбод этилади, унинг обрўсига путур етказилади. Бундай хатоларга йўл қўйиш, ўкувчи шахси, унинг ота-онаси, уларнинг ўзаро муносабатлари, жамиятга жиддий зарар келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай тестларга нисбатан эҳтиёткорлик, масъулият билан ёндашиш лозим бўлади.

Психодиагностик тадқиқотларни амалга оширишда психодиагностик фаолиятга қўйиладиган талаблар билан бир қаторда у билан шуғулланадиган психодиагностик мутахассис шахсига ҳам алоҳида малака талаблари қўйилади. Улар қўйидагилардир: - яхши назарий тайёргарликка эга бўлиш; - психодиагностик методикалар ва уларни қўллаш қоидаларини мукаммал билиш; - тегишли методикалардан амалда фойдаланиш юзасидан етарлича тажрибага эга бўлиш кабилардир. Маълумки, ҳар қандай психодиагностик методика ўз-ўзидан юзага келавермайди. Улар ўзи ўрганилаётган объектга оид қандайдир бир назария заминида юзага келади ва ривожланади.

Масалан, интеллект тестлари, интеллект табиати, тузилиши, аҳамияти ва ҳаётий намоён бўлиши ҳақидаги илмий тасаввурларга асосланади. Шахс тестлари эса шахсни илмий таърифи шахс тузилишини тушуниш, шу шахс ҳақида объектив мулоҳаза юритиш мумкин бўлган маълум бир шахс назарияларига асосланади. Ҳар бир психодиагностик методика айни вақтда ўзи боғлиқ бўлган у ёки бу назария билан бойитилган ва чегараланган бўлади. Тегишли назарияни билган ҳолда, шу назария доирасида ўрганилаётган одам ҳақида, кўпинча бевосита психодиагностика назариялари доирасидан (чегарасидан) кенгроқ, узоқни кўзлаган хуносалар қилишга эришиш

мумкин.

Масалан, айрим шахс назарияларига кўра шахснинг бир хислати бошқа бир хислати билан яқиндан боғлиқ бўлади. Шунинг учун шахс хислатларидан бирини психодиагностика ёрдамида аниқлаш билан, унинг бошқа бир хислатини қай даражада ривожланганлиги ҳақида ишончли мулоҳазаларга келиш мумкин. Шундан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкини, ҳар қандай психодиагностик методикалардан психодиагностик амалиётда фойдаланишда мазкур методика асосланадиган назарияни билиш шарт. Буларсиз мутахассис одамларни татқиқ этиш натижаларини таҳдил қилиш, изоҳлаш ва хуносалар чиқаришда жиддий хатоларга йўл қўйиши мумкин. Методикани мукаммал ўзлаштирганлик уни синалувчи эътиборига ҳавола этиш, натижаларни таҳдил қилиш ва изоҳлаш тартиб-қоидаларига (процедураларига) оид билим ва малакаларга эга бўлишни тақазо этади. Тадқиқотчи токи психодиагностик тестни яхши ўзлаштириб олмагунича ёки ҳеч бўлмаса ўзи қўлламоқчи бўлган тестни ўзида ёки ўзи яхши билган одамларда ўтказиб кўрмагунча, ундан бошқаларни ўрганишда фойдаланмаслиги керак. Психодиагностик методикаларни қўллаш тартиб, талаблари, қоидаларини ҳам билиш жуда муҳимдир. Бу тартибларга амал қилиш ишончли натижаларни олиш имкониятини берса, уларни бузиш жиддий хатоларга олиб келади. Тестнинг ўзи ўз ҳолича қанчалик яхши бўлишига қарамай, ундан фойдаланиш вақтида албатта синалувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мазкур вазиятдаги ҳолати ва психодиагностикага таъсир қилувчи кўплаб омилларни ҳисобга олиш лозим. Бунда психологик тадқиқотлар олиб боришининг асосий тамойиллари бўлмиш детерминизм ва тизимли ёндашиш тамойилларига амал қилиш лозим.

Шунингдек, тегишли психодиагностика методикасини амалда қўллай билиш тажрибасига эга бўлиш ҳам психодиагностик фаолиятда катта аҳамиятга

эга. Бундай психодиагностик методикалардан фойдаланиш тажрибаси ҳам узлуксиз бўлиши керак, чунки улардан фойдаланишдаги танаффуснинг узоқ вақт чўзилиши одатда тегишли билим, кўникма ва малакаларнинг йўқолишига ва улар билан ишлаш сифатининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш вақтида қўйидаги ахлоқий-этик меъёрларга амал қилиши лозим, деб ўйлаймиз:

1. Одамни унинг ихтиёрий розилигисиз психологик тадқиқотга жалб қилмаслик керак (қонунда белгиланган алоҳида суд ёки тиббиёт амалиёти ҳолатлари бундан мустасно).

2. Психодиагностик синаш ўтказишдан олдин синаловчуни, у тадқиқот жараёнида ўзи англамаган (сезмаган, билмаган) ҳолда ўзи, ўз фикр-ўйлари, ҳиссиёти ҳақида айрим маълумотларни бериб юбориши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириб қўйиш лозим.

3. Агар бу қонунда қўрсатилмаган бўлса, ҳар қандай одам (синаловччи) тестлаштириш натижалари ва ундан олинган маълумотларни ва улардан ким, қаерда ва нима мақсадда фойдаланиши мумкинлигини билишга ҳақли.

4. Психологик синаш натижалари тестни ўтказган одам томонидан синаловчига тўғри тушуниладиган шаклда берилиши керак.

5. Вояга етмаган синаловчиларни ўрганишда уларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар болани ўрганиш натижаларини билишга ҳақли.

6. Агар тест одамнинг психик ривожланганлик даражасини аниқлаш, танлов асосида танлаб олиш ёки ишга қабул қилиш мақсадида ўтказилаётган бўлса, бунда ҳам синаловччи нафакат тестлаштириш мақсади, балки у ҳақда тест натижаларига кўра қандай асосда хulosha қилинишини ҳам билишга ҳақли.

7. Психодиагностик тестлардан амалда фойдаланиш учун асосий жавобгарлик уларни кўллаётган психологлар,

шахслар ва ташкилотларга юклатилади. Юкоридагилардан хulosha қилиб таъкидлаш мумкинки, шахсни ўрганишда психодиагностик воситалардан фойдаланишда уларга қўйиладиган талабларга риоя қилиш - психодиагностик фаолият самарадорлиги, ишончлилигини таъминловчи асосий омиллардан бири.

Амалий психолог фаолиятининг йўналишларидан бири психологик диагностика ҳисобланади. Психологик диагностика амалий психологиянинг бошқа йўналишлари билан узвий боғланган ва улар орасида асосий ўринни эгаллади. А.Ю. Маленова фикрича, психологик диагностика - инсоннинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш ва аниқлашнинг турли методларини ишлаб чиқиши билан боғлиқ бўлган фан ва амалиётдир.

1. Психолог фаолияти доирасига кирувчи вазифалар:

Психодиагностика у ёки бу муаммо, қийинчиликларнинг психологик сабабларини аниқлаш фаолияти сифатида психологик хизматда марказий ўринлардан бирини эгаллади. К.М. Гуревич фикрича, психодиагностиканинг вазифаси шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари ҳақидаги ахборотни тўплашдир. Психодиагностика - шахс индивидуал-психологик хусусиятларини ўлчаш ва аниқлаш методларини ишлаб чиқувчи психология фани соҳаси. Психолог Гуревич К.М. фикрига кўра, психодиагностика - инсонларни психологик ва психофизиологик белгиларига кўра таснифлаш ҳамда фарқлаш методлари ҳақидаги фан. Немов Р.С. нинг таъкидлашича, психодиагностика - бу маҳсус билимларнинг шундай соҳасики, у индивид ёки гурӯҳ томонидан эришилган психологик ривожланиш даражаси ҳамда психик ҳолат, хусусиятларни аниқ баҳолашнинг назарияси, методология ва методларини ишлаб чиқиши билан шуғулланади. Ҳозирги замон психологик диагностикасининг мақсади - инсонлар ва гурӯҳлар ўртасидаги психологик фарқларни қайд қилиш ҳамда ёритиб беришдир. Масалан, техник тафаккур даражаси

бўйича 12 ёшли бола ўзининг тенгдошидан фарқ қилиши мумкин. Ёки умумлаштириш даражасига кўра, шаҳарнинг 30 нафар 5- синф ўқувчилари қишлоқ ўқувчиларидан фарқ қилишини муайян методикалар ёрдамида аниқлаш мумкин. Бундатадқиқотчининг вазифаси қўлгакиритилган маълумотларни тартибга солиш (масалан, ўсиб бориш даражасига кўра). Диагностика қилинаётган белгилар тадқиқот вазифаларидан келиб чиқиб, турлича психологик фарқларни ўз ичига олади: - Ёш бўйича. - Маълумотига кўра - Маданий даражасига кўра. - Психик ҳолатларига қараб, - Генетик, психофизиологик хусусиятлари бўйича. Амалий фаолият турларидан бири сифатида психодиагностика кўйидаги вазифаларни бажаради:

1. Муайян хусусиятнинг ривожланиш ҳолатини аниқлаш.
2. Унинг ривожланиш динамикасини ҳамда маълум вақт оралигига қайта тузилишини аниқлаш.
3. Индивид ёки гуруҳ психологияси ҳамда хулқ-атворида ўқув-табиявий таъсирот натижасида вужудга келган реал ўзгаришларни аниқлаш.
4. Шахс хусусиятлари ривожланиш динамикаси ва қонунларини таҳлил қилиш асосида унинг ривожланиш перспективасини аниқлаш.
5. Текширилган кишилар ёки гуруҳни келгусида ривожланишда эришилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда дифференциал тарзда иш олиб бориш учун тоифаларга ажратиш.
6. Индивид ёки гуруҳнинг (у ёки бу ишни бажариш, масалан, ўз хизмат вазифаларини бажаришга) касбий тайёргарлигини, лаёқотлилигини аниқлаш.
7. Индивид ёки гуруҳ психологияси ва хулқ-атворини психокоррекцион ишларни олиб бориш мақсадида ўрнатилган тиббий, ижтимоий нормаларга мос ёки мос эмаслигини аниқлаш.
8. Индивид ёки гуруҳга ҳаётий аёълини (касб, умр йўлдоши) танлаш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқиш.

Психодиагностика - бу инсоннинг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлашга доир турли хил методларни ишлаб чиқиш ва ушбу методлар ёрдамида психологик ташхис қўйиш билан боғлиқ бўлган фан ҳамда амалиётдир.

Диагностика тушунчаси грекча сўз бўлиб, —диа-фарқ, тафовут, —гноэис - билиш деган маънони англатади. Амалий психолог одатда янги психодиагностик методикаларни яратиш билан шуғулланмайди. У тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган методлардан фойдаланувчи ҳисобланади. Амалий психолог психодиагностика ёрдамида қўйидаги асосий вазифаларни ҳал қиласди:

1. Инсонда у ёки бу психологик хусусият ё хулқ-атвор хислатлари мавжудлигини аниқлаш;
2. Мазкур хусусиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш, уни аниқ миқдор ва сифат кўрсаткичларида ифодалаш;
3. Зарурият туғилган вазиятлардагина инсондаги диагностика қилинаётган психологик ва хулқ-атвор хусусиятларини изоҳлаш;
4. Ўрганилаётган хусусиятларни турли инсонларда ривожланганлик даражасини таққослаш.

Психодиагностик методларнинг аксарият қисми икки гуруҳга экспертга оид (клиник) ва стандартлаштирилган тестларга ажратиш мумкин. Психодиагностикада тест бу тахмин қилинган хусусият эгаси синаловчида ўтказилаётган бир турдаги стандартлаштирилган қисқа топшириқлар мажмуудир. Психодиагностика фаолияти билан шуғулланувчи шахсга қатор муҳим талаблар қўйилади. Энг оддий ва муқаррар бўлгани - бу ўзига инсонларни жалб қила олиш ҳамда фойдаланиладиган психодиагностик методикалар ва уларни қўллаш шартларини мукаммал билишdir. Бундан ташкири психодиагностика соҳасида фаолият олиб борувчи ҳар бир психолог муҳим касбий ахлоқий тамойилларни билиши ва

амал қилиши зарур:

- олиб борадиган фаолияти учун шахсий жавобгарлик тамойили;
- касбий сир сақлаш тамойили (илмий психодиагностик методикаларни тарқатмаслик);
- махфийлик (конфиденциаллик) тамойили (бегоналардан олинган психологик ахборотларни сир сақлаш);
- илмий асосланғанлық тамойили (құлланилаётган методикалар натижалар ишончлилиги, валидлиги, дифференциаллашғанлиги ва аниқлиги, қүйилған талабларига мувофиқ бўлиши керак);
- объективлик тамойили (натижалар интерпретацияси ва хуросалар олинган күрсаткичларга қатый мувофиқликда амалга оширилиши керак);
- шахснинг мустақил ҳуқуқларини таъминлаш тамойили.

Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- А) психологик тадқиқотда иштирок этиш ихтиёрийлиги (суд ва тиббий амалиётдаги алоҳида вазиятлардан ташқари);
- Б) натижаларни психопрофилактик изоҳлаш (баён қилиш, ифодалаш) (эҳтиёткорлик ва мулойимлик адекватлик ва тушунарли тилда изоҳлаш, эквивалент методикалардан фойдаланишга тайёрлик);
- В) инсоннинг ўзианглабетмаган ўзиҳақидаги шундай бир ахборотни бериш эҳтимоли ҳусусида огоҳлантириш;
- Г) тадқиқот натижаларини билиш ҳуқуқи (болалар тестдан ўтказилганда ота-оналар ҳам бундай ҳуқуқга эга). Психодиагностик методлар таснифи уларнинг умумий тавсифномасини ва психологик асослаш.

Турли муаллифлар психодиагностик методларни таснифлашнинг ҳар хил усусларни таклиф қилғанлар. Жумладан, Р.С.Немов фикрига кўра, қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- кузатиш (стандартлаштирилган ва эркин кузатиш)

асосида психодиагностика методлари;

- сўров психодиагностик методлари (очиқ ва ёпиқ турда бўлиши мумкин бўлган сўровномалар шунингдек, бевосита ёки билвосита саволлар, интервью);
- объектив психодиагностик методлар шу жумладан инсоннинг ҳулқ-атвор реакциялари ва унинг меҳнат маҳсуллари ҳисоби ҳамда таҳлили;
- психодиагностиканинг экспериментал методлари.

А.Г.Шмелев диагностика методикаларнинг қуйидаги турларини асосий сифатида кўрсатиб ўтади. Шу ўринда тасниф учун асос сифатида —объективлик ва субъективлик меъёри хизмат қиласи: - асбоб-ускунага оид психофизиологик методикалар; - аппаратурага оид ҳулқ-атвор методикалари; - жавоби танланадиган объектив тестлар; - сўровнома тестлар; - субъектив шкалалаштириш методикалари; - проектив методикалар; - стандартлаштирилган аналитик кузатиш; - контент-анализ (хужжатларни ўрганиш таҳлил қилиш); - кейинрок рейтинг шкалалаштириш амалга ошириладиган ички кузатув; - психологик сұхбат (интервью); - ролли ўйинлар; - фаол (шакллантирувчи) эксперимент; - фаолиятнинг сифат таҳлили.

Психодиагностика методикаларидан фойдаланиш учун муҳим асос бўлиб, уларнинг қуйидаги талабларга мувофиқлиги хизмат қиласи: Дифференциаллашувчи имконият - методика орқали аниқланувчи тафовутлар доираси. Ишончлилик - олинадиган натижаларнинг турғунлик, баркарорлик даражаси. Валидлик - методика ҳусусияти у нимага қаратилган бўлса, айнан шуни ўрганиши яъни инсон ҳулқ-атвор ҳусусиятлари билан психологик күрсаткичлар мувофиқ келишидир. Аниқлик-психодиагностик тадқиқот жараёнида юз берадиган баҳоланаётган ҳусусиятдаги энг кам ўзгаришларга кучли сезирлик қобилияти. Методиканинг меъёр күрсаткичлари репрезентатив танловдаги фаолият яъни статистик қайта ишлаш учун етарли бўлган микдордаги синаувчилар

асосида тузилган бўлиши мұхим.

Юқорида таъкидланган вазифалар амалий психодиагностиканинг умумий вазифалари дид. Улардан кўпчилиги у ёки бу даражада мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус таълим муассасаларида турли ёш давридаги болалар билан мос тарзда иш олиб бориш учун амалга оширилади. Психодиагностика - психологик диагноз қўйиш ҳақидаги фан. Психодиагностика термини дастлаб психиатрияда Г.Роршахнинг (1921йил) шу номли асари нашр этилгач кенг қўлланилиб, тез орада тибиёт соҳаси чегараларидан чиқади. —Диагноз термини нормал тараққиётдан ҳар қандай оғиш ва уни аниқлаш сифатида тушунила бошланди.

Психологик диагноз (диагнозиз грекча аниқлаш, билиш деган маънони англатади) - шахс индивидуал-психологик хусусиятларининг айни вақтдаги ҳолатига баҳо бериш, ривожланишини олдиндан айтиб бериш, яъни, прогноз қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқишига қаратилган психолог фаолиятининг сўнгги натижасидир. Психологик тадқиқотлар амалиётида психологик диагноз қўйишнинг 3 босқичи фарқланади:

1. Симптоматик ташхис.
2. Этнологик ташхис.
3. Типологик ташхис.

Симптоматик диагноз - эмперик диагноз, деб ҳам аталади. Бунда ташхис қўйиш муайян белги ёки хусусиятларни таъкидлаш билан чекланади ва унинг асосида амалий хulosалар чиқарилади. Л.С.Виготскийнинг таъкидлашича, бундай ташхис илмий ҳисобланмайди, чунки белгиларни аниқлаш автоматик тарзда бевосита ташхис қўйишга олиб келмайди. Психологик ташхис ривожланишининг иккинчи босқичи этиологик ташхис қўйиш бўлиб, бунда шахснинг муайян хусусиятлари ва белгиларнинг мавжудлиги ҳисобга олиниб қолмай, балки уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳам

инобатга олинади. Энг юкори босқич - типологик босқич ҳисобланади. Бунда қўлга киритилган маълумотларнинг шахс тузилишидаги ўрни ва аҳамияти белгиланади. Масалан, симптоматик диагноз: —Диққат етишмовчилиги синдроми ва гиперактивлик!

Этнологик диагноз - генетик ҳамда ижтимоий-психологик омиллар (пренатал, постнатал ривожланишда - боланинг муддатдан олдин туғилиши; токсикоз ва инфекциялар таъсири; токсик, заҳарли моддалар таъсири; МНТ ининг бузилиши; гипоксия ва аноксия, яъни вазннинг ҳаддан ортиқ ёки кам бўлиши; ота-оналар ўртасидаги эмоционал мураккабликлар; моддий шароитларнинг оғирлиги; психик депривация; ўзлаштирмаслик ҳ.к. таъсирида келиб чиқсан диккат етишмовчилиги синдроми ва гиперактивлик.

Типологик диагноз - бу диққатни тўплашдаги нуқсонлар, диққатнинг чалғиши, хулқ-атворнинг импульсивлиги, ўзаро муносабатларда намоён бўлади ва муаммоларга олиб келади. Бунда асоциал ёки муаммоли хулқ-атворли шахс келиб чиқишини прогноз қилиш мумкин. Бундай шахсларда ўз-ўзига баҳо бериш, хавотирланишнинг юқори даражаси, қўркув кузатилиши мумкин. Ўқув муассасаларида таълим-тарбия жараёни муайян илмий психологик билимлар асосида олиб борилиши учун таълим тизимида психологик диагностика ишлари ташкил этилади. Ушбу ишларни амалга ошириш профессионал психологлар, яъни психология мутахассислиги бўйича касбий таёргарликка эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади, чунки улар инсон такдири, таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда иштирок этадилар.

Умуман олганда, инсон дунёга келгандан то вояга етгунга қадар профессионал психологлар диққат марказида бўлиши зарур бўлиб, бола психик тараққиётини узлуксиз тарзда кузатиб бориш талаб қилинади. Бунинг учун эса доимий равишда психодиагностик текширувлар

олиб борилиб, бола психик тараққиётининг бориши ва характери баҳоланиб борилади, унинг таълим-тарбияси учун тавсиялар ишлаб чиқилади ва бу тавсияларнинг амалга оширилиши назорат қилиб борилади. Психологик диагностика психологик хизматнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг интеллектуал ва шахсий имкониятларини, ундаги лаёқат, қобилиятлар, қизиқиш ва майлларнинг ўз вақтида аниқланиши ҳамда қўлланилишини таъминлади. Психодиагностик текширув ўқувчи психик тараққиёти резервларини аниқлаш ва уларни таълим-тарбия жараёнида намоён қилинишини таъминлашга ҳам қаратилади. Агар бола тараққиётдан орқада қолаётган бўлса, психолог унинг сабаблари ва олдини олиш имкониятларини ўрганиб чиқади.

Истеъдодли болалар билан ишлашда психологнинг вазифаси - лаёқатларнинг намоён бўлишини аниқлаш ва уларнинг юксак даражадаги қобилиятларга айлантириш бўйича иш олиб боришдан иборат. Таълим тизимидағи психологик хизматнинг яна бир мураккаб вазифаси - таълим-тарбия жараёнининг сифатини ошириш мақсадида унинг боришини назорат қилиш, яъни педагогик жараёнларни бола психик тараққиёти табиий ва ижтимоий қонуниятлари асосида, таълим-тарбиянинг психологик назарияси асосий қоидаларига биноан ташкил этилишини таъминлашдир.

Психологик хизматнинг муҳим вазифаларидан яна бири - психологнинг педагогик жараёнда бевосита қатнашувчилар: ўқувчи, ўқитувчи, ота-оналар, таълим муассасасалари раҳбарларига амалий жиҳатдан таъсир ўтқазиш, уларга таълим-тарбия жараёнида амалий психологик ёрдам кўрсатишдир. Бунда психодиагностика асосий ва энг муҳим йўналиш ҳисобланади, чунки психологнинг барча ишлари психодиагностика бўйича қўлга киритилган маълумотларга таянади. Психодиагностика ўқувчини психологик жиҳатдан

урганиш методлари, тестларни профессионал даражада қўллашни кўзда тутади.

Психологнинг вазифаси - ўтказилган текширув жараёнида олинган ишончли ва аниқ натижаларга асосланиб, ўқувчилар ҳамда таълим тизимида иштирок этувчиҳасларпсихологиясивахулқ-атворинибаҳолашдан иборат. Психодиагностика билан шуғулланувчи психолог нафақат у ёки бу психодиагностик методикани амалда қўллаш техникасини билиши, балки уларнинг қандай назарий асосда вужудга келганини ҳам эгаллаши зарур.

Психодиагностика мутахассиси керак бўлган пайтда ўзи методикалар яратиши, уларни текшириши ва адаптatsия (мослаштириш) қилишни билиши, уларнинг валидлиги ва ишончлилигини илмий баҳолашусулларини ўзлаштириб олиши лозим. Шунингдек, ўтказилган методика натижаларини илмий асосда интерпретatsия қила олиши ҳам талаб этилади. Психодиагностик тадқиқот ёш хусусиятларига, у ёки бу ёш даври учун етакчи фаолият турининг таъсирига, индивидуал — типологик тавсифномаларнинг тараққиёт даражасига боғлиқ бўлади. Бола тараққиётининг ҳар - бир ёш даври болалар билан ишлашнинг усуллари ва методларини, эксприментал тадқиқотнинг ўз мақсадлари ва вазифаларини талаб қиласди. Кичик ёшдаги болаларни психодиагностик текширув ёш ва педагогик-психологиянинг соҳаси ҳисобланади. Олинган натижалар ёрдамчи характерга эга бўлиб, педагог томонидан бола психик тараққиёти хусусиятларини аниқлашда қўлланилади, таълим - тарбия дастури, турли ҳаётий шароитларда, фаолият, мулоқот жараёнида шахс хулқ-атвори ҳақида маълумотнома тузишда ҳисобга олинади.

Эксприментал тадқиқотдан олинган натижалар оила, таълим-тарбия муассасалари ва жамоат жойларида индивидуал ва гурухий тарбиявий педагогик тадбирлар ташкиллаштиришда қўлланилиши мумкин. Шундай қилиб, психодиагностика таълим - тарбия амалиётида

катта аҳамият касб этади. Илмий асосланган диагностик методларсиз боланинг мактабда ўқишига тайёрлигини аниқлаш ва зарур бўлганда уларга керак бўлган ёрдамни бериш мумкин эмас. Шунингдек, диагностик методларсиз, таълимнинг ривожлантирувчи самарасини кузатиш, ўқувчиларнинг айрим фанлардан ўзлаштириши ҳақидаги асосли маълумотларни қўлга киритиш мумкин бўлмайди, таълимнинг турли методлари, шакл ва воситаларининг самарадорлигини таққослаб, баҳолаш мумкин эмас.

Диагностик методларсиз турли хил ёш даврларида ўқувчи шахсий ва интеллектуал тараққиёти даражасини аниқлаш; ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни қўлга киритиш мумкин эмас. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини билиш эса аввалом бор, уларга индивидуал муносабатда бўлиш учун, улар билан коррекция ишларини олиб бориш зарур. Мактаб психологининг диагностик ишлари гурухий ёки якка тартибда, индивидуал тарзда олиб борилади. Психологик диагностика доирасида психолог қуйидаги ишларни амалга оширади:

- психолог онтогенетик тараққиётнинг муайян мезонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида болалар, ўқувчиларни психологик текширувдан ўтказиб, уларнинг ривожланиш даражаларини аниқлаш;

- ўқитувчиларнинг касбий яроқлилигини ва лаёқатини диагностика қилиш, уларнинг шахс хислатлари, иродавий сифатлари, ҳис-туйғулари, ўз-ўзини бошқариш имконияти, интеллектуал даража ва педагогик қобилиятини текширувдан ўтказиш;

- ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг қизиқиши, майл, илк иқтидорлигини ўрганиш, уларга индивидуал муносабат ва ёндашишини йўлга қўйиш, мутахассис ва етук шахс сифатида шаклланишига ёрдам бериш;

- болалар, ўқувчиларда учрайдиган ўқув малакалари ва кўникумаларини эгаллашдаги нуқсонлар, хулқ-атвордаги

камчиликлар, ақлий тараққиёт ва шахс фазилатларидаги бузилишлар сабабларини диагностика қилиш;

- болалар ва ўқувчиларнинг катталар ва ўз тенгдошлари билан муомаласи хусусиятини текшириш, уларнинг этнопсихологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда психофизиологик методикаларни муайян шароитга мослаштириш;

- психик ривожланишдаги нуқсонлар мөҳиятидан келиб чиқиб, бошқа соҳа мутахассислари билан биргалиқда табақалашган дифференциал диагностикани амалга ошириш;

- болаларда кузатиладиган нуқсонларнинг тиббий ва дефектологик табиатини аниқлаш;

- девиант хулқ сабабларини ва уларнинг шаклларини ўрганиш;

- иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва улар билан ишлаш бўйича илмий психологик тавсиялар ишлаб чиқиши.

Ушбу вазифаларни тўлақонли амалга ошириш психолог томонидан психодиагностик воситалардан, тадқиқот методларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ.

IV.БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВНИНГ МАЗМУНИ, ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ ВА ОЛИНГАН НАТИЖАЛАРНИНГ ТАХЛИЛИ

4.1. Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш мақсадида ўтказилган тажриба-синов мазмуни ва ташкил қилиниши

Тажриба-синов ишларини ўтказишида педагогик кузатиш, сұхбат, савол-жавоб, анкета сўровномалари каби методлардан, шунингдек, муаллифнинг "Ўқувчиларнинг дарсга бўлган муносабатларини кластер технологияси асосида ўрганиш" номли ўқув методик қўлланмаси ҳамда амалий педагогик тестлар ва топшириқлар, уларни жорий этишга оид методик таъминот қўрсатмалар асосида дарсга нисбатан салбий муносабатдаги ўқувчилар, уларнинг отоналарига тавсиялар, таклифлар ва педагогик-психологик билимларни ўзлаштириш бўйича тренинглар ташкил этилди. Шунингдек, дарс интизомига риоя қилмайдиган ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб боришида мактаб раҳбарлари, синф раҳбарлари, фан ўқитувчилари, мактаб психологи, тиббиёт ходимлари учун тавсиялар ва кўргазмали тадбирлар ташкил этилиб, амалда қўлланилди.

Ўқувчиларнинг дарсга бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгартириш мақсадида ўтказилган тадқиқот иши ўзига хос тажриба-синовни ўтказишини тақазо этди. Бунда ҳар бир таълим муассасасида ўтказилган тажрибаларни қуидагича изоҳлашни лозим топдик:

Тажриба-синов жараёнида ёмон ўзлаштирувчи, дарс интизомига доимий равища итоат этмайдиган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан кластер методи асосида мактаб педагогик жамоаси, маҳалла фаоллари, ёшлар ташкилотлари, оила ва ота-оналар меҳнат қилаётган корхона, ташкилот раҳбарлари билан ҳамкорликда ишлаш орқали ўқувчилар ва улар ота-оналарини масъулиятини ошириш, фаоллаштириш ва дарсга нисбатан ўқувчилар

муносабатларини ижобий томонга ўзгартириш мақсад қилиб олинди. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари билан ҳамкорликда ана шу мақсадида жамоатчилик (мактаб, оила, маҳалла, корхона, ташкилот, муассаса) ларни жалб қилган ҳолда ижтимоий-педагогик тажриба-синов ишлари 2020 йилда ташкил этилиб ва у 2023 йилгача давом этди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш учун дастлаб бир мақсад йўлида бирлашишга иштирок этувчи обьектлар билан сұхбатлар ўтказилиб, мақсад ва вазифалар тушунтирилди. Янги Ўзбекистон шароитида баркамол авлодни тарбиялаш умумхалқ иши эканлиги, миллий қадриятларимиз, Шарқ алломаларининг фарзанд тарбияси юзасидан қолдирган улкан маънавий меросларга асосланиш, миллий педагогика, миллий ўзликни англаш йўлида бирлашиш, миллатимизнинг "Болани бегонаси бўлмайди", "Бир болага етти маҳалла ота-она", "Куш уясида кўрганини қиласи", "Онасини кўриб қизини ол" каби қадимий мақол ва ҳикматларга амал қилиш зарурий эҳтиёж эканлиги тушунтирилди. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун - ё ҳаёт, ё мамот, ё саодат, ё фароғат, ё ҳалокат масаласидир" деб ўз даврида бонг урганлиги, миллатнинг келажаги учун бехуда қайғурмаганлиги, бу даъват бугунги давр учун ҳам ўз мазмун-моҳиятини йўқотмаганлиги, аксинча ёш авлод таълим-тарбияси учун ўта зарурат эканлиги уқтирилди.

Президентимиз Ш.М.Мирзияевнинг таълим соҳасини ислоҳ қилиш йўлида олиб бораётган тизимли сайъи ҳаракатлари, шу мақсад йўлида қабул қилинаётган Президент қарор ва фармонлари, ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳияти ҳам Янги Ўзбекистон фуқораларини баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, рақобатбардош мутахассис кадрларни етиштириш, илгор хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш, ёшлар қобилият ва иқтидорларини ривожлантириш учун барча имконият ва қулийликларни яратиб беришга

қаратилғанлиги тадқиқот ишимизнинг мақсад-муддаосига мос келиши, шу мақсадда бирлашиб зарурати мавжудлиги, тарбия - бутун аҳолининг иши эканлиги, жамият тараққиётидан барча манфаатдор эканлиги сұхбатимизнинг асосини ташкил этди.

Тажриба-синов ишини бошлаш учун Қарши шаҳар 7-умумтаълим мактаби (дир. Аброр Муродов) педагогик жамоси билан махсус тайёргарлик ишлари олиб борилди. Синф раҳбарлари орқали дарс интизомига тоқат қилмайдиган ўқувчилар ва улар ота-оналари рўйхати шакллантирилди. Ота-оналарга фарзандлари орқали муддати, аниқ вақти қўрсатилиб мактублар йўлланди. Аммо қўрсатилган вақтда бирорта ҳам ота-она келмади, фақат фарзандининг қистови билан уч нафар она телефон орқали алоқага чиқиб, “ҳа, тинчликми, боламни нега қийнайсизлар, кечадан бери ҳаловати йўқ. Мен бориб нима қилиб бераман, ишларингни қиласвермайсизларми” каби зътиrozларни билдириди. Мақсадга эришиш учун қўйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Дарсга салбий муносабатдаги ўқувчилар аниқлаб олиниб, улар билан тушунтириш, профилактика ва корекцион ишлари олиб борилди.

2. Ўша ўқувчиларнинг оила аъзолари, ота-оналарининг касб-кори, маълумотлилик даражаси, фарзанд тарбиясидаги тажрибаси, маҳаллада, жамиятда тутган ўрни, меҳнат жамоасидаги обрў-эътибори ўрганилди.

3. Маҳалла оқсоқоли ва фаолларининг худуддаги мактабларда ва ОТМларда таҳсил олаётган ёшлар билан нечоғлик қизиқиши, ночор ва ноқобил оиласарда тарбия топаётган болаларнинг сони, ахволи ва уларни назоратга олинганилиги таҳлил этилди.

4. Дарсга салбий муносабатдаги ўқувчилар ота-оналари меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари билан сұхбатлар уюштирилиб, мақсад-муддао тушунтирилди ва ўша

ота-оналар билан алоҳида сұхбатлар ўтказиш, уларга фарзандлари келажаги учун қайғуриш, мактаб билан доимий алоқада бўлиш, таклиф этилганда ташриф буюришни таъминлаш чораларини кўриш юзасидан тавсиялар берилди.

5. Корхона ва ташкилотларда ота-оналар “доска” ни ташкил этиш, фарзанд тарбиясида намунали ота-оналар расмларини қўйиш, уларга имтиёзлар беришни йўлга қўйиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўриш учун тавсия ва таклифлар берилди.

6. Олиб борилган тажриба-синов ишлари ва аниқланган ҳолатлар юзасидан туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринbosарларига ахборот берилиб, вазиятни назоратга олиш ва амалий ёрдам бериш сўралди.

Натижада Қарши шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олаётган 957 нафар ўқувчилар ота-оналаридан 81 нафари доимий равишида мактаб ота-оналар йиғилишларига иштирок этмасдан келганлиги аниқланди. Мактаб директори Аброр Муродов бизнинг тавсияларимизга мувофиқ ўша ота-оналар меҳнат қиласиган корхона ва ташкилотларга, маҳалла раҳбари, участка инспекторига хат йўллаб, уларни фарзандлари ўқийдиган мактабга ташриф буюришга кўмаклашишни сўраб мурожаат қилди. Орадан бир ҳафта ўтиб ўша ота-оналар фарзандлари ўқийдиган синфларда йиғилиш белгиланди. Қарангки, айрим ота-оналар мактаб раҳбаридан хафа бўлиб, «Шуни раҳбаримизга, маҳаллага айтиш шартмиди, участка инспектори бир ҳафтадан бўён тинчлик бермайди. Корхона раҳбаримиз ҳам кўпчилик олдида изза қилди» деб гинахонлик ҳам қилишди. 81 нафар фарзандлари келажагига бефарқ бўлган ота-онадан 65 нафари келди. 16 нафар ота-оналар келмади, уларнинг оталари хорижда ишлаш учун кетганлиги маълум бўлди. Онлари эса бола тарбияси билан машғул эканлиги аниқланди. Шуниси аҳамиятлики, дарс интизомига

салбий муносабатдаги ўқувчилар ва улар ота-оналарига кластер методи орқали таъсир кўрсатиш, олиб борилган тушунтириш ишлари, маслаҳат ва тавсиялар таъсирида ўша ота-оналар доимий равишида синф, мактаб миқёсида ўтказиладиган тадбирларнинг фаол иштирокчиларига айланди. Улар фарзандлари хулқ-атвори ва дарсларга бўлган интизоми ҳам аста-секин ижобий томонга ўзгарди. Ўтган уч ўқув йили (2020-2021, 2021-2022, 2022-2023) давомида олиб борилган кузатувлар натижаси ўлароқ, ўша оталарнинг фарзандларидан 21 нафари ОТМ га, 12 нафари ўрта маҳсус ўқув муассасаларига ўқишини давом эттироқмөқдалар. Битта мақсад сари кўпчиликнинг бирлашиш натижаси шундай якун топди. Олиб борилган чора-тадбирлардан ота-оналар аввалига ранжиган бўлсалар, кейин миннатдорчилик изҳор этдилар. Кластер технологияси орқали хулқи ёмон ва паст ўзлаштирувчи, дарслардан қочадиган, уй вазифаларини доимий равишида бажармайдиган ўқувчиларни билим олишга бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгаририб ва улар ота-оналарни мактабдаги тадбирларга фаол иштирок этишга эришди. Ўша ота-оналардан вакиллар “Мактаб ота-оналар қўмитаси” аъзолигига ҳам киритилди.

Қарши шаҳар халқ таълими бўлими 7-умумий ўрта таълим мактаби тажрибасини шаҳар мактаблари ўртасида оммалаштиришни кун тартибиға қўйди.

Шунингдек, тажриба шаҳардаги 29-умумтаълим мактабида ҳам ўтказилди. Мактабда 1300 дан ортиқ ўқувчи таҳсил олади, дарслар икки навбатда ташкил этилган. Бу таълим масканида кўп йиллардан бери тажрибали директор Жамила Тўрақулова фаолият олиб боради. Биз унга мақсадимизни тушунтиришга ҳаракат қилдик ва қанча ота-она мактабга ташриф буюрмасдан фарзандлари таълими-тарбиясига бефарқлик қилиб келаётганини сўрадик. Бундай маълумотни аниқлаш учун бир соат вақт талаб қилинди. Синф раҳбарлари орқали олинган маълумотларга асосан 94 нафар ота-оналар доимий

равишида синф ва мактаб ота-оналар йиғилишларига келмаётганлиги маълум бўлди. Мактаб директоридан қандай чора-тадбир белгилаганligини сўрадик. Раҳбар мулзам бўлиб, маҳаллага бир неча марта айтгани, натижа чиқмаганини рўкач қилди. Мактабнинг маънавий-матърифий ишлар бўйича директор ўринbosарининг синф раҳбарлари, ота-оналар, маҳалла вожамоатчилотлар билан олиб бораётган ишлари билан танишиб холосага келдикки, мактаб маъмурияти 94 нафар ота-онани мактабга келтириш чора-тадбирлари самарали ташкил этилмаган. Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, участка инспектори, ота-оналар меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасалар маъмуриятига ёзма равишида мурожаат этилмаган. Оқибатда 94 оиласнинг 106 нафар ўқувчилари тақдири ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Биз тадқиқот методи мазмунига мос равишида мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари, мактаб психологи, ота-оналар қўмитаси раиси, маҳалла инспектори иштирокида йиғилиш ўтказиб мақсадимизни тушунтирдик. Масъулиятсиз 94 нафар ота-оналарни синфлар кесимида аниқлаштириб, улар меҳнат қиласидиган давлат ва нодавлат корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига, маҳаллаларига хатлар ташкил этишни маслаҳат бердик ва бир ҳафтадан кейин ўша синфларда ота-оналар йиғилиши ўтказиши тавсия қилдик. Маълум бўлишича, олиб борилган профилактик иш натижасига кўра 94 нафар ота-оналардан 66 нафари мактабга келишган. 13 нафар оталар четга ишга кетганлиги аниқланган.

Эътироф этиш керакки, мактаб директори Ж.Тўрақулованинг жиддий саъи-ҳаракатлари билан шундай натижага эришилган. 2020-2021 ўқув йили бошида ўтказилган тажриба ўз самарасини берди. Яъни, ўша ўқув йили ва ундан кейинги 2021-2022, 2022-2023 ўқув йилларида ҳам ўша ота-оналар тадбирларга фаол иштирок этишган, фарзандларининг таълим-тарбия самарадорлиги 50-60% га яхшиланган. Мактабни тугатган 9 битирувчидан

4 нафари ОТМ (ҚарДУ, Қарши қишлоқ хўжалигини механизатсиялашва иқтисодиёт институти) ҳамда 2 нафари ўрта маҳсус таълим муассасасига талабаликка қабул қилинган. Бошланғич синф ўқувчиларининг 2 нафари ёлғиз она қаромогида эканлиги, лекин фарзандлари яхши баҳоларда ўқиётганлиги ва намунали хулқа эгалиги эътироф этилди. Ўқувчиларнинг дарс жараёнига бўлган муносабатлари аста-секин ижобий томонга ўзгарди. Мактабдан ва синфдан ташқари тадбирларнинг фаол иштирокчиларига айланишди, 53 нафари спорт, 22 нафари фан тўгараклари, 4 нафари техник ижодкорлик тўгараги, 3 нафари ашула ва мусиқа тўгаракларинг фаол иштирокчиларига айланишди. Натижалардан педагоглар ҳам, ота-оналар ҳам мамнуният ҳиссини туймоқдалар.

Якуний натижа шундан иборат бўлдики (уч йилда), 94 нафар ота-онанинг 102 нафар фарзандларидан 57 нафари тўлалигича ижобийликка эришди. Қолган 37 нафар ўқувчилар 6-9 синф ўқувчилари бўлиб, улар билан ҳам тегишли педагог-психологлар назорати остида профилактик ишлари давом эттирилмоқда. 8 нафар ўқувчиларнинг саломатликларида нуқсони борлиги, улар инклюзив таълимга тортилганлиги маълум бўлди.

Тадқиқотимиз давомида тажриба-синов майдончаларида олиб борилган профилактик ишлар ўзининг амалий натижаларини берди. Эътироф этиш керак, амалий ижобий натижаларга осонликча эришилгани йўқ. Мактаб раҳбарларининг қатъий назорати ва синф раҳбарларининг жонбозликлари, маҳалла оқсоқолларини (маҳалла оқсоқоллари сабиқ ўқитувчилар) бу ишга жалб этилганлиги, уларнинг хайриҳоҳлиги, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари раҳбарларининг бу маъсулиятли ишга бош қўшганлиги биз тадқиқотчиларни хурсанд қилди.

Демак, барча умумий ўрта таълим мактабларида шу тажрибани амалиётга қўллаш, ташкил этиш ўзининг самарасини беришига ишонч ҳосил қилдик. Ахир, тарбия

масаласи - ҳамманинг иши эканлигини унутмаслик керак. Баркамол авлод тарбиясидан ҳамма манфаатдорлиги ҳам бор гап.

Тажриба-синов ишларини ўтказишда тадқиқотчи педагогик кузатиш, суҳбат, савол-жавоб, анкета сўровномалари каби методлардан, шунингдек "Ўқувчиларнинг дарсга бўлган муносабатларини кластер технологияси асосида ўрганиш" номли ўқув методик қўлланмаси ҳамда амалий педагогик тестлар ва топшириқлар, уларни жорий этишга оид методик таъминот кўрсатмалар асосида дарсга нисбатан салбий муносабатдаги ўқувчилар, уларнинг ота-оналарига тавсиялар, таклифлар ва педагогик-психологик билимларни ўзлаштириш бўйича тренинглар ташкил этилди. Шунингдек, дарс интизомига риоя қилмайдиган ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб бориша мактаб раҳбарлари, синф раҳбарлари, фан ўқитувчилари, мактаб психологи, тиббиёт ходимлари учун тавсиялар ва кўргазмали тадбирлар ташкил этилиб, амалда қўлланилди.

Хулоса қилиш мумкинли:

1. Тажриба-синов жараёнида ёмон ўзлаштирувчи, дарс интизомига доимий равища итоат этмайдиган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан кластер методи асосида мактаб педагогик жамоаси, маҳалла фаоллари, ёшлар ташкилотлари, оила ва ота-оналар меҳнат қилаётган корхона, ташкилот раҳбарлари билан ҳамкорликда ишлаш орқали ўқувчиларни фаоллаштириш ва дарсга нисбатан муносабатларини ижобий томонга ўзgartириш мақсад қилиб олинган эди. Мактаб раҳбарлари, синф раҳбарлари, ўқитувчилар, мактаб психологи билан ҳамкорликда олиб борилган кенг қамровли тадбирлар ўз натижасини берди. Ота-оналарнинг фарзандлари таълим-тарбиясига нисбатан бефарқлик ва маъсулиятсизликлари, мактаб педагогик жамоасига нисбатан беписандлик ҳолатлари чукур таҳлил қилинди.

2. Шунингдек, ўқув-тарбия муассасаларида ёшларга

таълим ва тарбия бераётган ўқитувчи-педагогларнинг тайёргарлик даражалари, тажриба ва малакалари, касб маҳоратлари ва ўз касбига бўлган мослиқ даражаси (компонентлиги) қай даражада, улар томонидан ёшларимизга берилаётган таълим ва тарбиянинг самарадорлик даражаси бугун шиддат билан кечеётган глобаллашув жараёнларига нечоғлик мослигига урғу берилиб, зарурый тавсиялар, маҳорат дарслари ташкил этилди.

3. Ўқувчиларимиз орасида тарбияси қийин болаларнинг хатти-ҳаракатларини педагогик-психологик таҳдил этиш ва уларга амалий жиҳатдан кўмак бериш, тарбиячи-педагоглар учун мазкур йўналишда етарли тасаввурга ҳамда улар билан амалий машғулотлар ўтказиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши нуқтаи назаридан замонавий талабларнинг мазмун-моҳияти таҳдил этилди.

4. Дарс самарадорлигига эришиш асосан ўқувчиларнинг дарсга бўлган муносабатларига боғлиқлиги, бунинг учун оиласда ота-оналарнинг фарзандларини мактабда билимларни пухта эгаллашга жисмонан ва руҳан тайёрлаш, руҳлантириш, дарс тайёрлаш учун зарурый шароитларни яратиб бериш, доимий назоратга олиш зарурлиги юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди.

Мактаб раҳбарлари, синф раҳбарлари, ўқитувчилар, мактаб психолози билан ҳамкорликда олиб борилган кенг қамровли тадбирлар ўз натижасини берди. Ота-оналарнинг фарзандлари таълим-тарбиясига нисбатан бефарқлик ва масъулиятсизликлари, мактаб педагогик жамоасига нисбатан беписандлик ҳолатлари чукур таҳдил қилинди.

Шунингдек, ўқув-тарбия муассасаларида ёшларга таълим ва тарбия бераётган ўқитувчи-педагогларнинг тайёргарлик даражалари, тажриба ва малакалари, касб маҳоратлари ва ўз касбига бўлган мослиқ даражаси (компонентлиги) қай даражада, улар томонидан

ёшларимизга берилаётган таълим ва тарбиянинг самарадорлик даражаси бугун шиддат билан кечеётган глобаллашув жараёнларига нечоғлик мослигига урғу берилиб, зарурый тавсиялар, маҳорат дарслари ташкил этилди.

Ўқувчиларимиз орасида тарбияси қийин болаларнинг хатти-ҳаракатларини педагогик-психологик таҳдил этиш ва уларга амалий жиҳатдан кўмак бериш, тарбиячи-педагоглар учун мазкур йўналишда етарли тасаввурга ҳамда улар билан амалий машғулотлар ўтказиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши нуқтаи назаридан замонавий талабларнинг мазмун-моҳияти таҳдил этилди.

Дарс самарадорлигига эришиш асосан ўқувчиларнинг дарсга бўлган муносабатларига боғлиқлиги, бунинг учун оиласда ота-оналарнинг фарзандларини мактабга билимларни пухта эгаллашга жисмонан ва руҳан тайёрлаш, руҳлантириш, дарс тайёрлаш учун зарурый шароитларни яратиб бериш, доимий назоратга олиш зарурлиги юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди.

4.2. Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш мақсадида ўтказилган тажриба-синов натижалари таҳдили

Тадқиқот юзасидан Чирчик шаҳар 21, мактаб, Қашқадарё вилояти Қаршишаҳридаги 7, 29-мактабларида, Самарқанд шаҳар, Самарқанд туманидаги 8-мактабда ва Қашқадарё вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази тингловчилари билан ўтказилган тажриба-синов, амалий ишлар якунлари қўйидаги натижаларни берди.

1. Синф раҳбарлари учун ўқувчиларда дарс интизомига ижобий муносабатни аниқлаш мақсадида тавсия этилган тест саволлари ва уларнинг жавоблари

таҳлили:

Синф раҳбари бўлиш учун ўқитувчи қандай сифатларга эга бўлиши керак деб ўйлайсиз? Деган саволга респондентлардан 47,1 % етарли педагогик ва ҳаётий тажрибага эга бўлиш, 31,3 % етарли тажрибага эга бўлиш ва ўқувчиларни севиш, 21,6 % эса синф раҳбари бўлиш учун ўқувчиларни севиш керак, деган жавобни берганлар.

Бундан кўринадики, респондентларнинг аксирият қисми синф раҳбари бўлиш учун қандай интеллектуал сифатларга эга бўлиш зарурлигини аниқ тасаввур эта билмайдилар. Фақат болаларни яхши кўриш билан синф раҳбари амалга ошириши лозим бўлган жуда катта ва масъулиятли тарбиявий ишларни бажара олмайдилар. Шунинг учун ҳам аксирият синф раҳбарлари фаолиятлари талабга жавоб бермайди. Мактаб раҳбарлари тажрибали ўқитувчилар орасидан синф раҳбарларини тайинлашга алоҳида эътибор беришлари зарур. Улар билан қўшимча ўқув семинарлари ташкил этиш ва ўз устида мустақил ишлашни йўлга кўйиш мактаб раҳбарларига катта масъулият юклайди. Синф раҳбарлари учун методик кўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни методик кўллаб-куватлаш зарур.

Синф раҳбари ўқувчиларнинг ДТС талаблари даражасида БКМларини эгаллашлари учун жавобгарми? Деган саволга синф раҳбарларининг 43,7% тўла жавобгар, 51,3 % эса "Таълим тўғрисида" ги қонун талаблари асосида жавобгар, деб ўйлайдилар. 5,0% респондентлар жавоб беришга қийналишган. Таҳлиллардан кўринадики, жавоблар мантиқан тўғри, лекин ўқитувчиларда иккиланишлар ҳам мавжуд.

Синфдаги интизомсиз, тўполончи болалар қандай пайдо бўладилар, уларнинг келиб чиқиши сабабларини қандай изоҳлайсиз? Деган саволга 53,2 % синф раҳбарлари тўполончи болаларнинг келиб чиқишига оила айборлигини, 43,7 % синф раҳбарлари

дарс интизомигага нисбатан салбий муносабатнинг келиб чиқишига тажрибасиз, лоқайд ўқитувчиларнинг ўқувчиларни қўлга ола билмасликлари оқибатида, 1,9 % эса туғма тўполончи болалар бўлиши, 1,9% жавоб беришга қийналган.

Олинган жавоблардан кўринадики, кўпчилик (65,9%) синф раҳбарлари дарс интизомига салбий муносабатнинг келиб чиқишига фақат ота-оналарни айблаш билан чегараланиб қолганлар. Улар синф раҳбари сифатида ўзларининг тўла бурч, вазифалари масъулияtlарини ҳис қилмайдилар. Ота-оналар болаларини мактабга мўмин-қобил, тартиб-интизомли қилиб юборишларини истайдилар. Бир тоифа (24,1%) синф раҳбарларининг фикрича болалардаги салбий муносабатга ўқитувчилар томонидан ўқитаётган фанига нисбатан болаларда қизиқиш уйғота олмасликлари асосий сабаб деб ўйлайдилар. Синф раҳбарлари (10%) орасида "туғма тўполончи болалар бўлади" деб фикр юритишлари ажабланарли ҳолдир. Демак, бундай тоифадаги синф раҳбарлари фаолиятларини чуқур таҳлил этиш ва хуласа чиқариш муҳимдир.

Синфингиздаги ҳамма ўқувчиларнинг ота-оналарини ва уларнинг ижтимоий келиб чиқишилари билан шахсан танишмисиз? Деган саволга 91,2 % синф раҳбарлари "Ҳаммасини танийман, уй шароитлари билан яхши танишман" деб жавоб берганлар, фақат 1,9 % "Синфда ўқувчилар сони кўп қандай улгурман, 7,6% чалароқ танишганман" деган жавобни берган. Юзаки қараганда жавоблардан қониқиш мумкиндек кўринади, аслида жавобларнинг сохталиги мактаб ва оила ўртасидаги бир қатор тадбирларга ота-оналарнинг иштирок этмаслиги, ўз вақтида мактабдан берилган тавсияларни бажарилмаслиги, ота-оналарнинг лоқайдлигига нисбатан синф раҳбарларининг бефарқликлари каби жиҳатларда яққол кўринади.

Синфингизда кам таъминланган, ночор

оилалардан ўқувчилар борми, уларга муносабатингиз қандай? Деб берилган саволга жавобан 89,3 % синф раҳбарлари “Ха, бор, улар билан алоҳида шуғулланаман”, 7,6 % эса “Ҳеч ким менга noctorman демаган”, 3,8% “ундай ўқувчилар йўқ”, деб ўз муносабатларини билдирганлар. Синф раҳбарлари орасидан оз бўлсада меҳр-мурувват ишларини иккинчи даражали деб ўйлайдиган, ўзи масъул бўлган синф ўқувчиларининг тақдирларига нисбатан бефарқлик хукм сураётганилиги ачинарли ҳолдир.

Ўқувчиларингизнинг ҳаммаси оиласдан ҳар куни дарс машғулотларига кўтаринки кайфиятда келадиларми? Ушбу саволга жавоблар қуйидагича: 41,8 % синф раҳбарлари “Ота-оналар дарсгача болаларини бошқа ишларга жалб қиласдилар”, 43,7 % синф раҳбарлари “Айрим ўқувчилар дарсларга тушкин кайфиятда келадилар, баъзилари ухлаб ҳам қоладилар”, 15,2% эса жавоб беришга қийналишган.

Жавоблар таҳдилидан келиб чиқадиган хулосалар тўғрисида тавсиялар берилиши лозим.

Синфингизда ўқувчилар давомати барқарорми, ўзлаштириши-чи? Жавоблар: “Давоматни тўлиқ бўлиши учун курашаман, ота-оналар билан бу масалада кўп гаплашаман” сўровга иштирок этган синф раҳбарларининг 89,3 % шундай жавоб берганлар. 9,5% “Давомат турлича бўлади, айрим ўқувчилар сурункасига кечикиб келади”, 3,8% “Дарсга ўтира олмайдиган ўқувчилар қўпроқ дарс қолдирадилар”, деган жавобларни берганлар. Афсуски, айнан ўша мактабларда таълим самарадорлиги замонавий талабларга жавоб бермайди.

Синфингизда касалманд болалар борми, касаллик сабабларини биласизми? Ушбу саволга 53 респондентдан 6 нафари (11,4%) “касалман болалар борлигини аниқлаганим йўқ”, 3 нафари (5,7%) саволга умуман муносабат билдирамаган, 2 нафар респондент (3,8%) “мен ҳаракат қиласман, ота-онаси лоқайдлик билан қарайди”, қолган 79,8 % “Касалманд болалар бор, ота-оналари билан

гаплашганман” деган жавобни беришган. Кўринадики, оз бўлсада синф раҳбарлари томонидан камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда, ўша оилалардан ўқувчилар дарс интизомини бузишмоқда.

Мактаб психологи ўз вазифасини мукаммал бажаряпти деб ҳисоблайсизми? Ушбу саволга берилган жавоблар билан танишиб, наҳотки шундай бўлса, деб ўйлайсан. Қаранг, 50,2 % синф раҳбарлари “Мактаб психологи ўз вазифасини бажараётган бўлса керак”, деб тахмин қиласдилар. 24,7 % эса “Психолог жуда ҳаракатчанга ўхшайди, лекин натижа ўзгармаяпти” деб ҳайрон бўласдилар. 19,0 % эса “Психолог мутахассис эмас, бу вазифани уddyalай олмайди” деган жавобни берган. Бу шундан далолат берадики, мактабларда бошқарув тизими талаблар даражасида ишламайди. Мактаб раҳбарлари ҳар бир бўғин ходимлари ишини қатъий назорат қилмайди. Синф раҳбари ўз ҳолича, психолог ўз ҳолича, маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланадиган директор ўринбосари эса улар ишини назорат қилмайди. Мактабда ўқитувчилар, синф раҳбарлари психологнинг вазифаси нимадан иборат эканлигини аниқ-тиниқ тасаввур эта олмайдилар. Хулоса қилиш мумкинки, ўқувчиларнинг руҳий олами кўп ҳолларда назардан четта қолиб кетади. Дарс интизомига салбий муносабатни келтириб чиқарувчи омиллар ўрганилмайди, ўқувчиларнинг руҳий ҳолатлари, соғликлари доимий равишда назорат остига олинмайди.

Психо-физиологик ривожланиш деганда нимани тушунасиз? Синф раҳбарларининг 62,7 % “Агар болада ақлий ва тана тузилиши жиҳатдан ривожланишда нуқсони бўлса, у фанларни ўзлаштира олмайди” деб ҳисоблайдилар. 24,7 % эса “Психо-физиологик ривожланиш – бу руҳий ва жисмоний ривожланиш” эканлигини эътироф этадилар. Аммо, уларга қандай эътибор бериш кераклиги ҳақида лом-лим демайдилар, 13,3 % “Ўқувчининг ўзлаштириши соғлигига боғлиқ эмас”, деб аянчли жавобни берганлар.

Туғма нуқсонли ёки касалманд болалар борми,

агар бўлса улар ўқув жараёнига қандай иштирок этадилар? Бу саволни беришдан кўзда тутилган мақсад синф раҳбарлари қанчалик даражада ўқувчиларининг саломатликларини кузатишларини аниқлаш эди. Жавоблар эса қуидагича: 53,2 % синф раҳбарлари туғма нуқсонли, касалманд болалар борлигини билишадилар. 38,0 % эса "Йўқ, ундан ўқувчилар синфда мавжуд эмас" лигини, 7,6 % эса "ҳозирча аниқланим йўқ", 1,9 % жавобни очиқ қолдирган.

Ота-оналарнинг фарзанди тарбиясига лоқайдликлари сабабларини қандай изоҳлайсиз? Бу саволга жавоблар қуидагича: 49,4 % синф раҳбарлари ота-оналарнинг фарзанди тарбиясига лоқайдликлари сабабларини уларнинг тарбия соҳасида малакалари етарли бўлмаганлигидан, 32,3 % эса ота-оналарнинг мактаб билан алоқалари ёмонлиги оқибатидан, 15,2 % эса "Ота-оналарнинг тажрибасизлиги" деб биладилар. Ҳар иккила жавобда ҳам синф раҳбарлари ўзларидан масъулиятни қочиришга ҳаракат қиласидар. Ҳолбуки, синф раҳбари ўқувчининг баркамол шахс сифатида шаклланишида ота-онадан кейинги шахс эканликларини унтиб кўядилар.

Қандай қилиб ота-оналарга масъулият хиссини сингдириш мумкин? Жавоблар шундай: 47,5 % респондентлар "Ота-оналарнинг маълумотлилик даражасига қараб уларни тоифаларга ажратиш ва улар билан ишлаш керак" деган ҳақиқатга яқинроқ жавбни беришган. Қолган 49,4 % эса "Синф мажлисларида уларнинг ҳисботларини эшлиш керак" лигини, (3,8 %) "Боласининг келажагини ўйласа, ўзи бир кун инсофга келиб қолади" дейишдан ҳам тортинмаган.

Дарс интизомига салбий муносабатнинг шаклланишида сизнингча кимлар айбор, ота-оналарми ёки ўқитувчилар? Жавоблар эса қуидагича: 72,2% респондентлар дарс интизомига салбий муносабатнинг шаклланишида "Ҳар иккаласи ҳам", яъни ўқитувчилар ва ота-оналар ҳам айбор эканликларини

тан олганлар, 19% эса фақат ота-оналар айборлигини, 9,5 % "Ким айборлигини билмайман", деб жавоб берганлар.

Ота-оналарнинг педагогик ва психологик маълумотларини ошириш учун мактаб жамоасининг вазифалари нимадан иборат? Бу саволга жавоблар қуидагича: респондентлардан 15,2 % ота-оналарни бола тарбияси бўйича педагогик ва психологик саводхонликларини ошириш кераклигини, 79,8 % эса тажрибали ота-оналарнинг илгор тажрибаларини оммалаштириш зарурлигини эътироф этганлар. Жавобсиз қолган 5,7%.

Хуросалар:

- синф раҳбарлари учун қисқа муддатли маҳсус малака ошириш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз;

- синф раҳбарлигига катта ҳаётӣ ва педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчиларни тайинлаш, агар имкони бўлса юқори синфларда эркак ўқитувчилардан тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлади;

- ота-оналар билан синф раҳбарлари ўртасида узвий алоқани жорий этиш, ота-она ва синф раҳбари масъулиятини замонавий талаблар даражасида ошириш;

- мактабдаги амалиётчи психологларни мутахассис кадрлардан иборат бўлишига эришиш, улар фаолиятларини қатъий назоратга олиш, ҳар бир ўқувчи билан индивидуал шуғулланишини таъминлаш;

- мактабда ота-оналар учун синф раҳбарлари бошчилигига доимий ҳаракатдаги семинар-ўқувни доимий ташкил этиш;

- ота-оналарнинг ишлайдиган ташкилот, муассаса ва корхоналар раҳбарлари ёки яшаш жойидаги маҳаллалар орқали зарурий вақтларда уларнинг мактабдаги тадбирларга иштирок этишини таъминлаш, ҳамда масъулиятларини оширишга ёрдам беришга эришиш;

- синф ўқувчиларининг саломатликларини муҳофаза қилиш учун психолог ва тиббий ходимлар

үртасидаги ҳамкорлик фаолиятларини назоратта олиш ва фаоллаштириш;

- ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясида масъулиятларини ошириш мақсадида зарур ҳолларда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ёрдамига таяниш;

- дарс интизомига салбий муносабатнинг шаклланишига йўл кўймаслик учун ўқувчиларнинг оиласи шароитлари билан яқиндан танишиш, заруррий ҳолларда ота-оналарга беминнат амалий ёрдам бериш;

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларга нисбатан кластерли таъсир этиш юзасидан мактаб ўқитувчилари билан ўтказилган тажриба-синов натижалари таҳлили:

1. Сиз дарс берадиган синфда дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар борми? Ушбу саволга ўқитувчиларнинг 61,5 % "Ха, бор, улар синф ўқувчиларининг 1,0 дан -10,0 % гачасини (бунда кимдир 1,0, кимдир 2,0 ва ҳ.к.) ташкил этади" деб жавоб берди. 25,5 % ўқитувчилар "Бундай ўқувчилар мен дарс берадиган синфларда йўқ", 6% эса "Салбий муносабатни ўзи нима?" деб саволга -савол билан жавоб берганлар. 3,0 % жавоб бермаган. Жавоблардан шундай хulosha чиқадики, аксарият (61,5 %) ўқитувчилар ўзларининг кўп йиллик тажрибаларига асосланган ҳолда синфларда бундай ўқувчилар борлигини, дарс жараёнида улар билан алоҳида ишлаш лозимлигини биладилар. 25,5 % ўқитувчилар эса бундай ўқувчилар дарс берадиган синфларида йўқлигини эътироф этганлар. Ёки 3,0 % саволга жавоб беришга мантиқан ёндаша олишмаганлар. Демак, сўровга иштирок этган ўқитувчиларнинг 37,5 % (25 нафари) тажрибасизлик ёки лоқайдлик туфайли масаланинг моҳияти юксак аҳамиятга эга эканлигини англамаганлар.

2. Бундай салбий оқибатнинг келиб чиқиши сабабларини қандай изоҳлайсиз? Саволга жавоблар қуйидагича: ўқитувчиларнинг 75,35 % "Ўқувчи фикрини бир жойга тўплай олмайди, уни қандайдир муаммо

қийнаётган бўлса керак" лигини, 24,66 % "Салбий оқибатларнинг келиб чиқишига ота-она айбдор"лиги, 4,11 % эса "Сабабини билмайман" каби жавобларни берганлар.

Хulosha қилиш мумкинки, ўқитувчилар кўп ҳолларда ўқувчиларнинг қалбига қулоқ солмайдилар, ўша "қийнаётган муаммо" ни аниқлаш ва ўқувчига ёрдам бериш учун бош қотирмайдилар. Ҳатто, ўқувчидаги салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи омилларни "билимслиги" билан ўзларининг ҳақиқий педагог эмасликларини тасдиқлаяптилар. Бунинг оқибатлари эса жамият учун янада катта манавий-мафкуравий ташвишларни келтириб чиқариши мумкин.

3. Ўша ўқувчиларнинг оила аъзолари кимлардан иборат, уларни танийсизми? Бу саволга жавоблар: ўқитувчиларнинг 80,8 % ўқувчиларнинг оила аъзоларини таниши, яхши оила эканлиги, аммо боласи ўйинқароқ эканлигини, 5,5 % оила аъзоларини танимаслигини, қизиқиб кўрмаганлигини, 12,3 % эса ўқувчининг онаси ўғайлиги, унга нисбатан эътиборнинг камлигини, яна 5,5 % респондентларимиз ҳаттоки, саволга нисбатан муносабат билдиришни ҳам ўзларига эп кўрмаганлар. Хulosha шуки, аксарият ҳолларда ўқитувчилар фақат дарс бериш, ўқувчига билим бериш билан чегараланиб қоладилар, таълим бериб тарбиялаш кейинги ўринга тушиб қоладиганга ўхшайди.

4. Ўқувчиларнинг оиласи шароитлари билан танишмисиз, уйда дарс тайёрлаш учун етарли шароитлар яратилганми? Жавоблар қуйидагича: респондентларнинг 61,6 % ўқувчининг уйда ҳамма шароити борлиги, ҳаттоки, компьютери ҳам, лекин ўқишида оқсаси, 20,5 % ўқувчининг уй шароитлари билан таниш эмаслиги ва билмаслигини тан олганлар, 15,1 % эса ўқувчининг ўзлаштираслик сабабларини ўқув жиҳозлари ва дарслеклари етарли бўлмаганидан деб ўйладилар, шунингдек, 2,74 % (2 нафар) саволга жавоб бермаган. Таҳлиллар шундан далолат берадики, ўқитувчилар билан

синф раҳбарлари ва ота-оналар ўртасида узвий боғланиш йўқ, ҳамманинг ўз ҳолича қилган ҳаракатлари етарли даражада самара бермаяпти.

5. Ўқув жараёнига нисбатан салбий оқибатнинг келиб чиқишида ота-оналарни айбор деб ҳисоблайсизми? Бу саволга: 50,7 % ўқитувчилар кўпроқ ота-оналар айборлигини, 32,9 % жавоб беришга қийналиши, 16,4 % эса “Ота-она ҳам нима қилсин, эртадан-кечгача ишласа, ҳаммаси боланинг ўзидан” деб фарзанд тарбиясига асосий жавобгар бўлган ота-оналарни ҳимоялаш орқали жамиятни ривожлантирувчи баркамол авлодни тарбиялаш масаласига бефарқликларини изхор этадилар.

6. Ўқувчининг руҳий ва физиологик жиҳатдан ривожланишида нуқсони бор-йўқлиги билан қизиқдингизми? Жавоблар: 58,9 % ўқитувчилар боладаги нуқсонлар ҳақида унинг ота-онаси билан гаплашганлигини, ота-оналар эса бу мурожаатни оғриниб қабул қилганликларини билдирганлар. 30,1 % шунчаки мактаб психологига мурожаат қилганлиги, кейин натижасини суриштирганлигини, 5,5 % “Йўқ, қизиқмадим, бүменингиши мәмас”, яна 5,5 % саволга умуман муносабат билдиригани. Хулоса шуки, ўқитувчилар, ота-оналар ва мактаб психологи ҳам ўта жиддий ҳисобланган масала билан юзаки, енгил-елли шуғулланиб келадилар. Бундай ҳолатни юзага келтирувчи сабаб таълим-тарбия муассасасида замонавий бошқарув тизими мавжуд эмаслиги, мактаб раҳбарларининг муассасани илмий-методик асосда бошқариш механизмларидан фойдалана билмасликлари оқибатидир.

7. Мактаб психологи билан шу масалада фикр алмашдингизми? Жавоблар турлича: сўровга қатнашганлардан 53,0 % бола тўғрисида психолог билан суҳбатлашиб, ўқувчининг ота-онасига хабар қилишга келишганлиги, 20,5 % эса “Мактаб психологи мутахассис эмас, бундай масалаларни ижобий ҳал қила олмайди”,

8,2 % ўқувчини мутахассис – психотерапевтга кўрсатиш ва даволатиши кераклиги, яна 8,2 % саволга муносабат билдириганинг кўриш мумкин. Бу саволга берилган жавоблардан шундай хулоса келиб чиқадики, мактабларда ишлаётган номутахассис психологларни тезда алмаштириш чораларини кўриш, тажрибали мутахассис психологлар билан таъминлашни ҳал этиш жоиз.

8. Ўқувчининг дарсдан бешида ўқитувчиларнинг ҳам айби бор деб ҳисоблайсизми, нима учун, изоҳлаб беринг? Жавоблар: 57,5 % иштирокчилар тажрибасиз ўқитувчилар қўпол муомала қилиб, ўқувчини бездириб қўйишини, 30,1 % “Билмадим, ўқитувчи жон куйдириб дарс ўтса, яна нима қилсин” деб ўйладилар. 12,3 % эса ўқувчининг дарсдан бешида ўқитувчиларнинг айби йўқлиги, бунга фақат ота-оналар айбор эканлигини қайд этадилар. Савол туғилади, ўқувчининг дарсга ўтиргиси келмаса ота-онанинг айби нимада, бу ҳақда ўқитувчилар чуқурроқ ўйлаб кўришлари керак.

9. Ўқувчини замонавий талаблар даражасида билим олишга қизиқтириш учун қандай чоратадбирларни қўллаш лозим деб ўйлайсиз? Жавоблар: 75,3 % “Ўқитувчи маҳорат билан дарс ўтиши лозим”, 16,4 % ўқитувчи ўқувчини ўзига яқин тутиши кераклиги, 6,8 % қўшимча дарсларни ташкил этиш лозимлиги, бир нафар (1,5 %) ўқитувчи саволга ўз муносабатини билдиригани.

10. Дарсдан бешиган болаларни қайта тарбиялашда ота-оналарнинг ёрдамисиз амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайсизми? Жавоблар қуйидагича: 61,6 % дарсдан бешиган болаларни ота-оналарнинг аралашувисиз қайта тарбиялашнинг иложи йўқ деб ўйладилар. 30,1 % ўқитувчилар қаттиққўллик, яъни авторитар усулида қайта тарбиялаш мумкин деб ҳисоблайдилар. 6,9 % эса боланинг ўзи хоҳламаса қайта тарбиялашнинг иложи йўқлигини эътироф этганлар. Бир респондент саволга жавоб беришни лозим кўрмаган.

Изоҳ: анкета сўровларига 66 нафар ўқитувчилар

иштирок этиб, берилган саволларга ўз муносабатларини билдирганлар.

Хуросалар:

1. Ўқитувчилар малакасини ошириш дастурига "Дарс интизомига салбий муносабатнинг келибчиқиши сабаблари ва уни олдини олиш" мавзусида курс иши тайёрлашни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Олиб борилган тажрибалардан маълум бўлдики, барча ўқитувчилар ҳам етарли педагогик-психологик тайёргарликка эга эмас. Шунинг учун мактабда ушбу масалагадоимий эътиборни қартиш, семинар-тренинглар ўtkазиш, тавсиялар ва методик маслаҳатлар уюштириш жуда зарур деб ҳисоблаймиз.

3. Туман методика маркази томонидан ўқитувчилар учун амалий ва методик ёрдамни қучайтириш зарурати мавжуд деб ҳисоблаймиз.

4. Ўқитувчилар билан ота-оналар ўртасидаги ҳамкорлик педагогикасини қатъий йўлга қўйиш, ота-оналар масъулиятларини ошириш зарур.

5. Кам таъминланган оиласлар, боқувчисини йўқотган оиласлар, ноқобил оиласларда яшайдиган ўқувчиларни алоҳида назоратга олиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш, синфдошлари томонидан камситмасликка эътибор бериш.

6. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар оиласлари билан яқиндан танишиш, уларга яратилган шароитлар, дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминлаш чораларини кўриш.

7. Ўқитувчиларнинг мактаб амалий психологи билан ҳамкорликдаги ишини самарали ташкил этиш механизmlарини жорий этиш.

8. Ўқитувчиларнинг синф ота-оналар мажлисларида иштирок этишларини таъминлаш, ўзи дарс берадиган предмети юзасидан у ёки бу ўқувчининг дарс интизомига риояси юзасидан ахборот бериб боришини ташкил этиш.

9. Ўқувчиларнинг саломатликларини доимий

назоратга олиш, уларга ноўрин танбеҳ бериб, изза қилмаслик чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

10. Ўқитувчилар томонидан ўқувчиларни дарс жараёнига етарли даражада жалб эта олиши, фанларга қизиқтириш, қўшимча дарс машғулотларини ташкил этиш сингари тадбирий чораларни кўриш яхши натижа бериш шубҳасиздир.

11. Мактаб чақириқларига менсимасдан муносабатда бўлаётган ота-оналарнинг жойлари (ташкилот, корхона ва бошқа муассасалар) раҳбарлари номига ходимининг фарзанд тарбиясига бефарқлиги, ўта муҳим тарбия масаласига масъулиятсизликка йўл қўяётганлигини уқтириб мактаб раҳбарлари томонидан хат йўллаш;

12. Мактаб раҳбарлари синф раҳбарлари орқали интизомсиз ота-оналарнинг иш жойларни аниқлаш, ўша ташкилот ёки корхона раҳбарини мактабга таклиф этиш, ходимининг фарзандлари таълими-тарбияси масаласида вазифаларни белгилаш, бу ишда қонуни ҳимоя қилувчи органлар билан ҳам ҳамкорлик қилиш.

Хуроса қилиш мумкинки, умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ўз устиларида мукаммал ишлаб, амалиётчи психолог билан бирга ўқувчиларда дарс интизомига нисбатан юзага келадиган салбий муносабатларни ўз вақтида диагностика, профилактика ва коррекцион ишларни олиб боришлири ниҳоятда муҳим ва шарт ҳисобланади.

Тадқиқот ишимизнинг самарадорлигини ўқувчиларнинг ота-оналар учун мўлжалланган сўровнома орқали таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ўйладик ва кўйидаги саволлар билан уларга мурожаат қилдик.

Хурматли ота-оналар!

Сизлардан кўйида келтириладиган ушбу анкета саволларига жавоб беришингизни сўраймиз. Болаларнинг хулқидаги ўзгаришлар тез юз беради, улар ҳаётнинг ҳар хил салбий таъсирларини тез ўзлаштиришларини яхши

биласиз. Вақт ўтган сари бундай хатти-ҳаракатларни олдини олиш қийинлашади. Фарзандларимизнинг бундай баҳтсиз ҳолатларга тушиб қолишини олдини олиш яхшидир.

Сизларни жавобларингиз болалар ва ўсмирлар хулқидаги оғишларни сабабларини аниқлаш, уларни олдини олиш чора-тадбирларини белгилашга ёрдам беради. Бу эса фарзандларингизни баҳтсизликдан халос етишга кўйган қадамингиз бўлади.

Марҳамат қилиб, саволларни ўқиб, уларга жавоб беринг. Саволлардан Сизга мос келадиганларини айланা ичига олинг.

Муносабатингиз учун олдиндан ташаккур билдирамиз.

1.Қайси хулқ-атвор шаклларини меъёрдан четга чиқиши деб ҳисоблайсиз?

1. Ўқув муассасидаги хулқ-атвор қоидаларини бузиш (дарсларни қолдириш, дарслардан қочиш, топшириқларни бажаришдан бўйин товлаш)

- 1) уйдан қочиб кетиши
- 2) қўполлик
- 3) алкогол ичимлиқ истеъмол қилиш
- 4) чекиш
- 5) жинсий ҳаётга эрта қадам қўйиш
- 7) безорилик
- 8) бошқаларни жабрлаш
- 9) ўғирлик
- 10) бўйсунмаслик, катталарни масхаралаш
- 11) “жалб етувчи” кейимлар кийиш, соч турмаклаш,
- 12) тақинчоқлар тақиши
- 13) тани жароҳатловчи жанжал қилиш
- 14) наркотик истеъмол қилиш
- 15) яна нима

2.Улардан қайси бирлари сизнинг болаларингиз тенгдошлари орасида ёки сизни фарзандингизда кенг тарқалган деб ҳисоблайсиз (биринчи

саволдаги мос келувчи рақамларни санаб ўтиш)

3.Сиз фарзандингиз учун кунига қанча вақт сарфлайсиз?

- 1)Бир соатдан ортиқ эмас
- 2)2-3 соат
- 3)4-5 соат
- 4)6-8 соат
- 5)8 соатдан ортиқроқ
- 6)Жавоб беришга қийналаман.

Сизнинг фарзандингиз ўқишдан бўш вақтида нима билан машғул?

4. Сиз, хулқ-атворда оғишнинг асосий сабаби нима деб ўйлайсиз?

- 1) кучли таассурот қолдиришга интилиш
- 2) боланинг касалланиши
- 3) болада қўзғалишнинг ортиб кетиши, ўзини назорат қила олмаслик
- 4) оиласдаги ноқулай вазиятлар
- 5) мустақиллик ва эркинликка интилиш
- 6) мураккаб педагогик вазиятларни ҳал етишда ота-оналарнинг билимини етишмаслиги
- 7) ўқишдан орқада қолиши
- 8) тенгдошлари томонидан еҳтиётсизлик
- 9) катталарни болалардаги қийинчиликларини тушунмаслик
- 10) боланинг ўзига ишончнинг етишмаслиги
- 11) болалар қобилиятини катталар томонидан салбий баҳоланиши
- 12) ҳаётда ҳар хил стрессли ҳолатларни кечириш
- 13) боланинг ҳаётида ижтимоий-иқтисодий зўриқишиларнинг учраганлиги
- 14) зўрлаш, қаттиққўллик, жазоламаслик
- 15) ота-оналарнинг ҳатдан ортиқ бандлиги
- 16) ота-оналар билан низога борганлик
- 17) ота-оналар томонидан (педагоглар) чеклашлар-

нинг кўплиги

18) оиласдаги жанжаллар

19) яна нима?

5. Фарзандингиз хулқ-атворида ўзгариш бўлган ҳолларда қайси мутахассисларга мурожсаат қилгансиз?

1) Синф раҳбари

2) Мактаб психологи

3) Ижтимоий педагог

4) Психотерапевт

5) Вояга етмаганлар билан ишловчи инспектор

6) Шифокор

7) Мустақил тузатганман

8) Яна кимга?

9) Жавоб беришга қийналаман

6. Сизни фарзандингиз тарбияси қийин болалар даврасига тушиб қолишидан хавфсирайсизми?

1) Ҳа

2) Йўқ

3) Жавоб беришга қийналаман

Ўзингиз тўғрингизда бир нечта маълумот берсангиз:

Ёшингиз_____

Маълумотингиз_____

Касбингиз ёки машғулотингиз_____

Яшаш манзилингиз_____

Оилангизда нечта фарзанд бор_____

«Сиз болангизни биласизми?»

Мақсад: Боланинг оиласвий муҳитини, ундаги шахслараро муносабатни ўрганиш. Ота-оналарнинг бевосита фарзандига нисбатан ғамхўрлиги ва унинг келажаги учун қайғуриши даражаларини аниқлаш.

Кўрсатма: Машғулот олиб борувчи қалтис гуруҳга мансуб боланинг ота-онасини индивидуал сұхбатга чақириб туриб, қуйидаги саволлар жадвалини холисона тўлдириб беришлари таклиф этилади.

Ота-оналар учун саволлар

№	Саволлар	Доимо	Баъзан	Хеч Қачон
1.	Болангиз ўзингизга ёқадими?			
2.	Болангиз гапираётганда тинглайсизми?			
3.	Унинг сўзини охиригача эшитиб турасизми?			
4.	Бола гапираётганда унинг сўзлари сизга аҳамиятли эканлигини билдиримоқчи бўласизми?			
5.	Болангиз нутқини тўғрилаб турасизми?			
6.	Болангизнинг хато қилишига йўл қўясизми?			
7.	Болангизни мақтаб, уни бағрингизга оласизми?			
8.	Болангиз билан бирга куласизми?			
9.	Ҳар куни болага китоб ўқиб бериш, сұхбатлашиши учун вақт ажратасизми?			
10.	Болангиз билан бирор ўйин ташкил этасизми?			
11.	Болангизнинг қизиқиши ва интилишларини рағбатлантирасизми?			
12.	Болангизнинг ҳеч бўлмагандага 1-2 китобчаси борми?			
13.	Болангизнинг фақат ўзи фойдаланадиган бурчаги борми?			
14.	Газета, китоб ўқиб болага намуна бўласизми?			

15.	Ўқиган нарса юзасидан бола билан сұхбат ўтказасизми?			
16.	Бола учун тиши доктори, магазинда ундан олдин сүз бошлайсизми?			
17.	Болангиз билан бирга телевизор күрасизми?			
18.	Күрган нарсаси юзасидан савол-жавоб ўтказасизми?			
19.	Телевизор күриш вақтими чегаралайсизми?			
20.	Болангизга ўз хистайыларини намойиш қилиш имконини берасизми?			
21.	Болангиз билан сайр қилиб турасизми?			
22.	Болангиз билан истироҳат ёки ҳайвонот боғлари каби дам олиш масканларига бориб турасизми?			

Натижалар таҳлили

«Доимо» жавоби учун – 4 балл;

«Баъзан» жавоби учун – 2 балл;

«Хеч қачон» жавоби учун – 0 балл.

88 балл - ота-онанинг фарзандига нисбатан муносабати аъло

44 балл - ота-онанинг фарзандига нисбатан муносабати ўртacha

22 балл - ота-онанинг фарзандига нисбатан муносабати ўртадан паст, бу ота-оналарнинг фарзандига нисбатан бундай ёндашувлари сабабини ўрганиб чиқыш зарур. Шунингдек вазиятга қараб таълим муассасаси маъмурияти, синф раҳбари, муассаса психологи улар билан сұхбат ўтказышлари ва узвий алоқада бўлишлари мақсадга мувофиқdir.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР: Янги Ўзбекистон давлати шароитида учинчи ренесанс пойдеворини қуришга муносиб ҳисса қўшадиган ёшларни тарбиялаш масаласи давлатимизнинг устивор сиёсатига айланган бир даврда юқорида зикр этилган тарбияяга дахлдор бўлган ташкилотларнинг номигагина гўёки тарбия билан шуғулланиб бораётганликларига энди бошқа йўл қўйиб бўлмайди. Олиб борилган тадқиқот ишларимиз ва кўп йиллик тажрибаларимиздан ҳам маълумки, тарбия муаммоси оиласдан ташқари фақат ва фақат таълим муассасасининг зиммасига тушиб қоляпти. Таълим муассасаси эса бундай долзарб ва ҳаётий зарур вазифани тўла-тўқис уddyалай олмаяпти. Қолаверса, кўпчилик ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясига нисбатан ёки бепарволиклари, ёки уларнинг имкониятсизликлари; ота-оналарда педагогик ва психологик билим, қўникма, малакаларнинг етарли эмаслиги ёки йўқлиги, тажрибасизлик, вақт билан боғлиқ масалалар, ота-оналарнинг оиласдан узоқ муддатда узоқлашиши (хорижий юртларда ишлашгакетиш, узоқмуддатлихизматсафарлари, ҳатто эр-хотин фарзандларини қариндошларига қолдириб ҳаётий зарурат учун чет элларга кетиш ва бошқа сабаблар) каби сабаб ва оқибатлар натижаси ўлароқ, фарзандлар тарбиясида дарз кетиб улгурди ва у янада чуқурлашиб бормоқда. Ўқувчилар ўртасидаги ахлоқсизликлар, майшатга берилиш, порнография билан шуғулланиш, оммавий маданиятга ружу қўйиш каби даврга хос бўлган иллатлар ёшлар тарбиясига салбий таъсир этаётгани бекиз эмас.

1. Тарбияга фақат мактаб ёки таълим муассасаларигина маъсул деган ақидадан воз кечиш керак. Бу билан биз мактабдан маъсулитян енгиллаштирилади ёки олиб ташланади деган фикрдан мутлақо йироқмиз.

2. Биз таклиф этаётган ёшларни кластер – яъни ҳамкорликда тарбиялашда мактабнинг маъсулити янада ошади. Чунки мактаб педагогик жамоасига таянч

ёрдамчи сифатида; маҳалла – ёшлар масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар – ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар – ота-оналар меҳнат қилаётган корхона, ташкилот, муассаса, хусусий тадбиркорлик корхоналари камарбаста бўлади. Буни қуйидаги мисолда тушунтиришга ҳаракат қиласиз.

Мактабда минг нафардан ортиқ ўқувчи таҳсил олади, деб олайлик. Ана шу ўқувчилар мактабга бир неча маҳалладан келишади. Уларнинг ота-оналари эса бир қанча корхона, ташкилот, муассаса, хусусий корхоналарда меҳнат қилишади. Меҳнат жамоаларида миллий қадриятларимизга таянган ҳолда ўзларининг кўп йиллик анъаналари мавжуд. Масалан, туғилган қунлар, юбилейларни нишонлаш, ходимлар эришган муваффақиятларни нишонлаш, тўйлар ва ҳ.к.з. Ана шу анъаналарга ўз фарзандларининг мактабда фанлардан қандай билим, кўникмаларга эга бўлаётганлиги, хулқатвори, одоб-ахлоқи, ўзини тутиши, ижтимоийлашуви каби ҳаётий долзарб бўлган масалалар ҳам кўшилса нима бўлади, ахир тарбия ҳамманинг иши-ку?!

Корхона ёки ташкилот раҳбари ҳар чоракда бир марта режа асосида бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ташкилот, муассасанинг фаолиятига боғлиқ бўлган масалаларга бағишлиган мажлиси кун тартибига “Ходимлар фарзандларининг таълим муассасаларида ўқиши, ахлоқ-одоби, хулқ-атвори” га бағишлиган масала киритилиб, фарзандлари аълочи, одоб-ахлоқи намунали бўлган ота-оналарга ташаккур билдириш, аксинча бўлса уларга фарзандини тарбиясига етарли даражада беэътибор бўлганлиги учун танбеҳ бериш, огоҳлантириш, масъулият юклаш ҳар қандай ота-онанинг ўз жамоадошлари ўртасида изза бўлишни олдини олади, балки фарзанди тарбиясига нисбатан эътиборли бўлиш масъулиятини ҳам шакллантиради. Ота-оналарнинг мактаб томон юзларини буриш имконияти пайдо бўлади. Сир эмаски, мактабда ота-оналар мажлислариға фақат оналар ташриф буюргани

ҳолда оталар умуман келмаслиги маълум.

Корхона ва ташкилотнинг йиллик асосий режасига ҳар чоракда бир марта “Ходимлар фарзандларининг таълим муассасаларида ўқиши, ахлоқ-одоби, хулқатвори”га бағишлиган масала киритилиши ва ўринбасорларидан бирининг вазифалар тақсимотига шу масалага масъул бўлиши белгилаб қўйилади. Ўқув йилининг ҳар чорак якуни бўйича мактаб билан боғланиш ва тегишли ўқувчилар таълим-тарбияси тўғрисидаги ахборотларни олиб, жамоада муҳокамага киритиш муаммо туғдирмайди. Давлат, нодавлат корхоналар, ташкилотлар имкониятларидан келиб чиқиб, намунали фарзанд тарбиялаётган ота-оналарни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришлари, ходим истаган пайтда имтиёзли таълиллар бериш каби тадбирлар бошқа ота-оналарни ҳам айнан шу масалада масъулиятиларини оширади. Намунали ота-оналар доскасини ташкил этиш, улар фотосуратлари қўйилиши ҳаммани ҳавасини келтириши, фарзандларини намунали тарбиялашда мативатсияни вужудга келтириши билан қадрланади.

Бундай узоқни кўзлаб қилинаётган ишда мактабнинг ўрни ва аҳамияти жуда юқори бўлмоғи лозим. Мактаб раҳбарлари маҳаллар ва корхона ташкилотлар билан яқин ва доимий алоқа ўрнатишлари, синф раҳбарлари, фан ўқитувчилари, мактаб психологи бу борада ўз вазифа ва бурчларини яққол тасаввур қилишлари, ҳар ойда мактаб директорига ҳисботлар бериш, воқеа-ходисалардан хабардор қилиш, корхона-ташкилотларга масъулларни бириктириш, маҳаллалардаги фарзандлари тарбиясида муаммоси бўлган оилаларга тажрибали ўқитувчиларни бириктириш фойдадан холи бўлмайди.

Бундай хайрли ишларни ташкил этишда туман-шаҳар ҳокимликлари, прокуратура, ички ишлар идоралари назоратни олиб бориши ва ташкилий жараёнда яқиндан ёрдам беришлари муаммони ижобий ҳал бўлишида хизмат қиласиз. Ахир тарбия ҳамманинг иши бўлмоғи шарт-ку!

Жамиятимизнинг тинч-тотувлиги, халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстона руҳий мұхит, рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлаш каби долзарб муаммоларнинг ҳал бўлишида тарбиянинг роли қанчалик мұхимлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳокимликлар йилига икки марта ўз сессияларида “Корхона-ташкилотларнинг ўз ходимлари фарзандлари таълим-тарбияси аҳволи тўғрисида” ги масалани муҳокамага киритиши мақсадга мувофиқ бўлади. Айнан шу масалада бошқаларга ибрат бўладиган корхона-ташкилот раҳбарларини рағбатлантириш ҳам мумкин бўлади.

Муаммога моҳиятан масъулият билан ёндашиш Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган учинчи ренесансга тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли амалга оширишга пойdevor қўйишдек улуғ ва шарафли ишни амалга оширишга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Мактаб ўқитувчисига қўйиладиган замонавий компетенциялар

Ҳар бир мутахассислик фани бўйича ўқитувчининг компетенцияси (ихтисослашган характеристикасини назарда тутган профессиограммаси) тузилади. Жумладан, мактабнинг ўқитувчи-мураббийси профессиограммасини мисол қилиб келтирамиз. Профессиограммада мұхим хислатлари сифатида борган сари бирмунча ортиб боришини хисобга олган ҳолда ўқитувчининг қуидаги компетенциясини келтириш мумкин.

1. Ўқитувчининг шахсий хислатлари:

- болаларни яхши кўриши, уларни севиш;
- амалий-психологик ақл-фаросатлилик;
- меҳнатсеварлик;
- жамоат ишларида фаоллик;
- меҳрибонлик;
- камтарлик;
- одамийлик, дилкашлик;
- улдабуронлик, мустаҳкам характерга эга бўлиш;
- муттасил ўз билимини оширишга интилиш.

2. Касбий хос билими:

- таълим ва тарбия жараёни моҳияти билан унинг мақсад ва вазифаларини тушуниши;
- психология асослари, ёш психологияси ва педагогик психология асосларини билиши;
- этнопсихологик билимларн эгаллаш;
- ҳозирги замон педагогикаси асосларини билиши;
- ҳозирги замон педагогикасининг методологик асосларини эгаллаганлиги;
- мактаб ёшида болаларнинг психологик-педагогик хусусиятларини тушуниши;
- ўз фанини ўқитиш методикасини чуқур билиши;
- ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишнинг самарадорлигини билиши;

- ота-оналар вожамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмунини билиши.

3. Ўз касбига хос хислатлари

- миллий қайта қуриш мағкураси билан мустақил давлат мағкурасини тушуниши;

- замонавий мактабда олиб бориладиган ўқув-тарбия жараёнида умуминсоний номоддий бойликлар, миллий анъаналар ва урф-одатларнинг аҳамиятини тушуниши;

- ўқитувчининг кузатувчанлиги;

- ўз диққат-эътиборини тақсимлай олиши;

- педагогик фантазия (хаёл) нинг ривожланиши;

- ўзига нисбатан рефлексив танқидий муносабатда бўлиши;

- ўзини қўлга ола билиши, ўзини тута олиши, эҳтиросларга берилмаслик;

- педагогик такт;

- нутқнинг равонлиги, эмоционал ифодаланиши.

4. Шахсий-педагогик улдабуронлиги:

- дарс машғулотлари учун зарур материалларни танлай билиши;

- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқара олиши;

- таълим ва тарбия жараёнида ўқувчилар онгининг тараққий этиб боришини истиқболли равища режалаштира олиши;

- педагогик вазифаларни шакллантириш ва табиявий ишларни режалаштиришни билиши;

- болалар жамоасига раҳбарлик қилишда ўз фаолиятини режалаштиришни билиши;

- ўқув мақсадларини аниқ режалаштира олиши;

- ўзининг таълим-тарбия ишларига тайёрланиш тизимини режалаштира олиши.

5. Ташкилотчилик малакалари:

- болалар жамоасини уюштира билиши;

- туриш шароитларда болалар жамоасига ўз таъсирини ўтказа олиши бошқариш қобилиятига эга бўлиши;

- болаларни мақсадли равища бирор нарсага

қизиқтириб, уларни фаоллаштира олиши;

- амалий масалаларни ҳал этишда ўзининг билим ва тажрибаларини усталик билан фавқулодда ва тез қўллай олиши.

6. Коммуникатив малакалари:

- болаларни ўзига жалб эта олиш қобилиятига эгалиги;

- болалар ва уларнинг ота-оналари билан мақсадга мувофиқ равища педагогик муносабатларни ташкил этиш, тиклашни билиши;

- болаларнинг жамоалараро ва жамоа орасида ўзаро муносабатларни тартибга солишини билиши;

- болалар ва ота-оналар билан зарур ҳолларда ташқаридан алоқа боғлашни билиши.

7. Гностик малакалар

- болаларнинг асаб-психик тараққиёти даражасини аниқлай билиши;

- салбий муносабатларини, хулқ-атворидаги ўзгаришларни кузатиш;

- ўзининг тажрибаси ва педагогик натижаларини танқидий таҳлил қила олиши;

- бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиб, ундан (назарий ва амалий томондан) тўғри холоса чиқара олиш қобилиятига эгалиги;

- психологик ва педагогик адабиётлардан кенг фойдаланишини билиши;

- ўқувчилар хатти-ҳаракатини тўғри тушуниб, уларнинг хулқ-атвор сабабларини тушунтира олиши.

8. Ижодий хислатлари:

- педагогик маҳоратни такомиллаштиришга интилиши;

- ўқувчиларни рисоладагидек тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш қобилияти;

- ўзини ўқувчи ўрнига қўйиб, бўлиб ўтган ҳодисаларга унинг назари билан қарай олиши;

- аввалги воқеалар, ҳодисалар ва тарбияланувчи

шахсига янгича қарай олиш қобилияти;

- ўзининг ўқувчига педагогик таъсири натижаларини олдиндан кўра билишга интилиши.

Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган моделниг асосий тузилиши тариқасида қуидагилар келтирилади;

- шахснинг жамоатчилик ва касбий йўналиши;

- педагогик маҳорат ва қобилияти;

- характернинг психологоик хусусиятлари;

- билиш фаолияти;

- ўқитувчи шахснинг болаларни касбга тайёрлаш ишлари даражасидаги умумий тараққиёти.

Профессиограммани касбга хос равишда ўқитиши ташкил қилишда таълимнинг самарадорлиги ва унинг муваффақияти қандай билим ва кўникмаларга, айниқса, шахснинг қандай қобилият ва шахсий хислатларига боғлиқ эканлигини албатта кўрсатиш зарурдир.

Педагогик қобилиятлар

Қобилият - бу кишининг бирор фаолиятга яроқлилик даражаси ва шу фаолиятни амалга оширишидир.

Педагогик қобилият - бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғулана олишини аниқлаб беради. Педагогик қобилиятынинг тузилиши қандай? Қуидаги бу масалани кўриб чиқамиз.

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўпқиррали психологик билимлардан иборатлилигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилиятлар тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни (таркибий қисмлар) ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Дидактик қобилиятлар - бу болаларга ўқув материалларни аниқ ва равшан тушунтириб, осон ва тушунарли тарзда етказиб бериш, болаларга фанга қизиқиши уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни

уйғота оладиган қобилиятлардир.

Дидактик қобилиятларга эга бўлган ўқитувчи зарурат түғилганда қийин ўқув материалини осонроқ мураккаброғини соддароқ, тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб ўқувчиларга мослаштириб бера олади. Ўқитувчининг мана шу хислатларини билиб олган ўқувчилар одатда: «ўқитувчининг энг муҳим томони ҳам унинг ҳамма нарсани аниқ ва тушунарли қилиб беришида-да. Бундай ўқитувчининг қўлида мазза қилиб ўқигин келади»; «Униси эса ҳеч нарсага ярамайдиган ўқитувчи, ҳеч ҳам аниқ тушунтириб бера олмас эди»; «ўқув материалини олдида тирик одамлар эмас, балки қандайдир механизмлар бордек, зерикарли ва ноаниқ мужмал қилиб тушунтиради. Биз бундай ўқитувчиларни ёқтиромаймиз»-дейдилар.

Кўпчилик ўқитувчиларга, айниқса ҳафсаласиз ўқитувчиларга, ўқув материали оддийгина ва ҳеч қандай алоҳида тушунтириш ҳамда изоҳ беришни талаб қилмайдигандек туюлади.

Бундай ўқитувчилар ўқувчиларни эмас, балки биринчи ҳолда ўзларини назарда тутиб иш олиб борадилар. Шунинг учун ҳам ўқув материалини ўзига қараб танлайдилар.

2. Академик қобилиятлар - математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос бўлган қобилиятлардир.

Қобилиятли ўқитувчи ўз фанини фақат ҳажмидагина эмас, балки атрофлича, кенг, чукур билиб, бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равища кузата бориб, ўқув материалини мутлақо эркин эгаллаб, унга катта қизиқиши билан қарайди ҳамда озгина бўлсада тадқиқот ишларини олиб боради.

Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиясига эришиш, бошқаларни қойил қилиб ҳайратда қолдириш, ўқувчиларда катта қизиқиши уйғота олиш учун у юксак маданиятли, ҳар томонлама мазмунли, кенг эрудицияли

(билимдон) одам бўлмоғи лозим.

3. Перцептив қобилиялар - бу ўқувчининг, тарбияланувчининг иккита дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчи шахсининг вақтингчалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятидир.

4. Нутқ қобилияти - кишининг ўз ҳис туйғуларини нутқ ёрдамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш қобилиятидир. Бу ўқитувчидан ўқувчиларга узатиладиган ахборот, асосан, иккинчи сигнал тизими - нутқ орқали берилади. Бунда мазмун жиҳатидан унинг ички ва ташқи хусусиятлари назарда тутилади.

Дарсда қобилияти ўқитувчининг нутқи ҳамма вақт ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтирадими, ўқувчилар жавобини шарҳлаб берадими, хуллас, нима қилишидан қатъий назар, нутқи ҳамма вақт ўзининг ишончлилиги жозибадор ва ёқимлилиги, каби ички қувват билан алоҳида ажralиб туриши лозим.

Шошқалоқ ва ёқимсиз нутқ билимларни ўзлаштиришга халақит бериб болаларнинг ғашига тегади ва тез толиқтиради. Ўта секин нутқ ланжлик ва зерикишга олиб келади.

Нутқий маҳорат, имо-ишоралар ва турли кескин ҳаракатлар ўқувчиларни зериктирмайди, жонлантиради.

5. Ташкилотчилик қобилияти - бу биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, бунда жамоани жипслаштира олиш ва иккинчидан, ўзининг шахсий ишини тўғри ташкил қила олиш қобилиятидир. Ўқувчилар ўз ўқитувчилари ҳақида турлича фикрда бўладилар.

Ўқитувчининг ўз ишини ташкил қила билиши деганда, унинг ўз ишини тўғри режалаштириб, уни назорат қила олиши назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтга нисбатан ўзига хос сезувчанлик-ишини вақт бўйича тўғри тақсимлаб, мўлжалланган вақтдан тўғри фойдалана

олиш кўнникмаси пайдо бўлади.

6. Авторитар қобилияти - бу ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир этиб, уларда обрў орттира билишдан иборат қобилиятидир.

Авторитар қобилият ўқитувчининг ростгўйлиги, иродавий уддабурронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлиги каби иродавий хислатлари ҳамда қатор шахсий фазилатларга, шу билан бирга ўқувчиларни таълим-тарбиясида жавобгарликни ҳис этиш, унинг эътиқоди, ўқувчиларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олганлигига ишончи каби хислатларга ҳам боғлиқдир.

7. Коммуникатив қобилият - бу болалар билан мулоқотда бўлишга, ўқувчиларга нисбатан ижобий ёндошиш учун тўғри йўл топа билишга, улар билан педагогик нуқтаи-назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятидир. Ўқитувчи нутқининг равонлиги, жарангдорлиги, ёқимлилиги, сўзларни аниқ талафуз қилиш, мимика ва пантомимиканинг ўз ўрнида ишлатиш ўқувчиларга ижобий таъсир этиб, нафақат ўзлаштириш қобилиятини ривожлантиради, балки шу фанга нисбатан қизиқишлигини орттиради. Фан юзасидан чуқур билим олишга мотивация беради. Бир сўз билан айтганда ўқитувчининг ёқимлилиги ва принципиаллиги дарс жараёнига бўлган ижобий муносабатни барқарорлашади. Ўқувчилар ана шу ўқитувчига ўхшашни орзу қиласидар, ўқитувчининг шахсий намунаси асосида уларда шахснинг шаклланиши пайдо бўлиб, бу жараён бора-бора ривожланиб ва такомиллашиб бораверади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 2020 йил 23 сентябрдаги 637-сонли. <https://lex.uz/docs/5013007>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент.: Ўзбекистон. 2021. –Б. 465.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 14-августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясini тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 5-сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли фармони

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-6108-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6-ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4884-сонли қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313 сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3523206>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясini тасдиқлаш” тўғрисидаги ПҚ-5847-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4545884>

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сонли “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3481190>

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга соловчи норматив-хуқуқий хужожатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сонли қарори. <https://lex.uz/uz/docs/4945840>

15. 1. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Чўлпон», 1994.

16. 2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Нодир ва доно фикрлар. — Т.: «Озбекистон миллий енциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004.

17. Абдуллаева Д., Ёркулов Р., Атабаева Н. Оила психологияси. - Т.: «Тафаккур Бўстони», 2015.

18. Асқарова. Ў.М., Хайитбоев М., Нишонов М.С. Педагогика. – Т.: «Талқин», 2008.

19. Авазбоев А.И. Талабаларда креативлик

сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари // Замонавий таълим. 2018. №8. -Б. 21.

20. Ю.М.Асадов ва Р.Мусурмоновларнинг "Усмирлар девиант хатти-ҳаракатининг ижтимоий-психологик хусусиятлари" ўқув-методик қўлланмаси (Тошкент: САНО СТАНДАРТ, 2011)

21. Акбаров Б. Кластер тизими умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришнинг асосий омили сифатида // Халқ таълими. 2019. № 4. -Б. 106.

22. Р.Бегматовнинг "Вояга етмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларни таълим-тарбиявий тизимини бошқарув" методик қўлланма (Тошкент:ТДПУ, 2008);

23. Болотов В.А., Сериков, В.В. Компетентностная модель: от идеи к образовательной программе // Педагогика. - 2003. -№10.-С. 8-14.

24. Беспалова Л. Что такое кластер? [Электронный ресурс] // УРЛ: <http://siok.rightside.ru/siok/> 2009-12-01-06-24-41. Загл. с экрана.

25. Зеер Э.Ф. Компетентностный подход к модернизации профессионального образования // Высш. обр. в Рос. - 2005. -№4. - С. 23-30.

26. Zaxidov G.E. Metod organizatsii i upravleniya proizvodstvom klasternym metodom. T.: Fan, 2016. 160 s. URL: <http://isbn.natlib.uz/uz-LatnUZ/Search/Search?page=29&size=10&type=8>.

27. Зарипов ҳамда М.Кержнерларнинг "Ҳуқуқбузарлик ҳолатларнинг профилактикаси" (Тошкент: Ўзбекистон, 1993);

28. Давыдова Н.Н., Игошев Б.М. и др. Образовательный кластер как системообразующий компонент региональной модели непрерывного педагогического образования // Педагогическое образование в России. 2014.

29. Джураев Р.Х. Болаларнинг ахлоқий тарбиясида халқ удумлари ва анъаналаридан фойдаланиш // Халқ таълими. – Ташкент, 2009 -№ 2.- С.99-103.

30.Джураев Р.Х., Кучукбаев Ф.М., Э.М.Азимова , О.Ф.Сотиболдиев. Таълим-трабия жараёнида дарсга салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъсир этиш. Мактаб педагог ва психологлари учун илмий методик қўлланма. Т:- 2012 – 41-42 бет.

31.Дехкамбаева З.А. Шарқ мутафаккирларнинг одоб ва интизом ҳақида қарашлари/ "Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари қарашларида инсонпарварлик ғояси ва уларнинг миллий тарбия тизимидағи ўрни" мавзусида республика илмий-амалий анжуман материалари. Андижон, 2015 йил, 24 апрел 172-174 б.

32. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Таълим менежменти. – Тошкент, 2006. – 73 б.

33. Карабаева Н. С. Методические материалы к семинару по проблемам формирования базовых компетенций цикла гуманитарных и социально-экономических дисциплин ГОС ВПО/. - М.: Изд-во ПУДН, 2005. 52 с.

34. Каримова Н.Н. Бўлажак касб-таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш // п.ф.ф.д. (PhD) дис. авто. -Т. -2018.-50 б.

35. Кривых С.В. Кластерный подход в профессиональном образовании. // Академия профессионального образования, 2014, №3-4. -С. 7-13.

36. Мухамедов Ф.И., Хўжамкулов У.Н., Тоштемирова С.А. Педагогик таълим инновацион кластери / монография -Т.: Университет, 2020. 280 б.;

37. Мухамедов Ф.И. Педагогик таълим инновацион кластери: эҳтиёж, зарурат, натижа // "Халқ сўзи" 15 февраль 2019 йил. <http://xs.uz/uzkr/post>.

38. Mukhamedov, G. I., Khodjamkulov, U. N., Shofkorov, A. M., & Makhmudov, K. S. (2020). Pedagogical yeducation cluster: content and form. ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81), 252. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.202Q.01.81.46>

39. Мухаметзянова Г.В., Пугачева Н.Б. Кластерный подход к управлению профессиональным образованием. Казань: 2007, - 144 с.

40. Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), - P. 8104-8111.

41. Мусурмонов Р., Мусурмонова М. Ўқувчиларнинг дарсга бўлган муносабатини кластер асосида ўрганиш. Методик қўлланма, » MALIK PRINT CO» Тошкент – 2022. 145 б.

42. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Тошкент: Фан, 1994. –134 б.

43. Маҳкамов У. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. – Тошкент: "Фан", 1995.

44. Мусурмонов Р. Мактаб ўқувчиларининг дарс интизомига нисбатан салбий муносабатларини олдини олиша ҳамкорлик педагогикаси // Материалы научно-практической конференции Филиала МГУ им.Ломоносова "Наука, образование и производство в обеспечении устойчивого развития инновационной экономики". Тошкент, 2014 йил, апрель. 169-175 бетлар.

45. Мусурмонов Р. Узлуксиз таълим тизимида интизомсиз ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш // "Узлуксиз таълим" ж. – Тошкент, 2014. – № 2. - 30-35 бетлар.

46. А.И.Островскийнинг "Вояга етмаганларнинг хуқуқбузарликларининг олдини олишга (профилактикасига) комплекс ёндашувнинг педагогик асослари" (Тошкент: Фан, 1983)

47. Орехова З. Ф. Воспитание дисциплинированности учащихся на уроке. М., 1953.с 12.

48. Осечкина Л.И. Кластерный подход как условие повышения эффективности деятельности вуза // Высшее образование в России. 2012. №8-9. С. 75. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/klasternyy-podhod-kak-uslovie-povysheniyaeffektivnosti-deyatelnosti-vuza>

49. Педагогик атамалар лугати / Тузувчилар: Р.Х.Джураев, Ў.Қ.Толипов, Р.Г.Сафарова ва бошқ.- Т.: "Фан" нашриёти, 2008, Б.104.

50. Раскин Л. Е. Влияние детского коллектива на воспитание сознательной дисциплины. М., 1948 - с. 38

51. Раттер М. Помощь трудным детям.Перв. с англ. Общ ред. П.Спива-ковой.- М: Прогресс,1987 – 424 с.

52. Рашидов Ҳ.Ф., Дехкамбаева З.А., Алимходжаева С. Оила - интизомсиз ўқувчилар хулқига таъсир этувчи ижтимоий-педагогик омил сифатида// Maktab va hayot. – Тошкент, 2015. - № 4. - 20-23 бетлар.

53. Рашидов Ҳ, Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабат: сабаблар таҳлили ва тавсиялар // Maktab va hayot. - Ташкент, 2014, - № 3 - 2-7 бетлар.

54. Рашидов Ҳ., Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларнинг ота-оналари билан ишлаш усуллари ва шакллари // Maktab va hayot. – Тошкент, 2014. - № 5. - 2-5 бетлар.

55. Рыбакова М. Особенности педагогических конфликтов. Разрешение педагогических конфликтов. М., 1991.

56. Роджерс К.Р. Взгляд на психологию: Становление человека. М.: Мысль, 1994. - 480 с.

57. Рудик Г.А.Дисциплинарный фактор школьного урока в условиях глобализации // Maktab va hayot. – Тошкент, 2014. - № 2. - 30-36 ст.

58. Рогожникова Р.А. Определение уровня дисциплинированности школьников: Метод пособие / Перм. гос. пед. ун-т. Пермь, 1998. - 51 с.

59. Семенюк Л.М. Психологические особенности агрессивного поведения подростков и условия его коррекции: Учебное пособие. – М.: Московский психолого-социальный институт: Флинта, 1998. – 96 ст.

60. Тоштемирова С.А Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш // Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. Тошкент. 2019, № 11.- Б.362.

61. Тарбия. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги- Т.:»Ўзбекистон миллий

энциклопедияси», Давлат илмий нашриёти, 2010.

62.Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари // педагогика фанлари доктори дисс.. – Чирчиқ, 2020. - 270 б.

63.Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим кластери илмий-педагогик муаммо сифатида // Замонавий таълим. -Т: 2019, № 10 (83). -Б. 10-15.

64. Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980. P. 454.

65.Usarov. J. Using Teaching Methods for Development Student Competencies // International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 2019. 15(1), -P. 272-274.

66. Khodjamkulov, U., Botirova, Sh., Shofkorov, A., & Abdirimova, I. (2020). Bases of Organizing Cooperation between Educational Institutions through Clusters. Journal of Critical Reviews, 7(12), - P. 243-247.

67. Khodjamkulov, U., Makhmudov, K., & Shofkorov, A. (2020). The Issue of Spiritual and Patriotic Yeducation of Young Generation in the Scientific, Political and Literary Heritage of Central Asian Thinkers. International Journal Of Psychosocial Rehabilitation, 24(05), 6694-6701. <https://doi.org/10.37200/IJPR/V24I5/PR2020657>

68. Weiss A. The Modern Leader's Role // Innovative Leader. 1998. Vol. 7. No. 11.

69. Фозиев Э.Ф., Мелибоева Р.Н. Ижтимоий психология. – Т.: «Фахризода», 2009.

70. Тўлаганова Г.Қ. Девиант хулқнинг психологик коррекцияси. – Т.: «Университет», 2014.

71. Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем // Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24–26 окт. 2006 г.): в 2 ч. / БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М. Давыденко, Т.И. Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, 2006. Ч. 1. С.25

72. Сидорин А.В. Система формирования кадрового потенциала высокотехнологичных отраслей промышленности на основе кластерного подхода // Интернет-журнал «Науковедение». 2012. №4. С. 3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sistema-formirovaniya-kadrovogo-potentsiala-v-ysokotekhnologichnyh-otrasley-promyshlennosti-na-osnove-klasternogo-podkhoda>

73. Портер М. Конкуренция. Киев: «Вильямс», 2001. 208 с. УРЛ: [хттп://www.twirpx.com/филе/505299/](https://www.twirpx.com/file/505299/)

74. Ҳасанов Ж., Тўрақулов Х.А., Алқаров Ш., Усмонов Н.Ў., Педагогика. – Т.: «Ношир», 2011.

МУНДАРИЖА	
КИРИШ.....	6
I.БОБ. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГАН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА КЛАСТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Модернизациялашган таълим шароитида кластер технологиялари асосида ўқувчиларнинг дарс жараёнига бўлган муносабатларини такомиллаштириш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида.....	9
1.2. Модернизациялашган таълим шароитида ўқувчиларнинг дарс жараёнига бўлган муносабатларининг ҳозирги аҳволи таҳлили.....	25
II.БОБ. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГАН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА КЛАСТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	
2.1. Модернизациялашган таълим шароитида мактаб дарсларининг кластерли интизомий омилларини такомиллаштириш йўналишидаги функционал вазифалар.....	41
2.2. Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантиришда ўқитувчиларга нисбатан қўйиладиган замонавий талаблар ва уларни амалга ошириш имкониятлари.....	52
2.3. Модернизациялашган таълим шароитида мактаб ўқувчиларида дарсга ижобий муносабатни шакллантиришда тизимли рефлексив кўникмаларни шакллантириш.....	69
III.БОБ. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГАН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА КЛАСТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ	
3.1. Модернизациялашган таълим шароитида кластер технологиялари асосида ўқув-тарбия фаолиятини такомиллаштиришни ташкил этиш ва бошқариш.....	78

3.2. Модернизациялашган таълим шароитида кластер технологиялари асосида ўқув-тарбия фаолиятини такомиллаштиришда педагоглар ҳамда ўқувчилар отаоналари ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари.....	99
3.3. Модернизациялашган таълим шароитида кластер технологиялари асосида ўқув-тарбия фаолиятини такомиллаштиришнинг психологик хусусиятлари ёхуд шахс ижтимоий таъсирларнинг маҳсули сифатида.....	115
3.4. Шахсни ўрганишнинг психодиагностик воситалари ва унга қўйиладиган психологик талаблар..	122
IV.БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВНИНГ МАЗМУНИ, ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ ВА ОЛИНГАН НАТИЖАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ	
4.1. Ўқувчиларда дарсга ижобий муносабатни шакллантириш мақсадида ўтказилган тажриба-синов мазмуну, шакл ва методлари.....	140
4.2. Модернизациялашган таълим шароитида кластер технологиялари асосида ўқув-тарбия фаолиятини такомиллаштиришнинг тажриба-синови натижалари таҳлили.....	149
Умумий холоса ва тавсиялар.....	167
Иловалар.....	171
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	178

— 4405/x —

РАҲМАТИЛЛА МУСУРМОНОВ

**КЛАСТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
ЎҚУВ-ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Монография)

Муҳаррир: Х. Тахиров

Техник муҳаррир: С. Мелиқузийева

Мусаҳҳих: М. Юнусова

Саҳифаловчи: А. Исҳоқов

Нашр. литс № 2244. 25.08.2020 й.

Босишига рухсат этилди 11.12.2023 й.

Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози. “Cambria”

гарнитураси. Ҳисоб-нашр табори. 11,75.

Адади 100 дона. Буюртма № 34.

«ZEBO PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Яшнобод тумани, 22-ҳарбий шаҳарча.

